



Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти

UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

2019, № 2

ДЖУРАЕВ Рисбой
Бош муҳаррир

Журнал 2001 йилдан нашр қилина бошлаган.

Ўз МААдан 2007 йил 3 январда
№ 0101-тартиб рақами билан қайта
рўйхатдан ўтган.

Журналда эълон қилинган
мақолалардан иқтибос олинганда
«Ўзлуksиз таълим» журналидан
олинганлиги кўрсатилиши
лозим.

Тахрир ҳайъати:

Шерзод ШЕРМАТОВ
Баходир СОБИРОВ
Раҳманкулова НАРГИЗА
Бахтиёр ДОНИЁРОВ
Собитхон ТУРҒУНОВ
Холбой ИБРАГИМОВ
Шавкат ҚУРБОНОВ
Роҳатой САФАРОВА
Ислом ЗОКИРОВ
Абдусалом УМАРОВ
Одил КУЙСИНОВ
Лобар КАРАХАНОВА

Тахририят манзили:

100027, Тошкент ш.,
Фуркат кўчаси,
174-уй.

ЎзПФИТИ

Тел.: 0371-245-92-34

e-mail: uzluksiztalim_jurnal@mail.ru
liya_2305@mail.ru

ТАЪЛИМ МАЪМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

- 3 **P.G.Safarova**
Янги авлод дарсликлариди ўқувчиларни интеллектуал-маънавий юксалишга ундовчи ўқув материалларини баён этишда узвийлик ва узлуксизлик принципининг устуворлигини таъминлаш имкониятлари
- 8 **R.B.Yarmatov**
Bo'lajak tarix fani o'qituvchilarining ilmiy-tadqiqot ishlarini takomillashtirishni uzluksiz loyihalashtirish bosqichlari
- 13 **G.Abduraimova**
Узлуксиз таълимда жараёнида «технология» таълим соҳасини ўқитишга тайёрлашнинг йўллари ва воситалари
- 18 **D.I.Mamurova**
Uzluksiz ta'lim tizimichizmachilik fanini o'qitishda Autocad dasturidan foydalanish
- 22 **Ф.Г.Рахматова**
Иқтидорли ўқувчилар билан узлуксиз ишлаш методлари
- 28 **У.Б.Хасимов**
Узлуксиз бадиий таълим тизимида академик қаламтасвири ўргатишнинг долзарб муаммолари
- 32 **Ф.У.Қодирова**
Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг мактабгача ва мактаб таълими узвийлигини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлар
- 39 **Ф.П.Сайдамамов**
Узлуксиз таълим тизимида ижодий фаолиятни шакллантиришнинг назарий асослари
- 43 **М.Суванова**
Она тили фанини ўқитишда ривожлантирувчи таълим технологиялари ва усулларининг аҳамияти
- 47 **Z.Sh.Uchqurova**
Ta'lim sifatini oshirishda test topshiriqlarini taqomillashtirish
- 51 **D.Шамсиева**
Учебные задания по русской литературе по таксономии Бенжамина Блума в непрерывном образовании

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

- 56 **Ф.М.Тожиева**
Масофавий таълим ўқув адабиётларини яратишда қулланиладиган дастурлаштириш ва модул усуллари тўғрисида
- 61 **L.K.Bagbekova, U.V.Aliyeva**
Ta'lim tizimida ommaviy onlayn ochiq kurslaridan foydalanish
- 65 **Sh.B.O'rogova**
Elektron ta'limning asosiy rivojlanish tendensiyalari
- 68 **У.Б.Баходирова**
Биология фанини ўқитишда виртуал таълим технологияларининг имкониятлари

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

- 73 **P.X.Dжурсаев, M.Э.Иноятова**
Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларга «оммавий маданият»га қарши маърифий тарбия бериш ҳақида
- 78 **E.O.Qalandarov**
Uzluksiz ta'limda qattiq jismlar fizikasini modulli o'qitish texnologiyasi
- 83 **C.A.Abidova**
Шахснинг ривожлантириш даврида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
- 87 **A.Abdurashidov**
Ўқувчи-ёшларда тадбиркорлик тушунчаларни шакллантиришнинг муҳим белгилари
- 90 **P.Ш.Халилов**
Аналитический рисунок - как средство формирования пространственного интеллекта в процессе художественного образования

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

- 93 **M.E.Axmedova, L.S.Mo'minova, M.Mullojonova**
O'quvchi yoshlarning kasbiy tafakkurini rivojlantirishda kitobxonlik madaniyatining ahamiyati
- 97 **I.B.Morxoeva**
Формирование творческой компетентности у будущих учителей в условиях перехода на новый уровень образования
- 100 **H.Маматханова**
Классификация теорий воли и направления волевой регуляции в непрерывном образовании

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

- 104 **H.F.Maksudova**
Uzluksiz ta'lim tizimida ingliz mashg'ulotlarida autentik materiallardan foydalanish
- 108 **G.B.Yaxyoeva**
O'quvchi-yoshlarga chet tilini o'qitishning innovatsiyon yo'llari



ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШГА УНДОВЧИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ БАЁН ЭТИШДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК ПРИНЦИПИНИНГ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ

Р.Г. САФАРОВА,

ЎзПФИТИ профессори, п.ф.д,
Халқаро Педагогик таълим Академияси академиги

Мазкур мақолада янги авлод дарсликларини яратишга оид ёндашувлар, узвийлик ва узлуксизлик принципларининг амалда дарсликлар яратиш тизими-мига татбиқ этилиши, ўқув материалларининг фанлараро алоқадорлик, интеграция, тадрижийлик принциплари асосида структуралаштириш масалалари, янги авлод дарсликларининг иккита муҳим вазифаси, ушбу вазифалардан ҳар бирининг тавсифи, дарсликларнинг структураси ва мазмунини модернизациялаш ғояси, ўқувчиларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ривожлантиришда дарсликларда ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятлари, ўқув предетларининг мазмуни, уларга қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: фанлараро алоқадорлик, янги авлод дарсликлари, принцип, узвийлик ва узлуксизлик, ўқув материаллари, тадрижийлик, маънавий-ахлоқий, ўқув предмети, ўқув курслари, ўқув блоклари, дарсликнинг таркиби, дарсликнинг мазмуни, интеграция, эвристик топшириқлар.

В данной статье рассматриваются вопросы реализации подходов построения учебников нового поколения, принципов преемственности и непрерывности в системе практической разработки учебников, вопросы структурирования учебных материалов по принципам междисциплинарности, интеграции, две важные задачи учебников нового поколения, описание каждой из этих задач, идея модернизации структуры и содержания учебников, возможности использования учебных материалов в учебниках для интеллектуального, духовного и нравственного развития учащихся, содержание учебных предметов, и требования предъявляемые к ним.

Ключевые слова: междисциплинарная связь, учебники нового поколения, принципы, преемственность и непрерывность, учебные материалы, духовно-нравственный аспект, учебный предмет, учебные курсы, учебные блоки, структура учебников, содержание учебников, интеграция, эвристические задания.

This article examines the implementation of new generation textbooks, the principles of continuity and continuity in the system of practical development of textbooks, the structuring of educational materials on the principles of interdisciplinarity, integration, two important tasks of new generation textbooks, a description of each of these tasks, the idea of modernizing the structure and content textbooks, the possibility of using educational materials in textbooks for the intellectual, spiritual and moral development of students,



content of subjects, and the requirements placed upon them.

Key words: interdisciplinary connection, textbooks of the new generation, principles, continuity and continuity, teaching materials, spiritual and moral aspect, academic subject, training courses, educational units, structure of textbooks, content of textbooks, integration, heuristic tasks.

Сўнгги йилларда умумий ўрта таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини модернизациялаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ўзгаришлар асосида барқарор дарсликлар яратиш жараёни бир қадар мураккаб кечмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда мактаб таълимини ислоҳ қилиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, мактаб дарсликлари иккита катта вазифани бажаради: 1) илмий билимлар манбаи; 2) ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш манбаи сифатида намоён бўлади.

Дарсликнинг биринчи вазифаси педагогик амалиётда муайян даражада ўз ечимини топган. Амалдаги дарсликлар, биринчи навбатда, компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти талабларига жавоб бериши лозим. Моддий борлиқ манзарасини ўқувчи кўз ўнгидан авдалантиришда дарслик эталон вазифасини ўташи керак. Дарсликларда назарий маълумотлар кўламини кенгайтириш умумжаҳон миқёсидаги тенденция ҳисобланади. Чунки фан-техника ва технологиялар узлуксиз тарзда ривожланмоқда, илмий ахборотлар миқёси кенгаймоқда. Дарсликларда ўқувчиларнинг хотираси, дунёқарashi, маънавий олами кенгайтиришга хизмат қиладиган, уларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантирадиган ўқув материалларини имкон қадар тақдим этиш, шу мақсадда аждодларимиз меросидан олинган намуналардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанднинг одоб-ахлоққа доир қуйидаги ҳикматлари ҳам ўқув материали сифатида хизмат қила олади:

Денгиздан ҳамиша изламагин дур,
Одамга бир ҳунар бас, эзгу турур.

“Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл”.

“Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам нимаики қилсанг беадаблик кўринади”.

* * *

“Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас”.



Баҳоуддин Нақшбанднинг ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳикматларидан намуналарни Ўқиш, Она тили, Одонома, Адабиёт, Ватан туйғуси, Маънавият асослари туркумидаги ўқув фанларидан тузиладиган дарсликлар таркибига киритиш мумкин.

Саъдий Шерозийнинг қуйидаги ҳикматларидан ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича тузиладиган дарсликларда фойдаланиш тавсия этилади:

Чумоли ёз бўйи йиғар емак-дон,
Токи қишда уйи бўлсин фаровон.
* * *

Ҳаракат бўлмаса, бўшаб кишани,
Орзуга етолмас полвонлар тани.
* * *

Ҳар ишдаким, инсон кўрсатур ҳиммат,
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.
* * *

Чин азму ҳаракат қилмай муттасил,
Ҳеч кимса муроди бўлмади ҳосил.
* * *

Эрта кун арпага зор бўлмай десанг.
Бу кун эк, шоядки, буғдой нон эсанг.

Кўриниб турибдики, ушбу ҳикматлар ўқувчиларда ватанпарварлик, дўстга садоқат, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, инсонийлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиб, уларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиради.

Компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув дастурларида ҳам ўқувчиларга тақдим этилиши назарда тутилган назарий маълумотлар, мавзулар етарлича ўз ифодасини топмаган. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, дарсликларда муайян мавзулар бўйича назарий маълумотларни етарлича тақдим этишга эмас, балки фан соҳаси билан таништириш характериға эга бўлган далилий материалларга кўпроқ ўрин ажратилмоқда. Дарсликлардаги типологлаштириш даражаси етарли эмас. Тақдим этилган далилий материаллар ҳаддан ташқари кўп.

Айниқса, дарсликларнинг иккинчи вазифасини амалга ошириш мураккаб кечмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, яқин-яқинларгача дарсликларда ўқувчиларга тайёр материаллар тақдим этилган. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда билиш фаолиятиға оид кўникмалар, дарслик билан мустақил ишлаш етарлича шаклланмаган.

Бугунги кунга келиб, умумий ўрта таълим мактабларида ўқув жа-



раёнини қулайлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Дарсликлардаги ўқув материаллари орқали шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи, муаммоли ўқитиш ғоялари педагогик амалиётга татбиқ этилмоқда. Дарсликларда тақдим этилган ўқув материаллари, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг тафаккури ва ўқув меҳнати соҳасидаги қаракатларини такомиллаштиришни тақозо қилади. Бундай ўқув материаллари дарсликларга бугунги кунга қадар элементар тарзда киритилган.

Таълим соҳасидаги ислохотлар, компетенциявий ёндашувнинг жорий этилиши ўқув материалларини дарсликларда бир хил қолипда тақдим этишдан воз кечишни талаб қилмоқда. Бу соҳада муайян янги ёндашувларни жорий қилиш эҳтиёжи кучаймоқда. Жумладан:

1. Дарсликнинг анъанавий таркибини ўзгартириш асосида унинг функцияларини уйғунлаштириш. Чунки шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим ғоясини амалда татбиқ этиш, ўқувчиларда айни бир вақтнинг ўзида таянч ва фанга оид компетенцияларни ҳосил қилиш учун анъанавий савол ва топшириқлар тизимининг самарали эмаслигини кузатиш ва таҳлилларимиз яққол кўрсатмоқда. Бундай анъанавий қолиплар сирасига такрорлашлар, тақдим этилган адабиётлар рўйхати билан ишлаш, савол ва топшириқларнинг мазмуни устида қайта ўйлаш кабилар шулар жумласидандир.

Замонавий ёндашувлар шуни кўрсатмоқдаки, дарслик бир вақтнинг ўзида ўқувчи учун муҳим қўлланма вазифасини ўташи лозим. Дарсликлар орқали ўқувчиларга педагогик-психологик фикрлар тақдим этилиши, уларни шу фикрлар устида биргаликда ўйлашга ундайга эришилиши лозим. Бу йўналишда дарсликларнинг янги авлодини тузиш соҳасидаги илғор тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай дарсликларда бир бўлимдан кейин мавзуга оид методик таянч атамалар келтирилади. Унда таянч ва янги билимларнинг мураккаб характердаги яхлит илмий тизими ва дунёқарашга оид ғоялар, билиш ҳамда маънавий фаолиятга хос кўникма, малака ва компетенциялар ўз ифодасини топади.

2. Янги авлод дарсликларининг таркибида ҳаётий манзараларни ифодаловчи матнлар ҳажмини қисқартириш, воқелик мазмунини аниқ ва лўнда баён этиш, эвристик характердаги матн ва топшириқларга кенг ўрин ажратиш. Бу ўқув предмети мазмунида илмийликни муайян даражада қисқартириш, ҳар бир ўқув курсининг асосий негизи ва ҳажми орасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳамда ўқув предмети негизининг айрим жиҳатларини қайта баҳолашни англатади.

Замонавий педагогик ёндашувларда ахборотларнинг жадал ривож-



ланиши ва унинг шахс ахлоқига таъсир кўрсатиши шароитида дарсликларда муайян фан асосларини тифиз тарзда ифодалашга эмас, балки ушбу асосларнинг айрим муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш, уларнинг шахс маънавиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган жиҳатларини ўқув материаллари таркибига сингдириш лозимлиги таъкидланмоқда (Р.Г.Сафарова, М.Х.Маҳмудов, Ф.М.Қўчқорова).

Шу билан бир қаторда ушбу ёндашув умумий ўрта таълим билан ўрта махсус таълим орасидаги қатъий чегарани узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бу ўринда синфлар, фанлар ва таълим босқичлари кесимида ўқув материалларини узвийлик ва узлуксизлик принципига таянган ҳолда тизитмлаштириш ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ. Ташкилий нуқтаи назардан бундай узвийлик ва узлуксизлик янги авлод дарсликларида айнаи бир ўқув предмети таркибига кирадиган барча ўқув курсларини бир-бири билан узвий боғланган модул тарзида тақдим этиш зарурлигини англатади.

3. Янги авлод дарсликларини яратишда ўқув предметлариаро алоқадорликка янгича нуқтаи назардан ёндашиш. Бу ўринда ўқув материалларининг бир-бирини такрорлашига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Ваҳоланки, бундай такрорларни бугунги кунда бошланғич синф дарсликларида кўплаб учратиш мумкин. Нафақат матнлар, балки мавзулар, ёндашувлар, ғоялар ҳам турли дарсликларда айнан такрорланмоқда. Жумладан, Одобнома билан Ўқиш, Алифбе ва Ўқиш, Одобнома ва 5-9-синфлардаги маънавият туркумига кирадиган дарсликларда ўқувчиларга бир хил мазмундаги маълумотлар тақдим қилинмоқда. Бу, биринчи навбатда, дарсликнинг илмий билимлар манбаи сифатидаги вазифасига хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зоҳидов П. Хожа Баҳроуддин Нақшбанд меъморий хазина. -Моварауннаҳр, 1993. -123 б.
2. Маҳмудов М.Х. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари. Пед. фанлари. док. ... дис. – Т.: 2003. – 342 б.
3. Сафарова ва бошқ. Ўқув материалларини концентризм тамойили асосида танлашга оид дидактик ёндашувлар /Монография. –Т.: “Fan va texnologiya”, - 2012 й. -130 б.
4. Саъдий Шерозий. Ҳикматга тўла олам - Шарқ. – 2007. – 256 б.
5. Қўчқорова Ф.М. Дарсликларда ўқув маълумотларини таркибий қисмларга ажратишнинг ўзига хос жиҳатлари // Халқ таълими. – Т., 2015. - №6. – Б.109-113.



BO'LAJAK TARIX FANI O'QITUVCHILARINING ILMIY-TADQIQOT ISHLARINI TAKOMILLASHTIRISHNI UZLUKSIZ LOYIHALASHTIRISH BOSQICHLARI

R.B. YARMATOV,

JDPI Tarix fakulteti, pf.f.d (PhD)

Zamonaviy ta'limning muhim maqsadlaridan biri – ijodkor insonni tarbiyalashdir. Mazkur maqolada talabalarda tadqiqotchilik ko'nikma va malakalarini tarkib toptirishning nazariy-amaliy jihatlari yoritilgan.

Tayanch iboralar: tadqiqot, loyihalar metodi, mustaqil faoliyat, ijodiy faoliyat, talaba.

One of the important tasks of modern education is to nurture the creative person. This article highlights the creative and practical aspects of formation of research abilities and skills of students.

Key words: research, project method, self-employment, creative active, student.

Одной из важных задач современного образования является воспитание творческой личности. В данной статье освещены творческие и практические аспекты формирования исследовательских умений и навыков у студентов.

Ключевые слова: исследование, метод проектов, самостоятельная деятельность, творческая деятельность, студент.

Zamonaviy pedagogika fanining ilg'or yutuqlari o'quv jarayoni tizimli bo'lganda va o'qitish jarayonining barcha tomonlarini qamrab olganida uni loyihalashtirish bo'lajak mutaxassislarni tayyorlashning samarali vositasiga aylanishini ko'rsatadi. Bo'lajak tarix o'qituvchilarining tadqiqotchilik kompetentliklarini shakllantirishning hal qiluvchi sharti ilmiy tadqiqotlarning strukturasi va mazmunini pedagogik loyihalashtirishga tizimli yondashuvni qo'llash hisoblanadi. Pedagogika oliy ta'lim muassasasi tarix fakulteti talabalarining o'quv-ilmiy-tadqiqot ishlarini takomillashtirish tizimi mazmunini modellashtirishda uni ixtiyoriy tizimga xos bo'lgan o'zaro bog'liq tarkibiy komponentlari: maqsad, mazmun, metodlar, o'qituvchilar va o'quvchilar faoliyatlari bilan mustaqil tizim sifatida qarash zarur. Bundan maxsus kursni ishlab chiqishga tizimli yondashuvdan iborat bo'lgan, maxsus kursni loyihalashtirishning birinchi konseptual qoidasi kelib chiqadi.

Ma'lumki, fan va ilmiy bilim insonning bilimlarini ishlab chiqish, tizimga solish va hayot, amaliyotda, tekshirish borasidagi inson faoliyatining natijasidir.[3, 28-b]. Innovatsion pedagogik loyihalashtirish konsepsiyasi o'zida tizimli, faoliyatli va informatsion yondashuvlar g'oyalari asoslangan nazariy-metodologik va metodologik-texnologik bilimlar tizimini namoyon etadi. T.K.Smikovskaya



tomonidan taklif etilgan pedagogik konsepsiya, asosiy komponentlar sifatida, pedagogning metodik tizimini loyihalashtirish tamoyillari va bosqichlari, o'qitishga qo'yiladigan didaktik talablarni o'zida majassamlashtiradi[2, 10-bet].

Pedagogik loyihalashtirishda tizim hosil qiluvchi omilni tanlash muhim qadam hisoblanadi. B.C.Bezrukova mazkur elementga quyidagicha ta'rif beradi: "Tizim hosil qiluvchi omil ostida quyidagilarni ta'minlovchi g'oya, hodisa yoki predmet tushuniladi:

- a) tizim komponentlarini yaxlit birlikka birlashtirish;
- b) ularni maqsadga yo'naltirish;
- v) ularning yaxlit faoliyatli ifodalanishini rag'batlantirish;
- g) ma'lum erkinlik darajasini saqlab qolish, tizimning o'z-o'zini boshqarishini va uning o'z-o'zini rivojlantirishni ta'minlash"[1, 34-bet].

Tizim hosil qiluvchi omil sifatida integratsiyalangan yondashuvga alohida e'tibor qaratish zarur. Bo'lajak tarix o'qituvchilarini kasbiy tayyorlash tizimi integrativlikka intilishi lozim. Bu birinchidan, pedagogika oliy ta'lim muassasasi tarix fakulteti talabalarining o'quv-ilmiy-tadqiqot ishlari asosiy tizimostilarini integratsiyalashda; ikkinchidan, tarixni o'qitish metodikasi bilan mutaxassislik fanining (tarix) integratsiyasida; uchinchidan, turli sikldagi fanlarning integratsiyasi. Tizim qanchalik integrativ bo'lsa, u shunchalik maqsadga yo'naltirilgan bo'ladi. Nazarda tutilgan tizimning integratsiyasi - bo'lajak tarix o'qituvchilari tadqiqotchilik kompetentliklarini shakllantirish asosiy maqsadiga erishishga yo'naltirilishi kerak.

Integrativ yondashuv ta'limda umumiy va maxsusning nisbatani tartibga soladi, shaxsning yaxlitligi va professionalligi o'rtasidagi, o'qish jarayonida talaba faoliyatining xususiyati va kasbiy faoliyat xususiyati o'rtasidagi ziddiyatlarni hal etadi. Tadqiqotning qo'yilgan vazifalarini hal qilishda ta'limning integrativligi tamoyilini kiritish mazmunli, tashkiliy-faoliyatli, texnologik integratsiya orqali ifodalanadi hamda talabalarining o'quv-bilish faoliyatlarining barcha komponentlariga sifatli o'ziga xoslik bag'ishlaydi. Bunda magistrat pedagogik yo'nalish, umumiy tendensiya, harakatlar strategiyasi ishlab chiqiladi, bunda ta'lim integratsiyasi "didaktik tizimni loyihalashtirish tamoyili" sifatida xizmat qiladi. Bundan pedagogika oliy ta'lim muassasasi tarix fakulteti talabalarining ilmiy-tadqiqot ishlarini takomillashtirishni loyihalashtirishning ikkinchi konseptual qoidasi integratsiya prinsipi hisoblanadi va uning amalga oshirilishi uning funksiyalarini, pedagogika oliy ta'lim muassasasi tarix fakulteti talabalarining ilmiy-tadqiqot ishlarini takomillashtirishning pedagogik tizimi barcha komponentlarini qayta qurishga talablarni bajarish orqali amalga oshiriladi.



Kasbiy kompetentlikning umumiy strukturasida komponentlardan biri tadqiqotchilik kompetentligi hisoblanib, u talabalarining nafaqat asosiy bilim va ko'nikmalarini, balki tadqiqotchilik xususiyatidagi izlanish, ijodiy faoliyat uchun zarur bo'lgan bilimlarni ham egallashlarini nazarda tutadi.

Chunonchi, bo'lajak tarix o'qituvchisi tadqiqotchilik kompetentligini shakllantirish ta'limiy maqsadlarini amalga oshirish bo'yicha muvaffaqiyatli faoliyat sharoitlariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- kasbiy-yo'naltirilgan integrativ yondashuv asosida loyihalanayotgan maxsus kurslar tizimini shakllantirish;
- tarix o'qituvchilarining tadqiqot ishlarini takomillashtirishning innovatsion shakl va metodlarini aniqlash;
- bo'lajak tarix o'qituvchisi tadqiqotchilik kompetentligini shakllantirishga bosqichma-bosqich tizimli yondashuv;
- tarix fakulteti talabalarining bilimlari sifatini tizimli diagnostika qilish;
- mutaxassislarning tadqiqotchilik kompetentliklarini shakllantirish bo'yicha ta'limiy jarayonni korreksiya qilish.

Shu tariqa, pedagogika oliy ta'lim muassasasi tarix fakulteti mutaxassislarning tadqiqotchilik kompetentliklarini maxsus kurslar tizimidagi ta'lim natijasi, talabalarni tadqiqotchilik faoliyatiga tayyorliklari ko'rsatkichi sifatida qarash lozim. Shu munosabat bilan bu tizimning konseptual qoidasi mutaxassisning kasbiy kompetentligi umumiy strukturasida zarur komponent sifatida bo'lajak tarix o'qituvchisida tadqiqotchilik kompetentligini uzluksiz shakllantirishga yo'naltirish hisoblanadi.

Tadqiqot davomida «Tarix ta'limida integrativ texnologiyalar» maxsus kurslar tizimida ta'lim texnologiyalarini ishlab chiqishda yaratuvchilik faoliyati strukturasini shakllantirishni ta'minlovchi, evristik hamda algoritmik usullarni qamrab oluvchi, tadqiqotchilik xarakteridagi faol metodlarga asosiy urg'u berilshi g'oyat muhim:

1. Loyihalashtirish ob'ektida ehtiyojlar analizi va sintezi.
2. Tadqiqotchilik loyihasi vazifasini, jumladan shartlar, cheklashlar va sifat ko'rsatkichlarini aniqlash.
3. Qaror mohiyatini izlash yoki evristik ishlab chiqish.
4. Parametrik modellar tuzish va ular asosida ob'ekt sifat obrazini shakllantirish va tahlil qilish.
5. Olingan sifat obrazi tahlili.
6. Ziddiyatlarni aniqlash va ularni bartaraf etish yo'llarini izlash.



7. Qarorning yakuniy varianti bo'yicha qaror qabul qilish.

Tarix fakulteti talabalarining tadqiqotchilik faoliyatlarini pedagogika oliy ta'lim muassasasidagi ta'lim jarayonining yetakchi komponentlaridan biri sifatida o'rib chiqib uning xususiyatlarini quyidagicha ifodalash mumkin:

- tadqiqotchilik faoliyatining boshlanishi oliy ta'lim muassasalarida o'qishning boshlanishi bilan mos keladi;

- uzviylik va uzluksizlikka rioya etiladi, tadqiqotchilik faoliyati hajmi va darajasining o'sish dinamikasi ta'minlanadi;

- o'quv jarayoniga kiritilgan ilmiy-tadqiqotchilik faoliyati ta'lim jarayonini faollashtirishga xizmat qiladi. Mazkur ish turining mazmuni – adabiyotlarni o'rganish, referatlar, ma'ruzalar, kurs ishlari va loyihalar tayyorlash;

- o'quv jarayonini to'ldiruvchi ilmiy tadqiqotlar. Bunda asosiy vazifa ta'lim dasturi doirasidan chiqish, ta'lim jarayonini individuallashtirish hisoblanadi. Mazkur bosqichda ilmiy ish mazmuni – olimpiadalar, konkurslar, ilmiy konferensiyalar, seminarlar;

- o'quv jarayoniga parallel ravishdagi ilmiy tadqiqotlar. Asosiy vazifa – yuqori malakali o'qituvchilar va ilmiy xodimlar rahbarligi ostida talabalarni ilmiy mahoratlarini shakllantirish. Mazkur bosqichda ilmiy ish mazmuni – rejali ilmiy tadqiqotlarda ishtirok etish hisoblanadi.

Kasbiy kompetentlikning umumiy strukturasiidagi komponentlardan biri tadqiqotchilik kompetentligi hisoblanadi, u talabalarining nafaqat tadqiqotchilik xususiyatida izlash, ijodiy faoliyat uchun zarur bo'lgan asosiy bilim va ko'nikmalarni egallashlarini nazarda tutadi. Pedagogika oliy ta'lim muassasasi tarix fakulteti ta'lim jarayoni strukturasiida bo'lajak tarix o'qituvchilarining tadqiqotchilik faoliyatlarini ko'p darajali sifatida ifodalash mumkin.

Pedagogika oliy ta'lim muassasasi tarixchini emas, balki tarix o'qituvchisini tayyorlaydi. Bunday yondashuv o'quv fanlarining rolini pasaytirmaydi, balki ularni chuqur bilishni nazarda tutadi va busiz o'qituvchi mutaxassis sifatida shakllana olmaydi. Bu yondashuv faqatgina bo'lajak tarix o'qituvchisining ilmiy-tadqiqot ishlarini takomillashtirishning tizim hosil qiluvchi omilining asosi uning metodik mahorati hisoblanishini anglatadi. Tarixni o'qitish jarayoni bugun ta'lim yo'nalishlarining turli-tumanligi, dastur va darsliklarning keng doirasi bilan ifodalanadi. Uni samarali tashkil etish uchun o'qituvchidan fanga oid o'qitish tizimini mustaqil loyihalashtirish qobiliyatini, o'z o'quvchilarining bilish imkoniyatlariga mos ravishda o'qitish metodikasini differensial moslashuvchan ishlab chiqish



ko'nikmasi talab etiladi. Shuning uchun pedagogni metodik tayyorlashning uning o'qitish jarayonini mustaqil loyihalashtirish va amalga oshirishga umumiy yondashuvlarni egallashiga yo'naltirilgan o'zgacha darajasi zarurdir. Shu sababli bo'lajak tarix o'qituvchilari texnologik yondashuvni egallashlari zarur bo'lib, uning ostida biz optimal yo'llar bilan rejalashtirilgan natijaning albatta olinishi ta'minlanadigan o'qitish jarayonini tizimli loyihalashtirish va maqsadga yo'naltirilgan ravishda, bosqichma-bosqich amalga oshirish usulini tushunamiz.

Xulosa qilib aytganda, pedagogika oliy ta'lim muassasasi tarix fakulteti talabalarining o'quv-ilmiy-tadqiqot ishlarini takomillashtirish tizimi predmetli emas, kasbiy yo'naltirilishi lozim.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Безрукова В.С. Педагогика. Проективная педагогика: Учеб. пособие - Екатеринбург: Деловая книга, 1996. - 344 с.
2. Mamatov D. "Elektron axborot ta'lim muhitida kasbiy ta'lim jarayonlarini pedagogik loyihalashtirish." Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. T.: 2017 yil. 52-bet.
3. Saifnazarov I, Kosimov B, Muxtorov A, Nikitchenko G. Fanning falsafiy masalalari. - T., «Fan va texnologiya». 2007, 240 bet.
4. www.lex.uz



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ЖАРАЁНИДА “ТЕХНОЛОГИЯ” ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЎҚИТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Г.АБДУРАИМОВА,
ТДПУ эркин изланувчиси

Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини “Технология” таълим соҳасини ўқитишга тайёрлашнинг йўллари ва воситаларини аниқлаш вазифалари илмий муаммо сифатида кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси, бошланғич синф ўқувчилари, “Технология” таълим соҳаси, йўл, восита.

This article discusses the problem of determining the ways and means of training future teachers of elementary class to the «Technology» in training.

Key words: future teacher of elementary class, elementary class students, Technology education, way, facilities

В этой статье рассматриваются проблемы определения путей и средств подготовки будущего учителя начальной школы к «Технологии» в обучении.

Ключевые слова: будущий учитель начальной школы, ученики начальной школы, Технологическое образование, путь, средства.

Бугунги кунда мактаб фикрлашни ўргатиши, ўқувчиларни жадал ва кенг ақлий ривожлантиришга, уларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бериши, ўқув ва меҳнат фаолиятининг турли кўринишларида иштирок этиш жараёнида шахсни ривожлантириш ҳамда ўзининг “Мен” ини топиши учун оптимал шароитлар яратиши керак.

Ўқитиш жараёнининг маҳсулдорлиги кўпроқ ўқитувчиларнинг фаолиятини, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг сифат даражаларини, ўқув ва педагогик меҳнат шарт-шароитларини тавсифловчи маҳсулдорлик сабабларининг (маҳсулот ҳосил қилувчи, ўқитилганликка ёрдам берувчи) катта гуруҳини бирлаштирувчи “Ташкилий-педагогик таъсир” омили билан аниқланади. Шунинг учун ҳам биз, аввало, бу гуруҳнинг асосий омилларини қараб чиқамиз: ўқитиш методлари, ташкилий методлари, ўқув вазиятлари (ўқув материални тайёр ҳолда узатиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш, табиий мустақил ўрганиш) ва ўқитиш воситалари.

Метод – бу ўқув жараёнининг ўзаги, аввалдан лойиҳаланган мақсад билан охирги натижа ўртасидаги боғловчи бўғин. Унинг “мақсадлар – мазмун – методлар – шакллар – ўқитиш воситалари” тизимидаги



роли ҳал қилувчи ҳисобланади.

Талабаларни “Технология” таълим соҳасида бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишга тайёрлашда методларни танлашда биз талабаларни ўқитиш мотивациясининг даражасини, мазмуннинг ҳажмини, талабаларнинг тайёргарлигининг даражасини, уларнинг фаоллигини ва қизиқишларини, ўқув жараёнини амалга оширишнинг моддий-техник ва ташкилий шароитларини ҳисобга олиш лозим.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ўқув фаолиятига жалб қилишдаги қийинчиликларни Л.Ф.Климанова мактабда бундай фаолиятни шакллантириш бир йўла интеллектуал даражада, шу билан бирга рус тили ва математика каби мураккаб дарсларда бошланишида кўради, у ўқув фаолиятининг ўқув масаласи, ўқув ҳатти-ҳаракатлари каби компонентларини дастлаб ўқув фанидаги амалиётда меҳнат дарсларида шакллантириб, сўнгра уларни бошқа фанларга кўчиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди [5, Б.45-52].

Санаб ўтилган мезонларни ҳисобга олиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини “Технология” таълим соҳасида бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишга тайёрлашда ўқитишнинг оғзаки методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: маъруза, муаммоли маъруза, суҳбат, дискуссия. Ўқув материалининг катта ҳажмга эга эканлигини, уни ўзлаштиришга қўйиладиган талабларни, шунингдек махсус курсга ажратилган соат миқдорининг чекланганлигини, махсус курснинг мақсад ва вазифаларини (“Технология” дастурининг мазмуни ва амалга ошириш методикаси билан таништириш), ўқув-жараёнининг моддий-техник таъминотини ҳисобга олиш, маърузани ўқитиш натижаларига эришишда оптимал методдир.

Талабаларнинг эътиборини бутун маъруза давомида тутиб туриш мақсадида биз қуйидаги усуллардан фойдаландик: маъруза бошлангунга қадар ва маъруза ўқиш давомида муаммоли масалаларни қўйиш, мисоллар ва иллюстрациялардан фойдаланиш, талабаларни ўрганилаётган савол бўйича хулосаларни ва умумлаштиришларни шакллантиришга жалб қилиш. Маърузаларнинг мазмунини англаш ва эслаб қолиш учун талабалардан таҳлил қилиш малакаларини талаб қилувчи махсус топшириқларни танлаб олдик. Билим ўқитувчи томонидан ўқитилаётган шахсда (у хоҳ ўқувчи, хоҳ талаба бўлсин) мавжуд саволларга жавоб сифатида берилса самарали бўлади. Агар ўқувчида саволлар бўлмаса, ва у ундан талаб қилинадиган фаолиятни муваффақиятли бажарса, у ҳолда ўқитувчи томонидан “келажақда фойдаланиш учун”



берадигани худди “бўм-бўшдек” бўлади.

Маърузалардан фойдаланишнинг моҳияти педагог ўқув материалини талабалар асосан эшитиш канали: қулоқ-мия орқали идрок этадиган қилиб тақдим қилишидан иборат. Бундан ташқари кўриш анализаторининг (кўз-мия) ўтказувчанлик қобилияти эшитиш каналиникидан (қулоқ-мия) 100 марта юқори. Бу нафақат фанда исбот қилинган, балки халқ мақолларида ҳам сақланиб қолган: “юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши” Маърузанинг самарадорлиги пухта ўйланган режа ва материалнинг мантиқан тўғри ва изчил баён қилиниши билан бир қаторда кўргазмалли воситаларнинг, шу жумладан ақлий амаллар воситаларини моддийлаштириш натижасидан олинган идеал воситалар: мантиқий схемалар, графиклар, чизмалар, жадваллар ва шу кабилар билан белгиланади.

Тайёр схемалардан фойдаланиш материални яхши эслаб қолишга ёрдам беради, чунки бу жараёнга бутун ўрганилаётган мавзуни ва ҳар бир қисмнинг маънавий тузилмасини кўриш имконини берувчи кўриш рецепторлари жалб қилиниши натижасида хотиранинг мақсулдорлиги ортади.

Ўқув жараёнида ҳам тайёр, ҳам талабалар томонидан тузилган тузилмавий-мантиқий схемалардан фойдаланиш кейинчалик мавзунинг мазмунини схемага асосан хотирада осон тиклаш имконини беради. Машғулотларда талабаларни қизиқтириш ва фаоллаштиришга ўқитишнинг фаол методларидан фойдаланиш ёрдам беради.

Ўқитишнинг фаол методларидан бири – иш ўйини.

Иш ўйинларни бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигида алоҳида ўрин тутати. Улар педагог-олимларнинг, психологларнинг, методистларнинг, шунингдек мактабларнинг амалий ходимларининг мактабда ўқитиш тизимларини лойиҳалаштириш бўйича фаолиятини гавдалантириши) мумкин. Технологик ўйинлар талабаларни ўйин давомида пайдо бўладиган муаммонинг оптимал ечимини излашлари ва қабул қилишлари зарур бўладиган типик ўқув вазиятларини юзага келтириш йўли билан мактабга яқинлаштириш имконини беради. Иш ўйинлари назарий билимларни мустаҳкамлашга яхши ёрдам беради, ўқитувчи дидактик фаолиятидаги бошқарувчилик малакаларини шакллантиради, ўргатувчи тизимларни моделлаштиришга ижодий ёндошувни ривожлантиради, интеллектуал меҳнатнинг жадаллигини оширади. Иш технологик ўйинларнинг мазмуни, одатда, интеграциялашган хусусиятга эга бўлади, бу эса талабадан турли ўқув курсларида ўзлаштирган билимларини мажмуавий қўллашни талаб этади.



Ўйинни тайёрлаш, ташкил қилиш ва ўтказишнинг бутун жараёнини бир неча босқичга бўлиш мумкин.

I босқич – бу босқичда иш технологик ўйинида (ИТЎ) иштирок этишга тайёрлаш, зарур билим ва малакаларни эгаллаш амалга оширилади.

II босқич – ўйинни моделлаштириш муолажаси амалга оширилади. Бу босқичда бир қатор вазифаларни бажариш талаб этилади: 1) ўйиннинг номини ва мазмунини аниқлаш, ўйин иштирокчилари ҳал қилиши керак бўладиган педагогик муаммони аниқлаш. Шакллантирилиши ва ривожлантирилиши керак бўладиган назарий маълумотлар ва амалий малакалар ҳажмини аниқлаш; 2) ўйин иштирокчилари учун умумий дидактик мақсадни ва хусусий мақсадларни аниқ шакллантириш; 3) ўйин сценарийсини ёзиш, у иштирокчилар ўзлари бажарадиган ролдан келиб чиқиб ўз фаолиятларини моделлаштиришларини талаб этувчи конкрет педагогик вазиятнинг тавсифини акс эттириши керак; 4) ўйиннинг умумий қоидаларини ишлаб чиқиш, шунингдек ўйинчиларнинг ва олиб борувчининг вазифаларини аниқлаб олиш.

III босқич – ишлаб чиқилган моделга асосан ўйинни ўтказиш.

IV босқич – якун чиқариш, ўйинни батафсил таҳлил қилиш, унинг талабаларнинг касбий тайёргарлиги тизимидаги аҳамиятини баҳолаш.

Бошланғич синфда “Технология” таълим соҳасининг ўқитувчиси ишининг натижалари кўп ҳолларда унинг коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларига, ўзгарувчан ҳолатда зудлик билан йўналиш олиш ва қайта ташкил қилиш малакасига боғлиқ бўлади. Иш ўйини унинг сценарийсига ўйин иштирокчиларидан импровизация қилишни, вазиятга зудлик билан баҳо беришни – режалаштирилмаган қарор қабул қилишни талаб қилувчи вазиятлар киритилса, яъни талабаларга аввалдан ёзилган ролларни эмас, балки моделлаштирилган ўқув жараёнининг иштирокчиси бўлишга, жойида қарор қабул қилишга тўғри келсагина бу малакаларни шакллантириш имконини беради.

Иш ўйинида асосийси – мулоқот (ҳатти-ҳаракатлар тилидаги мулоқот ҳам шунинг ичига киради). Шунинг учун ҳам ўйин қоидаларида бўлажак мулоқот тузилмаси ёзилган бўлиши керак. Ўйин иштирокчиларининг асосий вазифаси – унинг қатъий қоидалари билан белгиланган тузилмада яшаб фаолият кўрсатиш имконияти ва малакаси. Бунда иштирокчиларнинг алоҳида қарорлари эмас, балки улар ҳулқининг яхлит чизиги ва унинг ортига яширинган стратегияси ўзига хос аҳамиятга эга.



Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини “Технология” таълим соҳаси кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ўқитишга тайёрлашда биз иш ўйинидан “Технология” дастурининг мазмуни ва уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш учун, талабаларга кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг лойиҳалаш фаолиятини ташкил қилишни ўргатиш учун фойдаландик.

Шундай қилиб, биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини “Технология” таълим соҳасида кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ўқитишга тайёрлашнинг асосий йўллари ва воситалари қуйидагилар бўлиши керак деб ҳисоблаймиз:

- ўқитиш жараёнини ривожлантирувчи ўқитиш технологияси асосида ташкил қилиш;

- ўқитишнинг фаол методларидан ва шаклларида фойдаланиш: муаммоли маърузалар, иш ўйинлари, инценизация ўйинлари. Эвристик методлар ва техник ижодкорлик методлари;

- ўқув жараёнининг лавҳаларини моделлаштириш;

- ўқитишнинг оғзаки ва кўргазмали методларини бирлаштириш;

- тузилмавий-мантиқий схемалардан фойдаланиш;

- машғулотларда жамоавий ва гуруҳларда ишлаш шаклларида кўпроқ фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, “Технология” таълим соҳасининг мазмуни фикрлашни, руҳиятни, иродани, қўл малакасини ривожлантиришга, кичик ёшдаги мактаб ўқувчисида ўқув фаолиятини, ўқиш мотивларини, янгилекларни: амалга ошириладиган фаолиятнинг эркинлигини, рефлексияни ва ҳатти-ҳаракатларнинг ички режасини шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азизходжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассисларни тайёрлаш технологияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2000. – 52 б.

2. Епишева А. Б., Крупич В.И. Учить школьников учиться математике. — М.: Просвещение, 1990. — 129 с.

3. Жабборов А. Педагогик технологиянинг этник асослари. – Т.: Зарқалам, 2006. – 45 б.

4. Климанова Л.Ф. Обучение через общение и культуру //Начальная школа- 1993.-№ 12.-С.45-52.



ULUKSIZ TA'LIM TIZIMI CHIZMACHILIK FANINI O'QITISHDA AUTOCAD DASTURIDAN FOYDALANISH

D.I. MAMUROVA,

*BuxDU, Tasviriy san'at va muhandislik
grafikasi kafedrası o'qituvchisi*

Ushbu maqolada uzluksiz ta'lim tizimida grafikaviy dasturlari yordamida chizmachilik fanini o'qitilishi an'anaviy usullariga nisbatan ijobiy natijalar berishi, o'qitishning sifati, berilayotgan ma'lumotlar o'quvchilar tomonidan qabul qilinishi, olgan bilimlarning uyg'unlashi haqida so'z yuritilgan.

Таянч so'zlar: *uzluksiz ta'lim, o'quvchi, chizmachilik, dastur, axborot texnologiya, dars, bilim, fan*

В этой статье обсуждается, как использовать графические программы, чтобы оказать положительное влияние на традиционные методы обучения, качество преподавания, прием информации учениками и применение полученных знаний по предмету черчения в система непрерывного образования.

Ключевые слова: *непрерывное образование, ученик, черчение, программное обеспечение, информационные технологии, урок, наука, предмет.*

This article discusses how to use graphical programs to have a positive impact on traditional teaching methods, the quality of teaching, the reception of information by students, and the application of acquired knowledge on the subject of drawing.

Key words: *continuing education, student, drafting, software, information technology, lesson, science, subject.*

Uzluksiz ta'lim tizimining faoliyati quyidagi ta'lim turlarini o'zi chiga oladi: maktabgacha ta'lim umumiy o'rta ta'lim o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi oily ta'lim oily o'quv yurtidan keyingi ta'lim kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash maktabdan tashqari ta'lim Kadrlar tayyorlash milliy modelining o'ziga xos xususiyati mustaqil ravishda gito'q qizyillik umumiy o'rta xamda uchyillik o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limini joriy etishdan iboratdir.

Bu esa, umumiy ta'lim dasturlaridan o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi dasturlariga izchi lo'tilishini ta'minlaydi. Respublikamizdagi iqtisodiy, siyosiy va badiiy madaniyat tizimlarida ro'y berayotgan o'zgarishlar har bir shaxs uchun, uning turmushining barqaror bo'lishi uchun katta imkoniyatlar tug'diradi. Respublikamizning Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev so'zlagan nutqlarida, «... yoshlarni har tomonlama barkamol qilib, vatanparvarlik va milliy mustaqillik g'oyalari sodiqlik



ruhida tarbiyalashga, shuningdek, o'quvchilarda boy ilmiy, madaniy va ma'naviy merosimizga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan ma'naviy va axloqiy sifatlarni rivojlantirishga yo'naltirilgan pedagogik jarayonni yangi pedagogik shakllar va usullar asosida tashkil etish....»[1]. Bunday shartlardan biri – jamiyatdagi muammolarga ilmiy yondashishdir, ya'ni ta'lim sohasini rivojlantirish uchun, ta'lim jarayonini takomillashtirishdir. Shunday ekan barcha fanlar singari chizmachilik fanini o'zlashtirish va ta'lim sifatini oshirish muhim o'rin tutadi.

Tarixiy yodgorliklar, arxeologik qazilmalar shuni ko'rsatadiki, tasvirlar chizish, odamlar hali yozuv dunyoga kelmagan davrlardayoq atrofidagi turli buyumlarning rasmini chiza boshlaganlar va o'zaro bo'lgan muloqotda tasvirlardan foydalanganlar. Ibtidoiy odamlar yaratgan qoyalardagi tasvirlar hozirgi to'g'ri burchakli (ortogonal) tasvirlarga taxminan to'g'ri keladi. Ko'pincha, mamont, bizon va boshqa hayvonlarni yakka-yakka qilib tasvirlangan.

Shundan buyon avvallari oddiyroq, keyinchalik esa undan murakkabroq inshoot va buyumlarning tasvirlarini chiza boshladilar. Avvallari rasmning roli kattaahamiyatga ega edi, keyinchalik chizmalarning roli keskin oshdi. Chunonchi inson ongi taraqqiy etgan sari fan-madaniyat shakllana bordi. Ishlab chiqarish, me'morchilik taraqqiy eta boshladi. Bular o'z o'rnida grafikaning asosiy turi hisoblangan chizmalarning mohiyatini ortira boshladi. Uy-joylar, qo'rg'onlar va boshqa inshootlarni qurish davrida birinchi chizmalar paydo bo'ldi.

Qadimda ko'pchilik xalqlar harbiy yurishlar haqidagi xabarlar, savdo-sotiq va siyosiy xarakaterdagi ma'lumotlar, ov manzaralari paydo bo'ldi. Vaqt o'tishi bilan perspektiv tasvirlar o'zining grafik tasvirlarning alohida turi - texnik rasm egallay boshladi, shakllar takomillashib, ko'rinishi o'zgarib, foydalanish uchun qulay holatga kelib, zamonaviy chizmalar paydo bo'ldi.

XX asr boshida konstruktor ish o'zining mexanizatsiyalashtirish bo'yicha ishlar boshlangan. Natijada chizma bajarish jarayonini tezlashtiradigan chizma mashinalari, har xil tizimdagi chizma va yozuv asboblari yaratildi. Hozirgi kunda chizma bajarish hamda loyiha konstruktorlik hujjatlarini tayyorlash jarayonini sezilarli soddalashtiruvchi va tezlashtiruvchi chizma bajarishning mashina usuli yaratilgan. Ammo «grafika tili»ning asoslarini bilmasdan turib mashinada chizma bajarish va uni tekshirish mumkin emas. Kelgusida qaysi kasb egasi bo'lishiga qaramasdan har bir inson grafik madaniyat asoslarini egallagan bo'lishi kerakligiga o'quvchilar chizmachilikdan tanishtirish darslaridan boshlab ishonch hosil qilishlari zarur.

Bugungi kun talabini hisobga olgan holda emas, balki kelajak talablarini aniqlagan va hisobga olgan holda ish olib borish zarurdir. Chunki, bugungi kun yoshlari



kelajakda jamiyatning asosiy o'zagiga aylanadi. Ta'lim tizimida yoshlarni umumiy sonining eng katta hajmini qamrab olishi bilan jamiyatda asosiy o'rinni egallaydi.

Oliy ta'limda bo'lajak mutaxassisni kasbiy mehnat faoliyatga tayyorlash va mehnat bozorida raqobat qila olishga tayyorligi hamda qobiliyatini ta'minlash maqsadida ijtimoiy yetuk shaxsni shakllantirish, rivojlantirish jarayonini takomillashtirish zamonaviy o'qitish texnologiyalaridan foydalanish orqali amalga oshiriladi. Shuning uchun, mavjud o'qitish nazariyalarini tahlil etish va zamonaviy o'qitish texnologiyasidan foydalanish yo'llarini ishlab chiqish talab etiladi. Oliy ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiya yordamida fanlarni o'qitish, o'quv jarayonida yoshlarni nazariy bilimlarini, kasbiy yo'nalishlar bo'yicha ishlash qobiliyatlarini rivojlantirish, mamlakat iqtisodini rivojlantirishda kerakli raqobatbardosh malakali yosh kadrlar tayyorlash uchun asosiy mezonidir. Bunga asosan kasbiy bilim va ko'nikmalarni shakllantirish orqali erishish mumkin.

Oliy ta'limda aniq kasbiy faoliyat doirasida ish bajarishga imkon beruvchi bilimlar, ko'nikma va malakalarni shakllantirish jarayoni, ya'ni kasbiy tayyorgarlikda umumkasbiy fanlar muhim o'rin tutadi. Chunki, kasb – hunar kollejlari o'quvchilari umumkasbiy fanlar bo'yicha chuqur bilim, ko'nikma va malakaga ega bo'lmagan turib, mutaxassislik fanlarini o'zlashtira olmaydilar. O'quv predmeti o'ziga tegishli fan asoslarini mujassamlashtirgan bo'ladi. Fanning asosiy tushunchalar tizimi, asosiy qoidalar va xulosalar unda o'z aksini topadi. Har qanday mutaxassislik yo'nalishida umumkasbiy fanlar mutaxassislik fanlari uchun asosiy mezon bo'lib xizmat qiladi.

Respublikamiz o'rta ta'lim maktablarida o'quvchilar o'rtasida chizmachilik faniga bo'lgan qiziqish tobora pasayib bormoqda. XXI asr texnika asridir. Chizmachilik fani – texnika tili. Oliy o'quv yurtlarining o'quvchilariga fanlarni o'qitishda kompyuter texnologiyasining qo'llanilishi zamon talablaridan biri bo'lib qolmoqda. Shunday talabni o'rta maktablarda chizmachilik fanini o'qitishda foydalanish katta ahamiyat kasb etadi. Chizmachilik o'qituvchisi albatta grafik dastur (AutoCAD, 3D MAX, Corel Draw) kabi grafik dasturlarda bemalol ishlay olishi kerak. Hozirgi paytda ko'pgina yosh kadrlar grafik dasturlardan AutoCAD dasturlarida ishlab biladi va o'z darslarida qo'llab biladi. O'quvchilargachizmachilik fanini o'qitishda grafik dasturning qo'llanilishi natijasida o'quvchilarning fazoviy tasavvurlari kengayadi hamda fanga ijodiy yondashuvni shakllantiradi va o'quvchini mustaqil ishlashga o'rgatadi. O'quvchi qo'lga qalam olib biron bir loyiha chizmalarini tayyorlashda uni proyeksiyalarini bemalol chizishi mumkin. Lekin loyihalarnayotgan detal yoki yig'ma birlikni yaqqol tasvirlarini chizishda ancha qiyinchiliklarga duch keladi va yaqqol tasvirini yaratishga juda ko'p vaqt yo'qotadi. Masalan o'quvchi



detalni yaqollini kitobda quyidagicha ko'radi.[4.80-85]

Agar darsda AutoCAD dasturidan foydalanib o'quvchilarga detalni har tomonlama ko'rsatish mumkin. Buning uchun AutoCAD dasturidagi "Orbita" piktogrammasidan foydalanamiz.[2.16]

Kompyuterdagi tasvirlar o'quvchi har tomonlama ko'rib, detal ko'rinishi haqidagi tasavvur qila oladi. Demak chizmachilik darsida kompyuter dasturi (AutoCAD)dan foydalanish o'quvchilarga nima beradi degan savolga quyidagicha javob berish mumkin: o'quvchilarning fazoviy tasavvurlarini kengaytiradi; o'quvchilarni ijodiy faollikka undaydi; o'quvchilarni estetik jihatdan tarbiyalashga yaqindan yordam beradi[3..

Oliy o'quv yurtini bitirgan bo'lajak pedagog grafik dasturlarni bilishi: dars jarayonida kompyuter texnologiyalaridan foydalanib dars o'tishga; dars jarayonida o'ziga kerak bo'lgan, dars ishlanmalar, elektron uslubiy ko'rsatmalar va ko'rgazmali materiallar tayyorlashga; dars jarayonini estetik jihatdan yuqori bo'lishiga yordam beradi.

Grafikaviy dasturlar yordamida chizmachilik fanini o'qitilishi an'anaviy usullariga nisbatan ijobiy natijalar berishi, o'qitishning sifati, berilayotgan ma'lumotlarni o'quvchi va o'quvchilar tomonidan qabul qilinishi, olgan bilimlarning uyg'unligi ustun turadi. Grafikaviy dastur (AutoCAD) yordamida modellarning 3 o'lchovli fazoda yasalishi o'quvchilarning fazoviy tasavvurlarini shakllantiradi va olingan bilimlarni xotirada saqlanish davomiyligini uzaytiradi[3.4]

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, uzluksiz ta'lim tizimida zamonaviy grafik dasturlar o'quvchilarning ijodiy fikrlashlariga imkoniyat yaratadi.

Chizmachilik darslarini axborot texnologiyalari bevositasi yordamida o'qitishda o'quvchi texnik muhit bilan o'zaro aloqada ijodga yondoshgan aktiv iste'molchi rolini o'ynaydi. O'quvchilarning o'zaro aloqasi, aktiv yondoshishi va individual chizmachilik fanini o'qitish jarayonida asosiy negiz bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekistonda ta'lim tizimidagi muammolar yechimini topuvchi farmon, 26 yanvar 2018y. (<https://zamin.uz/oz/jamiyat/31186-shavkat-mirziyoyev-ozbekistonda-talim-tizimidagi-muammolar-yechimini-topuvchi-farmonni-imzoladi.html>)

2. Qulnazarov B.B. Ibragimov X.M. Chizmachilik va kompyuter grafikasi asoslari(o'quv qo'llanma). Samarqand, 2006 y.

3. T.Rixsiboyev. Kompyuter grafikasi, T., 2006.

4. Xalimov M.K. "Chizmachilik", T., "O'qituvchi". 2013 y.



ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН УЗЛУКСИЗ ИШЛАШ МЕТОДЛАРИ

Ф.Г.РАХМАТОВА,

СамТМИ “Педагогика, психология,
рус ва ўзбек тиллари” кафедраси ўқитувчиси

Мақолада узлуксиз таълим тизимида ўқувчилар иқтидорини ошириш учун уларнинг нутқи, фикрлаши, шахсининг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий, интеллектуал соҳаларини ривожлантириш зарурлиги масалалари ўз ифодасини топган. Мақолада бу вазифалар узлуксиз таълим тизими ўқитувчилари томонидан ўқитиш жараёнида ўқувчилар иқтидорини оширишга қаратилганлиги кабиларда аксини топган.

Таянч тушунчалар: узлуксиз таълим, ўқувчилар, иқтидор, интеллектуаллик, ривожлантириш, ақлий фаолият усуллари.

В статье освещены вопросы развития речи, эмоционально-волевой, интеллектуальной, сенсорной, кинестической сферы учащихся, способствующие развитию их одаренности в непрерывном образовании. В статье нашли своё отражение задачи, стоящие перед педагогами непрерывного образования для развития одаренности учащихся.

Ключевые слова: непрерывное образование, учащиеся, одаренность, интеллектуальность, развитие, умственная деятельность.

The article highlights the issues of speech development, emotional-volitional, intellectual, sensory, kinetic sphere of students, contributing to the development of their talents in continuing education. The article reflects the challenges faced by teachers of continuing education for the development of gifted students.

Key words: continuing education, students, giftedness, intelligence, development, mental activity.

Узлуксиз таълим тизимида ёшларнинг иқтидорини ривожлантириш борасида дунё ва республикамізда олиб борилаётган тадқиқотлар кўрсатишича, бугунги кунда таълим муассасалари ўқув фаолиятининг сифати ўқув жараёнини режалаштириш, уни амалга ошириш, ўқув режа, дастурларининг мазмун моҳияти билан эмас, балки ўқувчиларнинг олган билимлари, малака ва кўникмалари, мустақил фикрлаши билан белгиланмоқда. Шундай экан, бугунги кунда ўқувчиларнинг иқтидорини ривожлантириш билан боғлиқ фоялар таълим-тарбия тизимида сингиб кетиши, айни муддаодир.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ 3304-сонли Қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида”ги ПФ-5198 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори ҳамда бошланғич таълим тизими таълим фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ўқувчиларнинг иқтидорини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини самарали жорий этиш орқали ўқувчиларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш ўта долзарб бўлиб, уларнинг назарий асослари педагогик синергетика доирасида тадқиқ этилмоқда.

Ўқувчи иқтидорини ошириш вазифаси унинг нутқи, фикрлаши, шахсининг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий, интеллектуал соҳаларини ривожлантиришда ўз аксини топади. Ўқитиш жараёнида ўқувчини ақлий ривожлантириш, ақлий фаолият усуллари, анализ қилиш, таққослаш, таснифлаш, кузатиш, хулоса чиқариш, обектларнинг муҳим белгиларини ажрата билиш, фаолият мақсади ва усуллари аниқлашни билишга ўргатиш, унинг натижаларини текшириш малакасини ривожлантиришга эришилади[5, 122-б.]. Бинобарин, иқтидорли ўқувчилар билан таълим жараёнида ишлашда қуйидаги таркибий ҳисмлар (ёки компонентар)ни ажратиш мумкин.

- 1) ўзлаштирилиши лозим бўлган материални идрок этиш;
- 2) уни фаҳмлаб олиш, тушунчаларнинг ҳосил бўлиши;
- 3) билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши;
- 4) ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни амалиётда қўллаш (компетентсияларни таркиб топтириш).



Ҳар бир босқич учун ўқувчиларнинг муайян характердаги билиш фаолияти характерлидир. Бу фаолият ўқитувчи томонидан алоҳида раҳбарликни талаб этади.

Иқтидорли ўқувчиларнинг билиш фаолияти репродуктив, изланишли, ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Айнан фаолият жараёнининг кечиш характери – унинг охириги натижаси эгалланган билим, кўникма, малака ва компетенциялари характерига таъсир этади.

Иқтидорли ўқувчининг билиши худди етук илмий билиш йўли фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади. Билишга қизиқиш ўқишнинг энг муҳим ва энг қимматли мотиви сифатида болани мактабга, дарсларга, ўз билиш фаолиятига нисбатан ижодий муносабатига қўмаклашади.

Иқтидорли ўқувчиларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узоқ йўлга эга бўлиши мумкин. Ҳар қандай мотив сингари билишга қизиқиш ажралган ҳолда ривожланмайди, унинг тикланиши бошқа мотивлар (ахлоқий, ижтимоий, ўқув ва ҳ.к.) билан бирга кечадики, қизиқиш улар билан бойийди ва уларга ижобий таъсир этади.

Иқтидорли ўқувчилар билимларни ўзлаштириш жараёнида турли даражадаги фаолликни намоён этишади. Юқорида айтилганларни умумлаштириб, ўқувчиларнинг иқтидорини ривожлантиришда мотивация, иштиёқ, ўрганишнинг анланганлиги, ижодкорлик, ўқув вазифасини ҳал этишдаги мустақиллик ва бошқаларни ажратиш мумкин.

“Ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги иштироки ва фаоллигининг намоён бўлиши – бу ривожланиб боровчи, ўзгарувчан жараён. Ўқитувчи ёрдамида ўқувчиларнинг билиш фаоллиги қуйи даражадан вазиятли-фаолликка, ундан фаол ижрочиликка ўтиб боради. Кўп жиҳатдан ўқувчининг билиш фаоллиги ижодийлик даражасига кўтарилиши ёки кўтарилмасдан қолиши ўқитувчига боғлиқ”[3, 76-б.]. Демак, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчининг педагогик фаолияти ўқувчиларнинг тараққиётига йўналтирилади. Амалдаги анъанавий таълим жараёнида ўқитувчининг бутун эътибори ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилгани ҳолда ҳамкорликка асосланган ўқувбилув жараёнида бу фаолият ўқувчиларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстона муносабатлар асосида ижодий ривожлантиришга қаратилади. Бунинг учун ўқитувчи нафақат педагогик маҳорат, балки замонавий билимлар, таълим технологиялари билан қуролланган бўлиши керак. Ўқитувчи



ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнининг туб моҳияти, мазмуни, мақсад ва вазифаларини ҳам яхши билиши талаб этилади.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчи ҳамкорликка асосланган таълим жараёнининг дидактик хусусиятлари ва тамойилларини ўрганиш билан бир қаторда, биргаликдаги ўқув фаолиятини методик жиҳатдан узлуксиз таъминлаш йўллари, ўқувчиларда ўз фаолиятларини дўстона муносабатлар асосида ташкил этиш тажрибасининг шаклланиши, таълим олувчиларни ривожлантириш имкониятлари, ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган вазиятларнинг дарс жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини англаб олади”[4, 78-б.]. Демак, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчилар қуйидагиларга амал қилишлари керак:

1. Ўқув-билув жараёнида ўқувчиларни ривожлантириш имкониятини таъминлай оладиган методлардан фойдаланиш;
2. Ўқувчилар орасида дўстона муҳитни таркиб топтириш;
3. Ўқувчиларда билимўзлаштиришга мотивация ҳосил қилиш.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда таълим жараёнига инсонийлик тамойиллари асосида ёндашиш, ўқувчиларнинг имкониятларини билиш ва баҳолай олиш йўналишларини аниқлаш муҳимдир.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқув-билув жараёнини оқиллона ташкил этиш умумий ва комплекс (яхлит) омилларнинг тадриждан юзага келади. Ўқувчининг салоҳият даражаси, яъни диққатни жамлаш қобилияти, мантиқли фикрлаш қобилияти, қачонлардир кўрган нарсалар, шахсларнинг шакл-шамойилини тиклаш, тасаввур, қарор қабул қилиш ва ниҳоят, аниқ мустақил, ижодий фикрлаш қобилияти кабилар маълум даражада ўқувчи ақлининг қанчалик тез ва тўлақонли машқ қилдиришга боғлиқ. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш технологиялари яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, уларга муаммоли, табаҳалаштирилган, интеграцион, шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи, модулли, масофали бўлиши мумкин[4, 98-б.]. Мазкур технологиялар инновация тавсифига эга бўлиб, новатор ўқитувчилар, олимлар ва изланувчилар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда самарадорлиги кафолатланганидан ва амалиётга кенг татбиқ этиш имкониятига эга бўлиганидан сўнг уни амалиётчи ўқитувчилар ўз фаолиятида қўллайдилар.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқув-тарбия жараёнининг маълум таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, махсус ўқув кўникма ва малакаларини таркиб топтириш ҳам муҳим



аҳамият касб этади.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда қуйидаги таълимий методларга мурожаат этилади (1-расм):

<i>Таълим методи</i>	<i>Ўқитувчи фаолияти</i>	<i>Ўқувчи фаолияти</i>
<i>Ахборотли- рецептив</i>	<i>Ўқув ахборотини узатиш, ўрганилаётган объект билан ўқувчи иқтидорини ривожлантириш.</i>	<i>Билимларни идрок этиш, англаш ва ёдда сақлаш.</i>
<i>Репродуктив</i>	<i>Билимлар ҳамда ақлий ва фаолият усулларини ҳосил қилишга доир топшириқларни тузаш ва тақдим этиш.</i>	<i>Намуна асосида билимларни ҳамда ақлий ва фаолият усулларини эгаллаш.</i>
<i>Муаммоли баён этиш</i>	<i>Муаммони қўйиш ва уни ҳал этиш усулларини очиб бериш</i>	<i>Топшириқни идрок этиш ва уни қисмларга ажратиш. Топшириқ қисмларини мустақил ҳал этиш ва ўз-ўзини назорат қилиш.</i>
<i>Эвристик (қисман- изланиш)</i>	<i>Муаммони қўйиш ва уни ҳал этишга доир қадамлар кетма- кетлиги ривожлантириш. Ўқувчилар фаолиятини бошқариш.</i>	<i>Қўйилган вазифа билан боғлиқда муаммони ҳал этиш ёўлларини мустақил излаш ва ўқитувчининг қисман қўмағи ёрдамида муаммони ҳал этиш.</i>
<i>Тадқиқотчи- ликка доир</i>	<i>Мустақил ҳал этишга доир муаммоли вазифаларни шакллантириш. Муаммони ҳал этилиш жараёнини назорат қилиш</i>	<i>Муаммони мустақил ҳал этиш</i>

1-расм. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда қўлланиладиган таълимий методлар.

Ўқувчиларнинг ўрганилаётган (ёки ўрганилиши лозим бўлган) материални идрок қилишини ташкил этар экан, ўқитувчи уларнинг ҳаётий тажрибаси ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда материал тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиб, олдиндан уни бутунлигича тушунтиради ва кўрсатади.

Ўрганилаётган объект ҳақидаги умумий тасаввур асосида уни тушунишни таъминловчи, аста-секин чуқурлашиб борувчи англаш жараёни давом этади. Ўқитишнинг бу звеносининг мақсади илмий тушунчаларни таркиб топтиришдир.

Ўқув материални идрок этиш ва фаҳмлаб олиш жараёнида ўзлаштириш кейинчалик уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни талаб этади. Билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш жараёни таълимнинг якуний мустақиллигини аста-секин ва изчиллик билан ошириб боришдир.



Иқтидорли ўқувчи фаолиятининг асосий турлари (меҳнат, фан, санъат, ўйин, спорт) унинг теварак-атроф олами ва ўз-ўзини билиш билан боғланган. Ўқиш теварак-атрофдаги олами билишнинг махсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиладиган алоҳида туридир. Бу жараённинг моҳияти – билим, кўникма малака ва компетенцияларни ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш ва билиш кучларини ривожлантиришдир.

Шундай қилиб, иқтидорли ўқувчиларнинг билиш фаоллиги уларнинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришида намоён бўлади. Бу хусусиятлар ўқувчиларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки уларнинг ҳаётий фаолияти, яъни ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун ҳарактерлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори
3. Абдуллаева Ш.А. Ҳамкорлик педагогикаси.-Тошкент: Фан ва ахборот технологиялари, 2017.-178 бет.
4. Асадов Ю.М., Турдиев Н., Акбарова С., Темиров Д., Бабаджанов С. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикаси.-Тошкент: Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ босмахонаси, 2016.-158 б.
5. Andreas Scheleicher. PISA 2012 Results: Students and Money. OECD Publishing. 2014.- 200 p.
6. Incheon declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).
7. “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш тўғрисида”ги Йўриқнома.-Тошкент, 2017.-112 бет.



УЗЛУКСИЗ БАДИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АКАДЕМИК ҚАЛАМТАСВИРНИ ЎРГАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

У.Б.ХАКИМОВ,

П.Беньков номидаги Республика рассомлик
коллежи директори, катта ўқитувчиси

Мақолада академик қаламтасвир асосида тасвирий санъатни ўргатишдаги муаммо ва ечимлар ҳақида фикр юритилган. Академик қаламтасвирни ўргатиш изчиллиги нафақат таълим беришда, балки атроф оламга нисбатан эстетик муносабатни тарбиялашда ҳам намоён бўлади.

Калит сўзлар: изчиллик, академик қаламтасвир, узлуксиз бадий таълим.

The article raises the problem of continuity in teaching fine arts based on academic drawing. The significance of the continuity of the academic school of drawing is revealed, not only in teaching, but also in educating the aesthetic attitude to the world.

Key words: continuity, academic drawing, continuous art education.

В статье поднимается проблема преемственности в обучении изобразительному искусству на основе академического рисунка. Раскрывается значимость преемственности академической школы рисунка не только в обучении, но и в воспитании эстетического отношения к миру.

Ключевые слова: преемственность, академический рисунок, непрерывное художественное образование.

Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий ва амалий санъатига қўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник базанинг мукамал эмаслиги, малакали кадрлар етишмаслиги бу борадаги ишларнинг самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республикаimizда замонавий таълимнинг ҳолати драматик зиддиятлар билан ифодаланган, бу эса ёшларда эстетик қадриятлар ҳақида нотўғри тушунчани ҳосил қилади. Таълимга янги ёндашувларнинг кириб келиши ҳамда ижодий фикрлашни шакллантириш замонавий таълим тизимида жиддий ўзгаришларга олиб келади. Узлуксиз бадий таъ-



лимни модернизация қилиш академик қаламтасвир мактабининг ижобий жиҳатларини инкор этишга ва унутишга ундайди. Мамлакатимизда демократик жамиятга, маънавий ва ахлоқий қадриятларга йўналтирилган махсус ижтимоий-маданий вазиятнинг юзага келиши муносабати билан узлуксиз бадий таълимда академик қаламтасвирни тизимли ўқитиш методикаси алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда замонавий ёшларнинг аксарияти бадий маданиятнинг паст даражасини намоён этмоқдалар. Бу эса авлоддан авлодга ўтиб келаётган устоз-шогирд анъаналарининг давомийлигини йўқолиши ва академик қаламтасвир принципларига асосланган тасвирга нисбатан ҳиссий маданиятнинг этишмаслигидан иборат. Натижада салбий ҳолатлар кучайиб бориб, бадий ижодга эътиборсизлик туфайли, қаламтасвир асосларини ўрганишдаги муаммолар келиб чиқмоқда.

Академик қаламтасвирнинг тарафдорлари унинг «ўзгармас» эканлигини кўрсатмоқдалар, лекин асосий қадриятларнинг ўсиб бориши яширинган «консерватизмнинг самарадорлиги»ни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Шунингдек, ҳар ўн йил мобайнида бундай ҳаракатланишнинг этишмаслиги бадий дидни ўзгартиради [1, 16].

Уйғониш даври расомлари расм чизиш методикасига катта ҳисса қўшдилар ва қаламтасвирни фан сифатида ривожланишига асос солдилар. Лекин, улар томонидан ўқитишнинг дидактик негизларига кераклича эътибор қаратмадилар. Бу муҳим вазифани XVI асрнинг охирига келиб турли давлатларда ташкил этилган бадий академиялар давом эттириб, ҳал эта бошладилар. XVII асрда қаламтасвир фан сифатида тўлиқ академик тарзда ўргатила бошланди. Академик қаламтасвирнинг педагогик амалиётда ўргатиш тизими дастлаб Флоренсиядаги «қаламтасвир академияси»да ака-ука Каррачилар томонидан ишлаб чиқилган.

Гуманистик хусусиятга эга бўлган академик қаламтасвир бадий таълимнинг асоси ҳисобланади. Академик қаламтасвир, биринчи навбатда, инсон қиёфасининг тасвири ва атроф-оламни қуриш эстетикаси жараёни орқали тушуниш демакдир. Академик қаламтасвирнинг келиб чиқиши Юнон маданиятида ҳам намоён бўлган. Бу даврларда Инсоннинг қомати коинотдаги мавжудот сифатида тушунила бошланган ҳамда бадий санъатнинг асоси ҳисобланган. Шунингдек, инсон қоматининг тасвири оламдаги барча тушунчаларни ифодалаши эътиборга лойиқ. Грециядан маълумки, академик қаламтасвирнинг мазмун моҳияти муҳим эмас, балки барча қобилиятлар, қонунлар ва ҳодисалар мавҳумдир. Академик қаламтасвир ҳақидаги бундай тушунча атроф-олам-



га маданий-эстетик ва ахлоқий муносабатни кучайтиради, дунёдаги инъикосни тушунишга, инсоннинг интеллектуал ва ҳиссий хусусиятларини қайта интеграциялашга олиб келади. Академик қаламтасвир ҳар қандай бадий фаолиятни ўзлаштиришнинг асоси бўлиб, ҳақиқатни бадий ижодий шаклда ўрганишга имкон яратади ҳамда ижодкорликнинг ривожланишига туртки беради.

С.А.Гавриляченко академик қаламтасвирга муносабатни ўзига хос синов деб атайди ҳамда у анъанавий қадриятларни ажратиб турадиган онг орқали «инновация» таъсирига эга бўлган онгли равишда муҳим босқичга кўтарилиш маъносини англатади [1,15].

Педагогика университетларида тўрт ёки беш йиллик ўқиш даври мобайнида академик қаламтасвирнинг асосини ўзлаштиришга эришиш мумкин эмас, шунинг учун умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларидан бошлаб узлуксиз бадий таълим тизимида академик қаламтасвирни жорий қилиш бадий педагогиканинг бугунги кундаги муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бадий таълим жараёнида боланинг академик қаламтасвирни узлуксиз ўргатиш асосида олинган ҳиссий-қадрият, ижодкорлик ҳамда бошқа билим, кўникма ва малакалари ҳаётда ўз-ўзини англашнинг асоси бўлиши муҳим омиллардан биридир. Болалар ривожланишининг дастлабки босқичларида академик қаламтасвирни ўргатиш тамойилларини тўғри баҳоламаслик, кейинчалик нафақат ўз касбининг устаси бўлиб етишишига, балки уларнинг бадий дидини талаб даражасида ривожланмаслигига олиб келади. Биринчи навбатда вазифалар таҳлилий хусусиятга эга бўлмоғи лозим. Уларнинг мақсади болаларнинг атрофдаги ранг-барангликни конструктив нуқтаи назардан кўришга ўргатиш ҳисобланади. Кейинчалик талаба-ёшлар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини мураккаб қиёфаларни (ҳайвонлар, одам калласи ва қоматини) тасвирлашда қўллайдилар.

Касбий маҳоратни шакллантиришда 13-15 йиллик узлуксиз таълимга мос келадиган мураккаб вазифалар тизими орқали академик қаламтасвирни ўргатиш усулларини изчил давом эттиришга асосланган бўлиши керак. Мантиқий луғатда Н.И.Кондакова «академик» тушунчасини «илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган юксак илмий» деб белгилайди [2,18].

Академик қаламтасвирнинг асосларини ўрганиш илмий ютуқлар билан бирга ривожланиб борадиган мураккаб билиш жараёнидир. Бу маълум миқдорда, вазифаларни аниқ тушунишни, амалларни кетма-кетликда бажаришни ҳамда табиатнинг визуал тарзда тасвирлашни



талаб қилади. Тасвирнинг варақда кўрсатилиши унинг импрессионистик гидрокида эмас, балки қатъий кетма-кетликда акс этади. Ҳар бир босқич ўз қийматиға эга. Шундай қилиб, аниқ бир ҳақиқатга бириктирилган мураккаб тасвирни қуриш амалға оширилади.

Тасвирнинг қийматиға унинг барча босқичларида эришиш мумкин, чунки ҳар бир босқич ўз-ўзидан кетма-кетликда амалға ошириладиган амалларнинг ўзгариши эмас, балки унинг ўзи онтологик аҳамиятга эга. Академик қаламтасвир объектни қуриш, ёруқлик-сояни, ҳажмни, фактурани ва атроф-муҳитни яратиш учун босқичма-босқич, аниқ ҳисобланган методологияни ўз ичига олади. Академик бадий мактабни рассом ва рассом-педагогларнинг таълим-тарбия беришнинг қатъий, илмий жиҳатдан асосланган тизими деб тушунилади. Қолаверса, бу тизимнинг пойдевори умумтаълим ва санъат мактабларида қўйилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, умумтаълим мактабида тасвирий санъатни ўргатишда академик қаламтасвирнинг анъанавий шакл ва усулларида деярли фойдаланилмайди, бундан ташқари, кўплаб махсус санъат мактабларида ҳам академик қаламтасвир етарли даражада ўргатилмайди. Фақатгина бадий-педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларида академик қаламтасвир асосий фан сифатида тан олинган. Узлуксиз бадий таълим тизимида академик қаламтасвирни ўргатишнинг изчиллигиға етарлича эътибор берилмайди. Академик қаламтасвирни ўргатиш узлуксизлиги, бу бадий таълим тизимида ундан фойдаланиш борасидаги чексиз имкониятларнинг мавжудлигида намоён бўлади. Бугунги кунда академик қаламтасвир анъаналарига асосланган тасвирий санъатни тизимли ўргатишга бўлган ижтимоий-педагогик эҳтиёж йилдан йилга ортиб бормоқда. Бадий таълим тизимида академик қаламтасвирни ўргатиш методларининг узлуксизлиги муаммосига мурожаат қилиш, бадий таълим тизимидаги бўшлиқни тўлдириш учун хизмат қилади. Шунингдек, академик қаламтасвирни умумтаълим мактабидан то олий ўқув юртига қадар таълимнинг барча босқичларида ўргатишни таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида эътироф этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гавриляченко С.А. Рисунок «академический» и рисунок «творческий» // Художественная школа. – 2003. – №1. – С. 14–18.
2. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. – М.: Наука, 1975. – 717 с.
3. Egamov A., Aminov A., Baymetov B. Chizmatasvir. – Т.: Sharq, 2007. – 159 б.



КАР ВА ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Ф.У.ҚОДИРОВА,

Республика таълим маркази методисти

Ушбу мақолада кар ва заиф эшитувчи болалар мактабгача ва мактаб таълими узлуксизлиги ва узвийлигининг имкониятлари ва айрим жиҳатлари очиб берилди. Хусусан, “Предметли амалий таълим” машғулотлари ва дарсларининг мақсад ва вазифалари ҳамда ўзига хос методик томонлари ёритилди.

Таянч сўзлар: кар ва заиф эшитувчи бола, махсус таълим, мактабгача ва мактаб таълими, кўникма ва малакалар, нутқий мулоқот, усул ва воситалар.

Данной статье раскрыты некоторые специфики и возможности непрерывности дошкольной и школьной образования детей с проблемами слуха. В том числе изложены методические стороны занятий и уроков по «Предметно практическое обучение».

Ключевые слова: глухой и слабослышащий ребёнок, специальное и дошкольное образование, навыки и умений, речевое общение, метод и средство.

This article reveals some specific features and possibilities of stability and efficiency of preschool and school education for deaf children and children with hearing problems. Particularly, the detailed methodical aspects of class activities and lessons on «Subject based practical training» to be discussed.

Key words: Deaf and a child with hard hearing, special education, preschool and school education, comprehension and skills, oral communication

Ҳозирги кунда ҳар соҳа каби махсус таълим тизимида ҳам қатор инновацион ўзгаришлар содир бўлмоқдаки, уларнинг барчасидан кўзланган мақсад имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашдир. Кар ва заиф эшитувчи болалар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида ўз ўрни ва мавқеига эгадир. Бироқ бундай болалар ижтимоий ҳаётда соғлом кишилар орасида уйғун ҳолда яшаши, меҳнат қилиши, давлат қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана билиши, том маънода баркамол шахс, комил инсон бўлиб етишиши учун қатор ҳаётий кўникмаларга эга бўлиши тақозо этилади. Кар ва заиф эшитувчи болалар махсус ташкил этилган жараёнларда воқеа-ҳодисалар моқиятини, предметларнинг хусусиятларини, вақт-макон тушун-



чалари ва муносабатларини ўзлаштириш орқали оламни англайдилар.

Мазкур тоифа болалар таълими Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни (23-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишга оид қарор асосида амалга оширилади. Ушбу хужжатларга кўра ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим жараёни дефектологик маълумотга ёки йўналиш бўйича қайта тайёрлаш курсларидан ўтган олий педагогик маълумотли мутахассислар томонидан олиб борилиши ҳамда давлат ва жамият назоратидалиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда махсус таълим соҳасида олиб борилган барча илмий тадқиқот ишлари, жумладан, Л.Мўминова, М.Аюпова, Н.Бекмуродов, У.Файзиева, Р.Шомахмудова ва бошқаларнинг амалиётга татибқ этган тавсияларида имконияти чекланган болалар таълимининг мактабгача таълим ёшидан бошланиши мақсадга мувофиқлиги очиб берилган.

Бугунги кунда “*Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг самарали технологиялари*” мавзусидаги илмий тадқиқот иши тажриба-синов ишлари натижасида аксарият (тажриба-синов ишларида иштирок этган вилоятлар Наманган, Андижон, Навоий) махсус мактаб-интернатларига қабул қилинган кар болалар тўғридан-тўғри уйдан келганлиги аниқланди. Бироқ улар орасида (Андижон вилояти: 104 нафардан 27 нафари; Наманган вилояти: 100 нафардан 17 нафари; Навоий вилояти 90 нафардан 31 нафари) махсус мактабгача таълим муассасасидан сўнг мактаб таълимига жалб этилган болалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ривожланиши боғчага бормаган кар болаларга нисбатан юқори даражадалиги ҳамда айрим (17%) болаларнинг оилаларида таълимий эътибор йўлга қўйилганлиги сабабли, улар ҳам мактаб таълимини ўзлаштириш учун зарур кўникма ва малакаларга маълум даражада эгаллиги кузатилди.

Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг мактабгача ва мактаб таълими махсус коррекцион-педагогик ёндашувларга асосланади. Шунинг учун бу турдаги таълим муассасаларида умумтаълим фанларидан ташқари махсус коррекцион машғулотлар ҳам ташкил этилади.

Коррекцион машғулотларнинг мақсад ва вазифалари:



- Кар ва заиф эшитувчи болалар ривожланишидаги муаммолар натижасида келиб чиққан иккиламчи нуқсонларни бартараф этиш, юмшатиш, билинмайдиган ҳолатга келтириш;
- Эшитиш муаммоларининг таълимни эгаллашга салбий таъсири-ни камайтириш;
- Таълимни ўзлаштиришда учрайдиган қийинчиликларнинг олди-ни олиш ва бартараф этишнинг тегишли чораларини кўриш;
- Болаларни самарали мулоқотга ўргатиш, мустақил фаолиятнинг турли шаклларига тайёрлаш;
- Саломатлигини назорат қилиш ва тиклашга ўргатиш;
- Ўз-ўзини баҳолаш ва номоён қилиш учун қулай шароитларни яратиш.

Имконияти чекланган болалар таълими ҳақида сўз борганда маш-хур француз педагоги, шифокори Эдуард Сегеннинг фикрлари эъти-борга лойиқ, яъни у: «Ногирон бола ақлан билмайди, жисмонан бажара олмайди, руҳан хоҳламайди. Ногирон бола ақлан била оларди ҳам, жисмонан бажара оларди ҳам, агар у хоҳласа. Барча бало шундаки, дастлаб у хоҳламайди» - деб ногирон бола таълими ва тарбиясининг ўзига хослигини шарқлайди. Бу фикр кар болаларни ўқитиш ва тарби-ялашнинг коррекцион йўналганлигини тавсифловчи вазифаларнинг ўта муҳимлигини ва қийинлигини исботлайди.

Маълумки, кар ва заиф эшитувчи болалар атрофдагилар билан му-лоқотда ўзига хос нутқий шакл ва воситалардан фойдаланадилар. Чунки уларда эшитмаганликлари учун нутқ ривожланмайди. Кар ва заиф эши-тувчи болалар нутқни махсус ташкил этилган коррекцион-педагогик ёнда-шувларсиз эгалламайдилар. Шу сабабли таълим муассасаси улар учун нутқни эгаллаш, фанларни ўзлаштириш орқали оламни англаш, соғлом кишилар билан мулоқот қилишни ўргатадиган, провардида ижтимоий ҳаёт-га тайёрлайдиган асосий ва муҳим маскан ҳисобланади. Агарда педаго-гик, психологик таъсир мақсадли амалга оширилса, эшитишнинг йўқлиги ёки паслиги нуқсон сифатида иккинчи даражага тушиб қолади. Ҳар қан-дай фаолият тури ногирон болага тушунарли бўлгандагина у нуқсонга қарам бўлиб қолмайди. Агар кар ва заиф эшитувчибола маълум фаолият турларига эшитишнинг ўрнини тўлдирувчи ёндашувлар ёрдамида қизи-қиб киришса, унда ўқитувчи, тарбиячи, психолог ва албатта, oilаларнинг



ҳамкорлигида бу болада ижобий сифатларни ривожлантириш мумкин.

Ҳозирги кунгача имконияти чекланган болаларнинг мактабгача ва мактаб таълими даврида ижтимоий кўникма ва малакаларга эга бўлишини таъминлаш, ривожлантируви-коррекцион-педагогик жараёнинг самарадорлигини ошириш, педагогларнинг бу соҳадаги инновацион фаолиятини ташкил этиш ҳамда оилаларнинг маъсулиятини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги сабабли мактабгача ва мактаб таълимининг узвийлигини таъминлашга мўлжалланган методик воситалар ишлаб чиқилмаган. Шу боис кар ва заиф эшитувчи болаларнинг ижтимоий ҳаётга самарали тайёр бўлишларида қатор тўсиқлар мавжуддир. Мазкур тўсиқлардан энг долзарб ҳисобланган муаммо аксарият қайта тайёрловдан ўтган педагоглар ва оилалар кар ва заиф эшитувчи болалар таълимида қўлланилувчи хусусий тамойиллардан хабардор эмаслар.

Махсус адабиётлар таҳлили ва тадқиқотимизнинг натижаларига таянган ҳолда кар ва заиф эшитувчи ўқувчилар сўзлашув нутқи қуйидаги омиллар таъсирида шаклланишини кузатдик ва асосладик. Булар қуйидагилар:

- эшитиш имконияти ва нуқсон даражаси (бола карликнинг қайси гуруҳига, заиф эшитувчиликнинг қайси даражасига таалуқлилиги);

- бола нутқининг ҳолати (талаффуз кўникмалари, луғат захираси ва грамматик тузуми).

- коррекция ишларининг тўғри ва вақтида олиб борилишига, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг касбий компетентлилигига.

- ота-оналарнинг фарзанди билан оилада махсус шуғулланишининг аҳволи ҳамда мактаб ва оила ҳамкорлиги.

- мактабларда сўзлашув нутқига ўргатиш бўйича ўқув-коррекцион фанларини ўқитишда ўзаро узвий, она тили қонуниятларига асосланган, бир-бирини тўлдирувчи муносабатдаги дастур, дарслик, режаларнинг мавжудлиги ва улар билан ишлаш методикасига риоя қилинишига, яъни яхлит коррекцион-педагогик тизимнинг тўлақонли амалга оширилиши ҳамда фанлараро интеграцияга.

Кар ва заиф эшитувчи боланинг эшитиш қолдиғи (чуқур кар болада ҳам маълум миқдорда эшитиш қолдиғи мавжуд бўлади) қанчалик ривожлантирилиб, ундан нутқни эшитиб фарқлаш учун оптимал фой-



даланилса, бола нутқининг ривожланишига шунчалик шароит яратилади. Нимани эшитиб фарқласа, шу сўз англатган тушунча тажрибада қўлланилиб, боланинг хотирасида сақланади. Яъни:

Эшитиш + фарқлаш + англаш демакдир.

Эшитиб, кўриб-эшитиб, кўриб фарқлаш имкониятини ўрганиш бола нутқининг шаклланганлик даражасига алоҳида тавсиф беради.

Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг мактабгача ва мактаб таълимининг соғлом болалар таълимидан фарқли жиҳатларидан бири бу “Предметли амалий таълим” (меҳнат) фанининг ўқитилишидадир. Ушбу фан мактабгача таълим катта гуруҳи ва тайёрлов ҳамда 1-синфларда 3 соатдан, 2-синфдан 4 соатдан ўқитилади. Бу фан нафақат меҳнат малакаларини ривожлантиришни, балки нутқий кўникма ва малакаларни шакллантиришни ҳам кўзда тутди.

“Предметли амалий таълим” машғулотли ва дарсларидан кўзланган дидактик вазифаларни қуйидагича шархлаймиз.

1. Ривожлантирувчи вазифа. Кундалик маиший тушунчалар эгалланади, умумий ривожланиш амалга оширилади, дунёқараш кенгайди.

2. Нутқни ривожлантириш. Нутқий мулоқот кўникма ва малакалари шаклланади. Кар ва заиф эшитувчи ўқувчилар учун нутқий мулоқот зарур ижтимоий-ҳаётий омилдир. Ўқувчилар нутқни мактабга келган кундан бошлаб мақсадли ва она тили қонуниятлари асосида эгаллай бошлайдилар. Технология дарси эса ўқувчиларга нутқнинг турли шакллари асосда қўллаш имконини берувчи мулоқот майдони ҳисобланади.

3. Мантиқий тафаккур ривожланади. Сўз-мантиқ тафаккури, сабаб-оқибатли фикрлаш шаклланади. Бунда ҳар бир иш ҳаракатининг натижаси нимага олиб келиши, ишни буюмнинг қайси қисмини тайёрлашдан бошлаш кераклигини ўқувчи мустақил аниқлаши ҳамда шу асосда ишни ташкил этишига эришиш муҳим шартлардандир. Буюм тайёрланиб бўлгач, уни ҳаётда қарларда ишлатиш мумкин, қолдиқ материаллардан яна нималар яшаш мумкинлиги устида фикр алмашиш ҳам ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиради.

4. Меҳнат-касбга йўналтириш. Қўл меҳнати, у ёки бу касбга оид қизиқишлар ривожланади. Технология дарсида ўқувчиларнинг жис-



моний, ақлий ва нутқий ривожланишига боғлиқ равишда маълум касбнинг оддий ҳаракатларини самарали бажара олишини кузатиш мумкин. Ушбу ҳаракатларни ўқувчилар, уларнинг яқинлари ва ўқитувчилар сезиши, англаши ва тўғри йўналтириши муҳимдир. Зеро ўқувчиларнинг дарсда бажарган ҳаракатлари орқали шу касбни танлашга ва меҳнатга психологик тайёр бўлишига эришиш чораларини кўриш таълим муассасасининг муҳим вазифаларидан бирини ташкил этади.

5. Тарбиявий вазифалар. Ушбу дарс ўқувчиларда шахс сифатлари: сабрли бўлиш, ўртоқлари ва бошқаларга ҳушмуомалали бўлиш, ўзгаларни тинглаш, ўз фикрини асослашда ўзгаларнинг шахсиятига тегмаслик, ўзгалар меҳнатини қадрлаш ва ўз меҳнатини тўғри баҳолаш каби ва бошқа кундалик ҳаётда ва жамоада ўрин топиш ва турли фаолиятларда самарали иштирок этиш учун керак бўладиган сифатларни шакллантириш учун иш усуллари, турлари ва воситаларидан кенг фойдаланиш имкониятига эгадир.

Қуйида мактабгача ва мактабда “Предметли амалий таълим” машғулотида замонавий ёндашувлардан фойдаланиш бўйича методик тавсияларни келтирамиз.

1. Меҳнат дарсларида болаларга эртак асосида буюмларнинг хусусиятини тушунтириш ҳам ижобий натижаларни таъминлайди. Масалан, бинолар макетини ясаганда жамоа ишини ташкил этишдан, мавзуга кириш ва уни бажаришга тайёргарликдан олдин ўқитувчи эртак тузиб, сўзлаб берса, ўқувчилар мавзуга қизиқади.

Масалан,да бир бино қад кўтарибди. Унда ..., ..., ..., ... лар бор экан. Бинодагининг шакли ..., ранги ..., вазифаси лардан иборат экан. Энди сиз бинони ичида инсонлар нима билан шуғулланиши мумкинлиги айтишга ҳаракат қилинг.

2. Кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясини шакллантиришга хизмат қилувчи иш турлари қуйидагилар:

– дарсларда бинолар ва уларнинг қурилишига оид топшириқларни бериш. Масалан, -уй нималардан қурилади?, -ғишт қандай тайёрланади?, -биноларни кимлар қурадилар?, -бошқа бинолар яна нималардан қурилади? каби саволларга жавобларни сўрашни ташкил этиш асосида ўқувчилар ўзлари яшаётган ва ўқиётган биноларнинг хусусиятлари қамда ўзига хос тушунчаларини ўзлаштириш имконига эга бўладилар.



Бундан ташқари суҳбатлар, меҳнат фаҳрийлари билан учрашувлар, меҳнат мавзuidaги китобларни ўқиш ва таҳлил этиш, мактаб ошхонасидаги ишларни кузатиш ва айримларида иштирок этиш, кийимлар, озиқ-овқатлар тайёрланадиган цехларга ташриф, мактаб боғида ишларни кузатиш, ўқувчилар меҳнати натижаларидан кўргазмалар, тайёрланган ўйинчоқлар танловларини ташкил этиш, нафаҳахўрлар, ногиронлар ва катта-катта оилаларга ёрдам бериш, шанбаликлар, синфдаги навбатчиликни кузатиш ва ташкил этиш каби иш турлари ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёр бўлишида зарур бўлган ҳаётий тушунчаларни ўзлаштириш, оддий малакаларни эгаллаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сурдопедагогика / Под ред. М.И.Никитиной. –М.: Просвещение, 1989. -384с
2. Л.С.Выготский. Собрание сочинений. Т. № 5 М., “Педагогика”, 1983 г., стр. 23
3. Р.М.Боскис. «Особенности речевого развития у детей при нарушении слухового анализатора»,М.,”Издательство АПН РСФСР”,М.,1953г.,стр.88.
4. У.Файzieва. Эшйтишида муаммолари бўлган болалар таълим-тарбияси. Тошкент. 2011 йил.



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ф.Р.САЙДАМАТОВ,
ТДПУ ўқитувчиси

Мазкур мақолада узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириб бориш ҳақида фикрлар юритилган бўлиб, таълим натижаларининг умумлаштирилган тавсифи сифатида ўқувчиларнинг олдиндан айтиб бериш, баҳолаш, билим ва малакаларидан ижодий топшириқларни бажаришда самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатлари ёритилган

Таянч сўзлар: ижодий фаолият, ижодий ёндашув, индивидуаллик, инсонпарварлаштириш, мулоқот, дидактика, сифат ва самарадорлик

В данной статье освещены вопросы формирования практических навыков творческой деятельности учащихся в процессе непрерывного образования, а также теоретические особенности эффективного применения полученных знаний и навыков в качестве обобщенной характеристики результатов образования при выполнении творческих заданий.

Ключевые слова: творческая деятельность, творческий подход, индивидуальность, гуманность, общение, дидактика, качество и эффективность.

This article involves the formation of practical skills of creative activity of students in the process of continuous education, as well as theoretical peculiarities of the effective application of the received knowledge and skills as a generalized characteristic of the results of education in the performance of creative tasks.

Key words: creative activity, creative approach, individuality, humanity, communication, didactics, quality and efficiency.

Маълумки, ҳар қандай таълим, хусусан, мактаб география таълимнинг сифатини оширишда ўқувчилар фаоллигини кучайтириш, уларнинг турли ўқув воситалари билан ижодий ишлай олишлари каби жиҳатлар етакчи мезон ҳисобланади. Дарсликлар ва бошқа ўқув методик воситалар, мажмуалар ўқувчиларнинг билим сифатини ва фаоллигини таъминлашда энг етакчи мавқега эга бўлиши лозим.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда республикамизда фанларнинг жадал тараққий қилиши ва билимларнинг тез янгиланиши, сифатли ва самарали техника, технологияларнинг кириб келиши, таълим жараёнига замонавий ахборот – коммуникация тизимининг жорий этилиши,



табиат, атроф – муҳит ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳар қандай вазиятда фаол, мавжуд муаммоларни ижодий ҳал қила олишга қодир ёшларни тарбиялашни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибаларини шакллантиришнинг йўллари аниқлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги ёрқин намён бўлмоқда.

Ижодий фаолият тажрибасининг мазмуни ва уни шакллантиришга ёндашувлар мураккаб ва кўп жиҳатли муаммодир. Мазкур масалани ўрганиш бўйича анчагина ишлар амалга оширилган, материаллар тўпланганига қарамай, «ижодий фаолият тажрибаси» тушунчасини таърифлашга бугунгача ягона бир қараш мавжуд эмас. Изланишларимиз давомида ушбу тушунчанинг моҳияти, структураси ва география таълимининг унга боғлиқ компоненти даражаларини аниқлаш учун илмий адабиётлар системали ва фанлараро ёндашув нуқтаи назаридан таҳлил қилинди, бунда асосан: «ижод», «тажриба», «ижодий фаолият», «ижодий фаолият тажрибаси» тушунчаларига мавжуд нуқтаи назарлар ўрганилди.

Психологлар нуқтаи назарига кўра, «ижод» тушунчаси икки жиҳатни ўз ичига олади. Ижод–бу маҳсулот яратиш, янги натижа олиш фаолияти, шунингдек у натижага эришиш жараёнидир.

Ижоднинг жиддий белгиси – янгилик бўлиб, бусиз ижод йўк, ўқув ижодкорлиги учун у субъектив, камроқ ҳоллардагина объектив бўлиши мумкин. Бундан ташқари, психологияга оид ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, олимлар ижодий фаолиятни бола шахсини ривожлантиришнинг энг муҳим механизми сифатида баҳолайдилар, ижоднинг ривожланиши умуман шахс ривожланишининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш муаммосини ҳал қилишда И.Я.Лернернинг ҳиссаси катта. Ушбу мавзу бўйича изланишлар олиб борган кўплаб олимларнинг фикрларини умумлаштиргани ҳолда, у ижоднинг қуйидаги таърифини келтиради: «Ижод – инсон томонидан ўзига хос, операция ва амалларнинг тавсифланадиган ва қатъий бошқариладиган тизими сифатида тасаввур қилиб бўлмайдиган, интеллектуал процедуралар воситасида объектив ёки субъектив даражадаги “янги”нинг яратилиш жараёнидир. Бу каби таъриф ижод билан боғлиқ бўлган, жамият учун объектив янги бўлган сифатга кам



ҳоллардагина олиб келадиган педагогик мақсадлар учун муҳим. Шуниси ҳам аҳамиятлики, янги сифат ҳамма вақт ҳам субъектив ижод маҳсули бўлавермайди. Шу сабабли ҳам ушбу тавсиф интеллект, психологик тузилмаларнинг маълум процедура характеристикалари, қирралари намоён бўлиши сифатида муҳим».

Ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришни у вазифаларни бажаришга ижодий ёндашувни ривожлантириш билан боғлайди. Ижодий фаолият тажрибаси шаклланганлигини кўрсатадиган таълим натижаларининг умумлаштирилган тавсифи сифатида ўқувчиларнинг олдиндан айтиб бериш, баҳолаш, билим ва малакаларидан ижодий топшириқларни бажаришда фойдалана олиш малакаларини ажратиб кўрсатади.

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчилар ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш муаммосини ҳал қилишнинг мавжуд имкониятлари шароитида уларнинг ҳар бири аниқ берилган мақсад ва қатъий белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш учун, фикримизча, турли хил вазифаларни бажаришга қўмаклашадиган, ўқувчилар ва ўқитувчи ижоди учун кенг вариатив муҳит яратадиган методика зарур. Бундай методикани яратиш вариантларидан бири – география ўқитиш жараёнида қўлланадиган анъанавий методлар билан бир қаторда турли янги педагогик технологиялар воситаларини қўллашдан иборат. Буни таъкидлашда биз, қатор олимларнинг фикрларига асосландик. «Комбинациялашган дидактик тизим унга кирадиган технологияларнинг ҳар бирининг сифат кўрсаткичларидан ортиқ бўлган сифат кўрсаткичига эга бўлиши мумкин». «Ўқитиш структурасини танлашда принципиал талаб ўқитиш ва ўргатишнинг шакл ва методлари ранг-баранглигини таъминлашдан иборат. Ранг-баранглик янгилик эффекти туфайли таълим олувчилар билиш фаоллигини оширади, ўқув материаллари мазмуни турли бўлимларининг ўзига хосликларини энг яхши тарзда ҳисобга олиш имконини беради».

Ўқувчиларда шакллантирилаётган ижодий фаолият тажрибасининг «индивидуаллиги»га таълим жараёнида мотивацион компонентни фаоллаштириш йўли билан эришилади. Унга ижодни мотивациялаш киради, ўз яшаш жойи географиясини ўрганишда ўқувчиларда ўлкашуносликни билишга ва ижодий ўлкашунослик топшириқларини бажаришга қизиқишни орттириш орқали эришиш мумкин. Бу компонент



ўқувчиларни ечимни излаш вазиятига жалб қилинишини таъминлайди ва уларнинг мотивлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, шунингдек ёш хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Индивидуал ижодий фаолият тажрибаси мотивацион компоненти-нинг шаклланганлик даражасини ўз яшаш жойи географиясини билишга оид қизиқишни ўрганиш орқали аниқлаш мумкин. Уни баҳолашга ёндашувлардан бири – Канада, АҚШ, Буюк Британияда кенг қўлланиладиган «Кузатишлар варағи» методикасидир. «Кузатишлар варағи»- маълум малака ёки кўникмаларни, хулқни ва характеристикаларни алоҳида ўқувчи ёки бутун синфда кузатиш стратегияси. Шунингдек, у ўқитувчи-га маълум малака ва кўникмани ўзлаштиришда ким илғор, ким эса ёрдам-га муҳтожлигини аниқлаш имконини берадиган мониторинг воситаси.

Самарли «Кузатишлар варағи» ўқувчининг исми, 4-5 мақсадли кўникма ёки сифат учун жой, ўрганилаётган компонентни қай даража-да эгаллаганини аниқлаш учун код ёки баҳолаш шкаласи, шарх ёки қайдлар учун жойни ўз ичига олади. Ривожланиш жараёнини кузатиш ёки кузатиш варағидан ўқувчилар ва ота-оналар йиғилишларида фойдаланиш учун «варақ» билан ишлаш санаси кўрсатилади. Машғулот-да зарурий ахборотлар ўқитувчидан ўқувчиларга алоқа ёрдамида тўғри-дан-тўғри узатилади. Бошқаришнинг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчи томонидан ўқув фаолияти бажарилса, бошқариш алгоритминини ўқитув-чи ҳам, ўқувчи ҳам бажариши мумкин. Бунда халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига доир ўқув топшириқлари ва уларнинг тўғри жавоблари бери-лади. Шунда таълим олувчилар ўз фаолиятларини текшириш ва хато-ларини тузатиш имконига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дмитриева Б. Т., Воробьев А. Н., Современные образовательные технологии в преподавании географии (Круглый стол на геофаке МГПУ) География в школе. 2001. №4.
2. Душина И.В Педагогические технологии в обучении географии. География в школе. 2001. г. №3.
3. Ушакова О.В. особенности рейтинговой технологии. География в школе, 2002. №3.
4. Зиёмухаммедова С, Зиёмухаммедов Б. Новые педагогическое технологии. – Т. 2002.



ОНА ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

М.СУВАНОВА,

*НавДПИ ҳузуридаги ХТХҚТМО
худудий маркази катта ўқитувчиси*

Мақолада она тили фанини ўқитишда ривожлантирувчи таълим технологиялари ва усулларининг аҳамияти, ёш авлодни келажак ҳаётга тайёрлаш ва бугунги глобаллашув жараёнининг таълим соҳасидаги ижобий таъсири ҳақида.

Таянч сўзлар:

В статье рассматривается роль развивающих образовательных технологий и методов, подготовка молодого поколения к будущей жизни и позитивное влияние в систему образования в условиях глобализации.

Ключевые слова:

This article is about the importance of developing educational technologies and methods in teaching mother tongue, preparation of young generation for the future life and the positive effects of nowadays global process to education system.

Key words:

Ўзвийлаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари илмийлик, мантикий кетма-кетлик, таълим-тарбиянинг узвийлиги, ўқувчиларнинг ақлий, психологик ва физиологик ривожланиши, ёши ва компетенциявий ёндашувлар асосида мукаммал ҳолатда ишлаб чиқилмоқда. Бўҳаракатлар барчаси ўқувчини жамият талабларига мос, етук шахслар бўлиб етишишлари имконини яратади. Бунда ўқитувчининг фаолияти, педагогик технологиянинг интерактив методларидан тўғри ва унумли фойдаланиши, ўқувчиларни мустақил ишлашга йўналтира олиши муҳимдир.

Ўқитувчи дарс жараёнида педагогик технология асосида ўқувчиларнинг онгидаги илғор кучларга таяниб, ижодий камолотига ижобий таъсир этиш натижасида дарсларни ташкил этишлари лозим. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги бу ижобий ҳамкорлик улар орасидаги ўзаро алоқа воситасини вужудга келтиради. Бунда тарбия натижасининг самарали бўлиши тарбиявий жараёни ташкил этиши усуллари, воситалари ва шаклларида моҳирона фойдаланишга ва уларнинг уйғунлигини таъминлашга боғлиқ.

Ўқитувчи машғулот пайтида технологияларни қўллаганда ўқувчи билимини кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ғоялар билан таққослаш, уларнинг ривожла-



ниш йўллари ва усулларини аниқлаш, мосини танлаш, турли воситалар ва тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларининг ўзаро бир-бирига ўтишига аҳамият бериши керак. Таълим технологиялари қуйидагича йўналишларга бўлинади:

1. Замонавий-анъанавий ўқитиш элементларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар.

2. Педагогик жараёнда шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар.

3. Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги педагогик технологиялар.

4. Ўқув жараёнини самарали бошқаришга асосланган педагогик технология.

5. Ривожлантирувчи таълим технологиялари.

6. Хусусий ўқув фанларига тегишли технологиялар.

Юқорида кўрсатилган таълим технологиялари йўналишларининг асосийси замонавий-анъанавий таълим бўлиб, у XVII асрда Я.А.Коменскийнинг дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, ҳозирги дунёдаги мактабларда энг кўп қўлланилаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар асосан шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда турли йўналишларда ривожланмоқда.

Ривожлантирувчи таълим маълум бир вақтда, ўқувчининг таълимий, тарбиявий, маънавий, руҳий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда уни жуда тез ўзгарувчан дунёга, жамиятга, ҳаётга мослашувини таъминловчи таълим назариясидир. Ривожлантирувчи таълим технологиялари ва усулларини дарс жараёнида қўллаш, ўқувчилар қизиқишининг ортишига, билимларнинг кўникмага айланишига, билим сифат-самардорлигининг ошишига сабаб бўлади. Ривожлантирувчи таълимнинг мақсади ҳам ўқувчиларда мантиқий, танқидий, таҳлилий, ижодий фикрлашни ривожлантириш орқали баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир. Вазифаси эса, шахснинг индивидуал камол топиши учун зарур бўладиган ҳаётий кўникма ва малакаларини ривожлантириш саналади.

Ўқувчиларда топшириқларни ечишга оид назарий тушунча ва амалий кўникма, малакаларни шакллантириш, уларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши эса ривожлантирувчи таълимнинг ўзига хос хусусиятидир. Муаммоли таълим, эвристик таълим, тадқиқотчилик таълими ривожлантирувчи таълимнинг асосий йўналиш-



лари бўлиб, бу технология ва усуллар ёрдамида дарсларни ташкил этиш ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ҳулоса чиқаришга ўргатади.

Юқоридаги фикрларимизни қуйидаги технология ва усуллар ёрдамида далиллаймиз. Масалан, “ФСМУ” технологияси мунозарали масалаларни ҳал этиш, баҳс-мунозаралар ўтказиш, ўқув-семинарини ташкил этиш ёки ўқув режаси асосида бирор бир бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин. Она тили ва адабиёт дарсларида ушбу технологияни қўллаш ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчиларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга ўргатади.

Ўқувчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам бериш “ФСМУ” технологиясининг мақсади ҳисобланади.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда:

– ўқитувчи ўқувчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

– ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда ишланиши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб бориши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида ўқувчиларга маълумот беради;

– машғулот давомида ҳар бир ўқувчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатилади.

Иккинчи босқичда:

– ҳар бир ўқувчига “ФСМУ” технологиясининг 4-босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф-фикрингизни баён этинг.

С-фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг.

М-кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг.

У-фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир ўқувчи якка тартибда қоғоздаги “ФСМУ”нинг 4-босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлдиради.

Учинчи босқичда:

Ҳар бир ўқувчи ўз қоғозини тўлдириб бўлгач, ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини сўрайди ёки ўзи турли усуллардан фойдаланиб ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлади.

Тўртинчи босқичда:



- гуруҳларга катта форматдаги қоғоз тарқатилади;
- ҳар бир ўқувчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб, фикр ва далилларни умумлаштирган ҳолда катта форматга ёзади;

- фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир ўқувчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши керак.

Бешинчи босқичда:

- кичик гуруҳ умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қилади;

Олтинчи босқичда:

- ўқитувчи машғулотга якун ясайди, айтилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

- қуйидаги саволлар билан ўқувчиларга муружаат қилади;

- ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

- ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара беради?

- ўқитувчи юқоридаги босқичлар асосида ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштиради.

Ушбу технологиялардан она тили ва адабиёт фанидан малака ошириш курслари ўқув дастурида деярли барча модуллардаги мавзуларни ташкил этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Дастлаб ўқитувчи бу мавзунинг мақсади билан тингловчиларни таништиради. Бир соатлик дарсга қўйилган талабларни таништириб дарс ишланмаси, ўқув топшириқлари тайёрлаш методикаси тўғрисида тушунчалар беради.

Она тил ва адабиёт дарсларида ривожлантирувчи таълим технологиялари ҳамда усулларида фойдаланиш таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб боради. Оддий ўқувчини мутоала қиладиган, мутоала қиладиган ўқувчини тушунадиган, тушунадиган ўқувчини таҳлил қиладиган, таҳлил қиладиган ўқувчини хулоса чиқарадиган ўқувчига айлантиради. Таълим жараёнининг самарадорлиги ўқитувчининг узатган билимлари қўлами билан эмас, ўқувчиларнинг қабул қилган, ўзлаштирган билим, малака ва кўникмаларининг қўлами билан ўлчанади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: 2008.
2. Ишмуҳамедова Р., Абдуқодирова А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т.: 2008.



TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA TEST TOPSHIRIQLARINI TAKOMILLASHTIRISH

Z.SH. UCHQUROVA,
TDPU o'qituvchisi

Mazkur maqolada uzluksiz ta'lim tizimida o'quvchi yoshlarning bilimini test topshiriqlari yordamida nazorat qilish haqida fikrlar bildirilgan. Jumladan uzluksiz ta'limning turli bosqichlarida maktabdan to oliy ta'lim bosqichiga bo'lgan ta'lim tizimida test topshiriqlarini takomillashtirish orqali ta'lim sifatini oshirish uchun bajariladigan ishlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: uzluksiz ta'lim, umum ta'lim maktablari, mustaqil ta'lim, bilim, ko'nikma, malaka, o'quvchi, talabalar, oliy o'quv yurti.

Данная статья посвящена применению тестовых заданий при оценке знаний учащихся и студентов при помощи тестов в системе непрерывного образования. В том числе освещены работы по повышению качества образования путём усовершенствования тестовых заданий на различных этапах непрерывного образования со школы до высших учебных заведений.

Ключевые слова: непрерывное образование, общеобразовательные школы, самостоятельного обучения, знание, способность, квалификация, ученик, студенты, высшее учебное заведение.

In this article outlines ideas for controlling students knowledge by using test tasks in the continuing education system. In particular, works illuminate for different stages of continuing education the quality of education through the improvement of the test tasks in the education system, from the school to the higher education stages.

Key words: continuous education, general education schools, independent education, knowledge, skill, qualification, pupil, students, higher education institution

O'z kelajagi va taqdiriga befarq bo'lmagan har bir xalq ta'lim tizimiga shunchaki o'tkinchi ma'naviy qadriyat sifatida qaramaydi. Ko'pgina davlatlar tarixida davlat ta'lim tizimini tashkil qilish va rivojlantirishga qanchalik katta ahamiyat qaratganligining o'zi ham fikrimizning yorqin dalili bo'la oladi. Barcha rivojlangan davlatlarda hukumat ta'lim tizimini hamisha jiddiy nazorat ostiga olgan bo'lib, uni uzluksiz ravishda jamiyat va zamon talablariga qarab o'zgarish va yangilanishlarga muvofiq isloh qilib borgan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 1998 yil 5 yanvar "Uzluksiz ta'lim tizimi uchun davlat ta'lim standartlarini ishlab chiqish va joriy etish to'g'risida"gi № 5-sonli Qarori o'quv-uslubiy faoliyatni o'quv adabiyotlar bilan ta'minlashda muhim bosqich bo'lib xizmat qildi.

Respublika oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonlarini takomillashtirish, yoshlarga zamonaviy talablar asosida ta'lim berish bugungi kunning asosiy



masalalaridan biridir. Ta'lim-tarbiya jarayonlarining sifati ustidan samarali davlat nazoratini o'rnatish maqsadida Vazirlar Mahkamasi huzurida Ta'lim sifatini nazorat qilish bo'yicha davlat inspeksiyasi tashkil etiladi. Uning asosiy vazifasi — ta'lim-tarbiya jarayoni, professor-o'qituvchilar tarkibi, ta'lim tizimida kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirish sifati hamda mulkchilik shakli va idoraviy bo'ysunishidan qat'i nazar, ta'lim muassasalarini attestatsiya va davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish, ta'lim-tarbiya sifatini nazorat qilish bo'yicha davlat siyosatini amalga oshirishdan iborat.

Ilmiy tadqiqotlarga ko'ra, biz bugungi kunda zamon talablariga javob beradigan kadrlarni tayyorlashimiz uchun ta'limning mazmunan yangi shakliga o'tdik. Bizning yoshlarimiz ham jahon standartlaridan kam bo'lmagan bilimlarni 11 yilda olishadi va o'sha maktabda bir yo'la o'z hududidining talabiga ko'ra kasb yoki hunar oladi. Prezident Shavkat Mirziyoyevning 11 yillik maktab ta'lim tizimini qayta tiklash borasida bildirgan fikri va hukumat tomonidan olib borilayotgan amaliy ishlar aniq asoslarga ega ekanligi aytishimiz joiz va xorij davlatlar tajribasi bunga yaqqol dalildir. Ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini o'rganish va tahlil qilish natijasi talabalarning o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini nazorat qilish yuzaki, ya'ni standart o'quv va test topshiriqlari asosida olib borilayotganligi, umumiy va xususiy kompetensiyalarni nazorat qilish e'tibordan chetda qolayotganligi, talabalarning o'z-o'zini nazorat qilish jarayoni tashkil etilmayotganligini ko'rsatdi. Jahonning rivojlangan mamlakatlarida professor-o'qituvchilar tomonidan o'quv kursi mazmuni bo'yicha test topshiriqlari bankini tuzib, mazkur testlardan My test dasturi vositasida adaptiv test topshiriqlarini yaratib, o'quvchi va talabalarning o'z-o'zini nazorat qilish jarayoni tashkil etilmoqda. Bu jarayon ta'lim samaradorligining ortishiga bevosita va bilvosita ta'sir ko'rsatayotganligi ma'lum bo'ldi. Talabalar tomonidan ta'lim mazmunining asosiy tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan ijodiy faoliyat tajribalarini aniqlashda foydalaniladigan nazorat turlari talabalar tomonidan aqliy operatsiyalar: tahlil, sintez, taqqoslash, qiyoslash, umumlashtirish va xulosa yasashni, ya'ni ijodiy fikr yuritishni talab etadi. O'qituvchilar tomonidan ta'lim mazmunining asosiy tarkibiy qismlarini aniqlashda foydalaniladigan nazorat turlaridan biri test topshiriqlari bo'lib, ularni maqsadga muvofiq holda shakllantirish va o'z-o'zida foydalanish uchun mazkur jarayonning nazariy asoslarini bilish zarur. Ta'lim-tarbiya jarayonida foydalaniladigan test topshirig'i to'rt qiyinlik darajasi asosida tuzilishi va har bir topshiriqning qiyinlik darajasi topshiriq pasportida ko'rsatilishi kerak. Butun dunyoda *elektron ta'limni joriy qilish* bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Hozirgi davrda ta'lim tizimiga elektron ta'limni joriy qilish mamlakatimizda ta'lim sifatini rivojlangan davlatlar oliy o'quv yurtlarining darajasiga olib chiqish



hamda zamon bilan tengma-teng odimlash uchun ham dolzarb hisoblanadi.

Test topshiriqlarining yaxlitligi u bir mavzu, bob, bo'lim yoki kurs mazmunini qamrab, ularni nazorat qilish imkoniyatiga ega ekanligida ko'zga tashlanadi. Har bir test topshirig'i yaxlit topshiriqning bir bo'lagi sifatida muayyan mazmunni qamrab oladi va ma'lum bir vazifani bajaradi, shu sababli ularning birortasini olib tashlash bilimlarni aniqlash jarayoni va sifatiga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Test topshiriqlari asosan quyidagi qiyinlik darajalariga asosan tuzilishi kerak.

Oson (reproduktiv) (I)-o'quvchilar tomonidan o'quv materialini qayta ishlanmasdan, ularning xotirlash qobiliyatini aniqlovchi, hodisa, voqea, qonun va atamalarning mohiyatini bilishni talab qiladigan daraja;

O'rtacha qiyin (produktiv) (II)-o'quvchilardan obektlarni tahlil qilish, sintezlash, taqqoslash, bir nechta qonun va qonuniyatlarni birvaqtda qo'llab, umumlashtirish orqali xulosa yasashni talab qiluvchi daraja;

Qiyin (qisman-izlanishli) (III)-o'quvchilar tomonidan avval o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalarni yangi kutilmagan vaziyatlarda qo'llash, obektlarni tahlil qilish, sintezlash, qiyosiy taqqoslash, qonun va qonuniyatlarni qo'llab, umumlashtirish orqali xulosa yasashni talab qiluvchi daraja;

Eng qiyin (kreativ) (IV)-o'quvchilar tomonidan avval o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalarni kutilmagan vaziyatlarda vujudga keltirilgan o'quv muammolari hal etishda qo'llash, tahlil, sintezlash, qiyosiy taqqoslash, umumlashtirish, xulosa yasash kabi aqliy operatsiyalarni bajarishni talab qiluvchi daraja;

Maktabgacha ta'lim uzluksiz ta'limning boshlang'ich qismi hisoblanadi. U bolaning sog'lom va rivojlangan shaxs bo'lib shakllanishini ta'minlab, o'qishga bo'lgan ishtiyoqini uyg'otib, tizimli o'qitishga tayyorlab boradi. 6-7 yoshgacha bo'lgan maktabgacha ta'lim davlat va nodavlat bolalar maktabgacha ta'lim muassasalarida va oilada amalga oshiriladi. Maktabgacha ta'limning maqsadi – bolalarni maktabdagi o'qishga tayyorlash, bolani sog'lom, rivojlangan, mustaqil shaxs bo'lib shakllantirish, qobiliyatlarini ochib berish, o'qishga, tizimli ta'limga bo'lgan ishtiyoqini tarbiyalashdir.

Umumiy o'rta ta'lim boshlang'ich ta'limning mantiqiy davomi bo'lsa ham, tarkibiy sifatiga va o'qitish uslubiga ko'ra farq qiladi. Umumiy o'rta ta'lim ishtirokchining ijtimoiy mavqei belgilab olishga bo'lgan ishtiyoq, qiziqish va qobiliyatlarini, uning shaxs bo'lib shakllanishini ta'minlaydi. O'quvchi o'rta maktabda fan asoslari bo'yicha tizimli bilimlarni oladi. O'rta maktab o'quvchilar uchun maktab fanlarini mustaqil o'rganishga keng imkoniyatlar yaratib beradi. O'rta ta'limda asosan ochiq va yopiq tipdagi standart testlardan foydalaniladi. Bu testlarni nostandart testlarga almashtirish zarur. Bunda ta'lim jarayonida keng



dunyoqarash shakllanishi va ijodiy fikrlash qobiliyati paydo bo'ladi.

Oliy ta'limning asosiy maqsadi zamon talablariga javob bera oladigan malakali, raqobatbardosh, yuksak bilimli, oliy ta'lim mutaxassisi talablariga o'zi tanlagan yo'nalishi yuzasidan talabga javob bera oladigan respublikaning ilm-fan, madaniyat, iqtisod, ijtimoiy sohalarini rivojlantirishda o'z hissasini qo'shadigan, mustaqil fikrlaydigan, yuksak ma'naviyatga bo'lgan yuqori salohiyatli mutaxassislarni tayyorlashdir. Bu maqsadda quyidagi ishlarni amalga oshirish zarur:

- davlat ta'lim standartiga muvofiq zamonaviy dasturlar asosida o'qitishning sifatini ta'minlash;

- oliy malakali ilmiy-pedagogik kadrlarni tayyorlash;

- ilm-fan, madaniyat, iqtisodning zamonaviy tuqlari, mamlakatning iqtisodiy, ijtimoiy istiqbolini tuqlarini hisobga olgan holda kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish;

- oliy ta'limning insonparvarligini ta'minlash maqsadida yoshlar tarbi sig a milliy istiqbol g'oyasi asosida milliy va umuminsoniy qadriyatlar, Vatanga, oilaga, atrof-muhitga muhabbatni singdirish;

- o'qitishning interfaol usullarini, pedagogik innovasion hamda axborot kompyuter texnologiyalarini, mustaqil ta'lim olish, masofaviy ta'lim tizimini amaliyotga joriy qilish;

- oliy ta'limda fan va ishlab chiqarish mexanizmlarining uyg'unligi mexanizmlarini ishlab chiqish va amaliyotda qo'llash;

- ilmiy-pedagogik kadrlar va talim oluvchilarning ilmiy-ijodiy faoliyati, ilmiy tadqiqotlari yordamida fan, texnika, texnologiyalarni rivojlantirish, ta'lim jarayoni orqali mamlakat iqtisodining rivojlanishiga hissa qo'shish;

- davlat va nodavlat oliy o'quv muassasalarini rivojlantirish asosida ta'lim xizmatlari bozorida raqobatni yuzaga keltirish;

- oliy o'quv muassasalarini boshqarish va kengaytirishni takomillashtirish uchun jamoat boshqaruvining vasiylik va kuzaetuvchi kengashlarni kiritish;

- ta'lim va kadrlar tayyorlash sifatini tekshirish uchun marketing tadqiqotlarini olib borish, yo'nalishi bo'yicha belgilangan mehnat bilan ta'minlash monitoringini tuzish;

- oliy ta'lim sohasida ikki tomonlama foydali xalqaro aloqalarni rivojlantirish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Oliy ta'lim. Meyoriy - huquqiy va uslubiy xujjatlar to'plami. "Istiqbol" -T., 2004.

2. Oliy ta'limning meyoriy - huquqiy xujjatlari to'plami. -T., 2013.

3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 1998 yil 5 yanvar "Uzlusiz ta'lim tizimi uchun davlat ta'lim standartlarini ishlab chiqish va joriy etish to'g'risida"gi № 5-sonli qarori.



УЧЕБНЫЕ ЗАДАНИЯ ПО РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ ПО ТАКСОНОМИИ БЕНЖАМИНА БЛУМА В НЕПРЕРЫВНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Д. ШАМСИЕВА,

преподаватель кафедры «Русского
языка и литературы» НавГПИ

*Мақолада ўқув топшириқларини Бенжамин Блум технологиялари асо-
сида бажариш билан боғлиқ омиллар, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро
психологик таъсирнинг таълим ва тарбия жараёнида муҳим омил эканлиги,
шунингдек таълим жараёнида ўқитувчининг субъект сифатидаги ролининг
ўрни ҳақида сўз юритилади.*

Таянч сўз ва атамалар: таксономия, ўзаро таъсир категорияси, илмий
методик ёндашув, мантикий-таҳлилий ёндашув, тарбиявий таъсир омиллари.

*В статье рассматриваются проблемы выполнения учебных заданий по тех-
нологии Б.Блума, психологическое взаимодействие учащихся и учителя как одной
из важнейших категорий процессов воспитания и обучения, а также роли учителя
как субъекта образовательного процесса.*

Ключевые слова: таксономия, категория взаимодействия, научно-методи-
ческий подход, логико-аналитический подход, фактор воспитательного воздей-
ствия.

*The given article deals with the problems of the fulfillment of educational assignments
using the taxonomy of B.Bloom, the psychological interaction of students and teachers as
one of the most important categories of the processes of upbringing and education, and
also the role of the teacher as the subject of the educational process.*

Key words: taxonomy, the category of interaction, scientific-methodological approach,
logical-analytic approach, educational factor.

Категория взаимодействия учителя и ученика является одной из осно-
вополагающих в педагогике. Наиболее активно эта категория исследуется в
связи с задачей анализа структуры воспитательных взаимодействий и на
уроках русской литературы. Приоритет развития и формирования личнос-
ти в сфере современного образования требует обновленной педагогики этого
процесса – педагогических основ. Прежде всего, в этом нуждаются обще-
образовательные школы – им необходима соответствующая учебно-мето-
дическая помощь, в первую очередь, учителям русской литературы.

Велика возможность школьного предмета – литературы в развитии, фор-



мировании и совершенствовании личности современного подрастающего поколения. Ни один предмет не может сравниться с эмоциональным воздействием на учащихся в той мере, в какой это доступно литературе и монографическим учебным материалам. В учебниках характеризуется личность писателей, помещаются их портреты. Однако тесты о личности писателей разбросаны и скупы, а портреты несут чисто иллюстративную функцию. Что и побудило нас на вербально-образное изучение – приятие личности писателей во взаимосвязи с текстовым материалом учебника – в целях усиления впечатления и более глубоких знаний учащихся о личности, богатом внутреннем мире писателя, в гармонии с внешним обликом. Но главным представляется перевод текстового учебно-литературного материала во взаимосвязи с художественным образом писателей на высокий уровень суждений учащихся – духовного, нравственного, идейного и мировоззренческого характера, обуславливающих всестороннее воспитание и целостное развитие учащихся.

Таксономия как система функционирует и развивается в учебно-воспитательном процессе. Отметим, что усвоение учебного материала по русской литературе, представляя сложный неоднородный процесс, включает взаимообусловленные этапы и характеризуется рядом особенностей, которые наиболее явно проявляются в формировании и развитии навыков, которые включаются в процесс развития обучающегося, формируются в ходе собственной деятельности обучаемого, связано с определением оптимальных условий, обеспечивающих формирование умения анализировать и создавать намеренно структурированный текст на основе усвоения студентами учебного материала, его категориальных признаков.

Изучение состояния конкретно интересующего нас вопроса в практике общеобразовательных школ показало, что портретный жанр изобразительного искусства используется, однако в большинстве случаев в наглядно-иллюстративных целях. Имеющиеся попытки педагогически действенного, научно-методического подхода не дают положительных результатов в более глубоком познании учащимися личности писателей, поскольку этот процесс не опирается на научно-аргументированные педагогические основы, новые технологии, инновационную методику, современное – новое педагогическое мышление.

В нашей педагогической, исследовательски-направленной практике, определяются педагогические основы использования портретного жанра изобразительного искусства в процессе внеклассного изучения литерату-



ры, важнейшими из которых считаем следующие: методолого-педагогическую установку; учет возрастных особенностей учащихся; цель и задачи; выделение содержания учебного материала во взаимосвязи и соотносительности с конкретно-портретным художественным образом писателя; система данного учебного процесса; педагогические принципы; требования к отбору портретов писателей; подготовка учащихся; процесс, его технология и методика; условия, оптимизирующие данный процесс; результат.

Методолого-педагогические положения (установки):

– изучение литературного материала во взаимосвязи с изобразительным (в их комплексе) – важный фактор всестороннего развития личности обучающихся;

– изучение учебно-литературного материала во взаимосвязи с изобразительным искусством требует новой технологии, оптимальных методов и приемов, соответствующих уровню современных педагогических задач.

Использование портретного жанра изобразительного искусства на уроках литературы, во взаимосвязи с текстом учебника, – средство более глубокого изучения личности писателя, фактор воспитательного воздействия на личность учащихся, особенно подростков. Приведем здесь некоторые этапы работы по выполнению учебных заданий, разработанных в соответствии с таксономией Бенжамина Блума.

Тема: А.А.Фет. Основные мотивы лирики

Цель урока: формирование у учащихся базовой компетенции «Умение учиться» с помощью техники «Карточки устного сообщения:

А. Изучи проблему, используя различные информационные источники.

Б. Отбери необходимую информацию.

В. Расположи информацию в порядке предполагаемого изложения.

Г. Определи основные вопросы, которые ты будешь излагать устно.

Д. Запиши вопросы на карточки.

Е. Изложи на карточке каждый вопрос в виде подробного плана.

Задачи урока: формирование составляющей компетенции «Как работать с текстом, данными, таблицами».

Тип урока: урок самостоятельного изучения нового материала

Форма урока:

· Урок самостоятельного выполнения учебных заданий, разработан-



ных в соответствии с таксономией Блума.

Оборудование: интерактивная доска, рабочие листы для каждого ученика с учебными заданиями, разработанными в соответствии с таксономией Блума.

План проведения урока:

Этапы урока	Временная реализация
I фаза: • Организационный момент	2-3 минуты
II фаза: • Выполнение учебных заданий, разработанных в соответствии с таксономией Блума	35 минут
III фаза: • Подведение итогов урока. • Самооценка, взаимооценка, оценка учителя.	5 минут

Ход урока

I фаза: Организационный момент:

– Создание учителем в начале урока положительного эмоционального настроя на работу:

(Вариант 1: комплимент каждому учащемуся;

Вариант 2: использование активного метода приветствия.

“Поздоровайся локтями» или «Найди похожих». Сообщение ученикам целей урока и форм организации их деятельности и формы оценивания. Учитель должен говорить на уроке не более 5-7 минут.

II фаза:

Выполнение учебных заданий.

Учащиеся получают рабочий лист с учебными заданиями, разработанными в соответствии с таксономией Блума.

Учебные задания могут формировать следующие навыки:

Репетитивные навыки	Когнитивные навыки	Поведенческие навыки
Задания 1-2 уровня	Задания 3-5 уровня	Задания 6 уровня

Под содержанием таксономии основных категорий в усвоении учебного материала следует видеть подлежащую восприятию систему понятий вместе со способами действий, посредством которых понятия и их система



формируются у студентов. Понятие — это знание о существенных отношениях между отдельными сторонами предмета или явления. Следовательно, для формирования понятия «художественный текст» необходимо прежде всего выделить категории текста, а так как они не даны в непосредственном восприятии, то нужно осуществить совершенно определенные, однозначные, конкретные действия по анализу художественного текста, для того чтобы текстовые категории проявились. Только выделив их, можно определить, в каких отношениях они находятся, но для этого надо ставить их в разные отношения, т. е. уметь менять отношения. Процесс формирования понятия «художественный текст» неотделим от формирования действий с текстовыми категориями, открывающими его существенные свойства.

Таким образом, на уроках литературы при выполнении учебных заданий, происходит восприятие изучаемого художественного текста, в соответствии с таксономией Бенжамина Блума, а именно, учащиеся учатся неординарно мыслить, оригинально рассуждать, что реализуется на основе определенной складывающейся или уже сложившейся мировоззренческой позиции учащегося. На этапах осмысления художественного текста у учащихся развиваются самостоятельное суждение, логико-аналитический подход к изучаемым явлениям, обогащение мировоззренческих ориентаций, формирование своих принципов, определение круга ценностей.

Литература:

1. Абдуллаева Ш.А. Педагогика. – Т.: Фан ва технологиялар, 2014.
2. Кларин В.М. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Сентябрь, 2011. – 116 с.
3. Levi Stross. The Taxonomy of Educational objective in Continental Europe-Universities Chikago, 2010.
4. www.ziynet.uz
5. www.pedagog.uz



МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ДАСТУРЛАШТИРИШ ВА МОДУЛ УСУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ф.М.ТОЖИЕВА,
ДДПУ ўқитувчиси п.ф.н.

Мазкур мақолада масофавий таълимнинг асосий ўқитиш воситалари – электрон дарслик ва қўлланмалар, компьютер ўқитиш тизимлари, аудио-видео ўқув материаллари ва бошқалар ҳақида сўз юритилган бўлиб, мана шу ўқитиш воситаларини яратишда уларга интерфаолликни амалга оширадиган ва таъминлайдиган механизмни жорий қилишга бориб тақаладиган муаммоларни ҳал қилади.

Таянч сўз ва иборалар: масофавий таълим, интерфаол, дастурлаш, ахборот, қуритма, моделлаштириш.

The article is devoted to the solution of one of the urgent problems of modern education - distance learning. The author solves such problems as the creation of such a mechanism in the educational process and touches on the ways of solving problems of implementing distance education.

Key words: distance learning, interactive, programming, information, equipment, modeling.

Статья посвящена решению одной из актуальных проблем современного образования – дистанционному обучению. Автор решает такие проблемы как создание такого механизма в образовательном процессе и затрагивает пути решения задач по осуществлению дистанционного образования.

Ключевые слова: дистанционное обучение, интерактивный, программирование, информация, оборудование, моделирование.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасалари учун ҳоҳ вербал, ҳоҳ электрон дарслик, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари асосан ўқитишнинг “синф-дарс” тизимини назарда тутиб яратилмоқда. Улар таълим бериш жараёнидаги асосий ахборот манбаи ҳисобланиб, бу жараён “бир томонлама” характерга эга. Аксарият бундай материалларда “тескари алоқа” механизми мавжуд бўлмаслиги туфайли, улар таълим жараёнининг интерфаол бўлишига монъелик қилади. Бундай ҳолатда интерфаоллик дарс жараёнида ўқувчи ва ўқитувчининг бевосита мулоқатига асосланган ҳолда, ўқитишнинг турли усуллари (ҳамкорликда ўқитиш, дидактик ўйинлар, муаммоли ўқитиш



ва бошқалар)ни қўллаб амалга оширилади.

Масофадан ўқитишнинг ютуқ ва афзаллик жиҳатларига тўхталмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, масофадан ўқитиш “синф-дарс” тизимини инкор қилиб, бунда ўқувчи “синф-дарс” тизимига асосланган ва ўқувчи тафаккурини ривожлантиришнинг, унинг билими чуқур ва пухта бўлишининг асосий омилларидан бири бўлган интерфаоллик ва уни юзага чиқарувчи шароитдан маҳрум бўлади. Бинобарин, фикримизча, масофадан ўқитишда интерфаолликни рўёбга чиқариш масаласи масофадан ўқитишнинг асосий дидактик муаммоларидан бири бўлиб қолади. Мазкур мақолада ушбу муаммони ҳал қилишнинг бир йўли устида мулоҳаза юритилиб, амалий тавсиялар берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, масофавий таълимнинг асосий ўқитиш воситалари – электрон дарслик ва қўлланмалар, компьютер ўқитиш тизимлари, аудио-видео ўқув материаллари ва бошқалар ҳисобланади. Бинобарин, масала, мана шу ўқитиш воситаларини яратишда уларга интерфаолликни амалга оширадиган ва таъминлайдиган механизм жорий қилишга бориб тақалади.

Масофадан ўқитишда таълим воситаларига қўйиладиган талаб, анъанавий ўқитиш тизимини назарда тутиб яратилган ўқитиш воситалари ҳамда ўқув материалларига қўйиладиган умумий дидактик талаб–тамойилларни сақлаган ҳолда, улардан ўқитиш усули, ўқувчини эгаллаган билими ва малакасини назорат қилиш усуллари ва шакллари, материалларнинг дизайни билан фарқ қилади.

Масофадан ўқитишга мўлжаллаб тузиладиган электрон дарсликлар ва қўлланмалар ўқитишнинг қандай усулларини назарда тутиб яратилган бўлиши мақсадга мувофиқ?

Педагогик амалиётда кенг қўллаб келинаётган дастурлаштириб ўқитиш, модуллаштириб ўқитиш, муаммоли ўқитиш, дифференциаллашган табақали ва лойиҳали ўқитиш усулларининг таҳлилидан масофадан ўқитишнинг ўқув адабиётларини (дарслик, ўқув қўлланма) яратишда ўқитишнинг дастурлаштирилган ва модуллаштирилган усулларидан фойдаланишни назарда тутиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўриш мумкин. Айнан ушбу икки усул устида батафсилроқ тўхталамиз.

Дастурлаштириб ўқитишда дастурлаштирилган ўқув материални ўқитиш воситалари (ЭҲМ, дастурлаштирилган дарслик, аудио-ви-



део тренажёрлар ва бошқалар) ёрдамида бошқариладиган ўзлаштириш тушунилади. Дастурлаштирилган ўқув материали маълум мантикий кетма-кетликда бериладиган нисбатан кичик-кичик порциялардан иборат ўқув ахборотлари сериясидан ташкил топади.

Ҳар бир “порция” ўқув материалини (ахборотни) ўзлаштирилганлиги ҳақида кечиктирмай амалга ошириладиган объектив назоратнинг талаб қилиниши дастурлашган ўқитишнинг характерли белгисидир. Ўқувчи томонидан ушбу “порция” ўқув материали ўзлаштирилганлиги ҳақида ахборот олингандан кейингина, у, навбатдаги “порция” ўқув материали билан танишишга қўйилади. “Порция” материал ўзлаштирилмаган тақдирда ўқувчи хато ва камчиликни тузатишга қаратилган ахборот манбаига қайтарилади.

Дастурлаштириб ўқитишнинг асосини дастурлаш ташкил қилиб, уларда ўрганишга мўлжалланган ўқув материалларидан ташқари, ушбу материалларни ўзлаштириш йўллари кўрсатилади, шунингдек, ўзини-ўзи назорат қилиш имкониятлари ҳам яратилади.

Бундай дастурлар дастурлаштирилган дарслик ёки ўргатувчи машиналар орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолда машинасиз дастурлаштириб ўқитиш, иккинчиси эса машинали дастурлаштириб ўқитиш дейилади. Лекин, иккала ҳолда ҳам уларнинг дидактик асоси ва амалга ошириш механизми бир хил.

Дастурлаш чизиқли ва тармоқли дастурлашга ажратилади. Чизиқли дастурлашда ўқувчи берилган ўқув материали “порция”сини ўзлаштириб, назорат саволига тўғри жавоб берган тақдирдагина, у навбатдаги “порция” материални ўрганишга ўтиши мумкин бўлади. Бунда ўқувчи тўғри жавобни ҳеч қандай кўрсатма ёки тушунтиришларсиз ўзи топиши ёки ифодалаши назарда тутилади.

Тармоқли дастурлашда ўқув материали чизиқли дастурлашдагига қараганда кўпроқ ахборотга эга “порция”ларга ажратилади. Ҳар бир кадрнинг охирида ўқувчига савол ва бу саволга биттаси тўғри бўлган бир қанча жавоблар тақдим қилинади. Ўқувчидан тақдим қилинган жавоблардан бирини танлаш талаб қилинади. Ўқувчи жавобни тўғриси кўрсатса, у кейинги “порция” материални ўрганишга ўтиши мумкин. Жавоб нотўғриси кўрсатган тақдирда, у, ушбу хато ёки камчиликни тушунтирувчи ва қаратилган “порция”даги тўғри жавобни то-



пишга имкон берувчи материални ўрганишга йўналтирилади. Бундай цикл ўқувчи тўғри жавобни топгунча давом этади. Таъкидлаш керакки, тақдим қилинадиган нотўғри жавоблар дастур муаллифи томонидан ихтиёрий-тасодифий равишда, шунчаки тузилган бўлмасдан маълум мантиқий ва маънога эга, шунингдек, ўқувчини нимада хато қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб тузилиши керак. Муҳими, бу жараён билан “масофавий интерфаоллик” амалга оширилади.

Тармоқли дастурлаш ҳар бир ўқувчининг имкониятлари ва унинг қўшимча тушунтириш ва кўрсатма берилишига бўлган талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, ўзига мос бўлган йўл билан янги ўқув материални ўзлаштиришга олиб келиш билан муҳим аҳамият касб этади. Натижада, ўқувчилар ўрганаётган материалларни турли индивидуал жадалликда ўзлаштириб борадилар. Дастурлаштириб ўқитишдаги ўзлаштиришнинг айнан мана шу индивидуал жадаллигини ўқитишнинг бошқа усулларида ҳисобга олиб бўлмайди.

Модуллаштириб ўқитиш усулида ўқув дастури автоном модулларга (ҳисмларга) бўлинган бўлади. Ўқув материаллари ҳам дастурдаги ҳар бир модулга мувофиқ равишда автоном модулларга (қисмларга) ажратилади. Модуллар қуйидаги компонентлардан ташкил топади:

- аниқ ифодаланган ўқув-таълимий мақсад;
- ахборот банки-ўқув материали;
- мақсадни амалга ошириш бўйича методик тавсия;
- қўйилган мақсадга адекват (мувофиқ) ҳолда ўтказиладиган назорат.

Ўқув предметининг умумий ҳажмига қараб модуллар 10, 15, 20 ва ундан кўп соат ҳажмига мўлжалланган бўлиши мумкин.

Энди масофадан ўқитиш учун дарслик ёки ўқув қўлланма яратишда ўқитишнинг дастурлаштирилган (машинасиз) ёки модуллаштирилган усулларида қайси бирини назарда тутиш ёки бу икки усул комбинациясини назарда тутиш масаласини кўриб чиқайлик.

Умуман олганда, агар юқорида изоҳланган дастурлаштириб ўқитиш билан модуллаштириб ўқитиш усуллари таққослайдиган бўлсак, модуллаштириб ўқитиш дастурлаштириб ўқитишнинг кенгайтирилган, ривожлантирилган кўриниши эканлигини англаш мумкин. Модуллаштириб ўқитишда ўрганиш учун ажратиладиган ўқув материаллари “пор-



ция”си каттароқ ва тегишли равишда назорат саволлари ёки топшириқлари энди битта эмас, ушбу материаллар ҳажмига қараб кўпроқ бўлиши мумкин. Гарчи, ўқитишнинг модуллаштирилган усулида дастурлаштириб ўқитишдаги “тескари алоқа” жараёни назарда тутилмаса ҳам, биз унда (модуллаштириб ўқитишда) ушбу жараён элементларидан фойдаланиш масаласини қараб чиқайлик.

Таъкидланганидек, модуллаштириб ўқитишда назорат саволлари ёки топшириқлари кўп бўлади. Ушбу савол ёки топшириқларни дастурлаштириб ўқитишдаги каби жавобларидан бири тўғри бўлган тест саволлари кўринишида тузиш ва ҳар бир саволга тўғри жавобни топмагунгача навбатдаги саволни қарашга ўтмаслик тавсия қилинади. Саволга тўғри жавобни излаш жараёнида тармоқли дастурлашдаги каби “тескари алоқа” механизми ишга тушади. Охирги саволга тўғри жавобни топиш билан модул ичидаги барча жараёнлар тугатилган ҳисобланиб, ўқувчи навбатдаги модулни ўрганишга ўтиши мумкин бўлади.

Баён қилинган ушбу усул ўқитишнинг дастурлаштирилган ва модуллаштирилган усуллари комбинациясидан иборат бўлиб, уни ўқитишнинг “дастурлаштирилган модул усули” деб аташ тавсия этилади. Баён қилинган схема асосида “дастурлаштирилган модул усулида ўқитишнинг машина вариантини ҳам ишлаб чиқиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, масофавий таълимнинг ўқув адабиётини яратишда ўқитишнинг “дастурлаштирилган модул усулининг машинасиз вариантини назарда тутиш тавсия қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ro‘zimurodov O. M., Haydarov T. Masafali o‘qitish texnologiyalari va tamoyillari. T., “Istiqlol”, 2006.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя. Т., 2000.
3. Аллаёров И.А. Дидактические основы активного обучения управленческим дисциплинам. Т., “Фан”, 1994.



TA'LIM TIZIMIDA OMMAVIY ONLAYN OCHIQ KURSLARIDAN FOYDALANISH

L.K.BAGBEKOVA,
TDPU o'qituvchisi
U.V. ALIYEVA,
TDPU talabasi

Ta'lim muassasalarida ta'lim olayotgan talabalarning bilim va ko'nikmalarni rivojlantirish, ularning tanlagan sohalarini egallashlari, talab darajasidagi yetuk mutaxassis bo'lib yetishishlari uchun ommaviy onlayn ochiq kurslarda mustaqil va ijodiy ishlarni samarali tashkil qilish, ushbu jarayonni yangi zamonaviy o'quv-uslubiy majmualar bilan ta'minlash dolzarb vazifalardan hisoblanadi.

Kalit so'zlar: MOOK, onlayn, elektron ta'lim, pedagogik texnologiyalar, o'quv jarayoni.

Организация самостоятельной и творческой деятельности на массовых онлайн курсах, обеспечение этого вида обучения эффективным современным учебно-методическим комплексом является актуальной задачей в формировании и развитии практических умений и навыков по изучаемым предметам, а также профессиональных умений и навыков по будущей специальности, формировании творческой личности студентов, обучающихся в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: MOOK, онлайн, электронные образования, педагогическая технология, образовательный процесс, мультимедийность.

Effective organization of independent and creative work in public online open courses for the students of higher education institutions to develop their knowledge and skills, to master their chosen field, to become qualified specialists of the required level, The provision of music facilities is one of the most important tasks.

Key words: MOOC, online, electronic educational, pedagogical technology, educational process.

Jahonning barcha oliy ta'lim muassasalarida oliy ta'lim sifati, ya'ni sifatli kadrlar tayyorlash hamma vaqt ham dolzarb masala bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi. Sifat masalasi, ayniqsa, XX asrning oxiri va XXI asrning boshlarida yana ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Istiqolning ilk kunlaridan boshlab yurtimizda ta'lim sohasiga yuksak e'tibor qaratilmoqda. Mamlakatimiz jahon hamjamiyatiga tobora keng kirib borayotgan bir sharoitda iqtisodiyotning turli tarmoqlarini modernizatsiyalash, jumladan, ta'lim jarayonida rivojlangan mamlakatlarning ilg'or tajribalaridan keng foydalanilmoqda.



Elektron ta'lim (ET) rivojlanishi ta'lim jarayoniga uning samarali tadbiq etilishi amaliyotini yanada kengaytirib, hozirgi zamon ta'lim paradigmasining rivojlanishida asosiy vektorlarni belgilab beruvchi zamonaviy tendentsiyalar va mavjud jahon tajribasiga diqqat bilan nazar solishni talab etmoqda. Bular orasida so'nggi 2–3 yilda ET rivojlanishining eng istiqbolli yo'nalishlaridan biri — OOOKlarning shakllanishi bo'ldi, ularning asosida esa ommaviy va barchaga teng imkoniyatlar mavjud bo'lgan ta'lim g'oyasi yotadi. OOOK — bu ommaviy ochiq onlayn kurslar (ingliz. — Massive Open Online Course, MOOC) bo'lib, ular jahonning ko'plab universitetlari tomonidan Yer sharining istalgan nuqtasida bo'lgan har qanday insonga masofaviy texnologiyalar yordamida professor-o'qituvchilar va yuz minglab talabalar (kurs tinglovchilari)ga erkin muloqotni tashkil qilish imkoniyatini beruvchi akademik kurslarni taqdim etadi.

OOOKning keng tarqalishi masofaviy texnologiyalardan maksimal foydalangan holda yangi ta'lim paradigmasining shakllanishiga va yagona transmilliy axborot-ta'lim muhiti yaratilishiga olib keladi. Hozirda Coursera loyihasi ishga tushgandan boshlab elektron ta'limning mashhurligi nihoyatda oshib ketdi. Shu bilan birga, onlayn-kurslarning sifati ham oshgan, uzluksiz ravishda texnologiyalar takomillashib bormoqda, materialni o'zlashtirish va foydalanish uchun qulay bo'lgan universal virtual muhitni yaratishga yordam beradigan turli ilovalar va platformalar ishlab chiqilmoqda.

Onlayn o'qitishning ta'lim tizimida bir-biridan farqlanuvchi model va shakllari mavjud bo'lib, ular quyidagi qo'llanish shartlari bilan farqlanadi:

- geografik shartlar (masalan, mamlakat territoriyasi, markazdan uzoqlikda joylashuvi, iqlimi);
- mamlakatning axborotlashuvi va kompyuterlashtirish umumiy darajasi;
- kommunikatsiya va transport vositalarining rivojlanish darajasi;
- ta'lim jarayonida axborot va kommunikatsiya texnologiyalari vositalarining qo'llanish darajasi;
- ta'limda qo'llaniladigan an'analari.

Onlayn o'qitish tizimi uchun ilmiy pedagog kadrlar mavjudligi va ularning salohiyati va boshqalar.

OOOKning asosiy xususiyatlari ta'limning uzluksizlik va shaxsga yo'naltirilgan tamoyillarini amalga oshirish, tushunish uchun qulay bo'lgan shaklga keltirib, zamonaviy ilmiy g'oyalarni keng targ'ib etish kabi vazifalar bilan bog'liq:



1) ommaviylik, ya'ni kurs tinglovchilari soni cheksizligi;

2) ochiqlik, ya'ni istagan kishiga, unga qulay joyda va vaqtda bilimlarni bepul berishi;

3) kurslarning yaxlitligi, ya'ni kurslar nafaqat o'quv material parchalari, balki amaliy mashg'ulotlar, kommunikatsiya, olingan bilimlarni nazorat qiluvchi materillarni o'z ichiga oladi;

4) kurs muvaffaqiyatli o'zlashtirilganda sertifikat olish imkoniyati.

Onlayn-kurslarda o'qish natijalarini hisobga olish bo'yicha harakatlar AQSHda kuzatilmoqda. U yerda Amerika ta'lim kengashi universitetlar mutaxassislari tomonidan ishlab chiqilgan va AQSH kollejlari hisobga olish uchun tavsiya qilingan 5ta kursni ma'qulladi. Kurslar yakunida real vaqtda videokonferensiya rejimida akkreditatsiyadan o'tgan imtihon xizmati yordamida onlayn-imtihon o'tkaziladi. Yevrokomissiya ham VMPass loyihani virtual mobillik va ochiq ta'lim resurlar bo'yicha o'qishni, onlayn-mashg'ulotlarni real mashg'ulotlarga tenglashtirish, OOOK bo'yicha attestatsiya natijalarini rasmiy o'qish dasturlariga, shu bilan bir qatorda, universitet dasturlariga kiritishni qayta hisoblash imkoniyatini beruvchi o'qish pasporti yordamida tan olinishini ma'qulladi. Loyiha onlayn-ta'limni an'anaviy ta'limga tenglashtirish va ularning diplomlarini teng ahamiyatli qilishni taklif etadi. Massachusetts texnologik instituti va Garvard universitetlari tomonidan yaratilgan edX platformasida bilimning turli sohalari bo'yicha 300 dan ortiq kurslar joylashtirilgan. Bugungi kunda 2011–2012 yillarda AQSHda start olgan, uchta platforma Coursera, EdX, Udacitylar auditoriyasi millionlab insonlarni o'z ichiga qamrab oladi, ammo boshqa davlatlarda OOOK vositasida ta'limni amalga oshiruvchi o'xshash loyihalar paydo bo'lmoqda.

Ommaviy ochiq onlayn kurslarda o'qitish o'qituvchi bilan o'quvchi ma'lum bir masofada joylashgan holda ta'lim berish tizimidir. Bunda o'qituvchini dars jarayonida kompyuterlar, sun'iy yo'ldosh aloqasi, kabelli televideniye kabi vositalar asosida tashkil qilishini talab qiladi.

Ommaviy ochiq onlayn o'qitish:

- ochiq ta'limning zamonaviy shaklidan iborat;
- kompyuterli ta'limni foydalanishga qaratilgan;
- o'qituvchilar va boshqa o'quvchi (talaba)lar bilan faol muloqat qilish uchun zamonaviy - kommunikatsiya texnologiyasidan foydalaniladi.

Ochiq ta'lim, odatda tinglovchilar o'zlariga qulay tartiblarda kutubxonalar va kompyuter sinflarda ishlash, tyutor bilan maslaxatlasha oladigan o'quv



markazlarning keng tarmog'iga ega bo'ladi. Aniq predmet bo'yicha faol muloqot odatda talaba qatnashadigan seminarlarda amalga oshiriladi. Onlayn o'qitish, o'qitishning ochiq shakli bo'lib, unga nisbatan aniq afzalliklarga ega.

Bosh afzalligi - onlayn o'qitish o'quvchilarning o'zlariga yanada ko'proq yo'naltirilgan bo'lib, tinglovchilarga o'qish uchun maksimal qulay sharoit yaratadi, u vaqt va fazoviy chegaralardan to'la ozod qiladi.

OOOK formatidagi kurslar uzviy bog'langan ma'ruzalar, olingan bilimlarni nazorat qiluvchi test va topshiriqlar, o'qituvchi va talabalar o'rtasida maxsus internet-maydonchada doimiy muloqotni hamda eng yaxshi talabalarni aniqlash uchun yakuniy imtihon o'tkazishni o'z ichiga olgan va interaktiv masofaviy o'quv jarayon o'tkazish uchun mo'ljallangan. OOOKda tinglovchilar o'zaro muloqotiga ko'p e'tibor beriladi, masalan, forumlar orqali, onlayn va shaxsan muloqot qilish, ma'ruzalarni birgalikda ko'rish va b. Ochiq onlayn-kurslarda o'qish jarayonida o'quv kursining jadvali bo'yicha topshiriqlarni o'z vaqtida bajarish majburiy hisoblanadi. Ommaviy onlayn ta'limning rivojlanishiga bir qator omillar to'sqinlik qilmoqda: buni masalan, ular orasida tinglovchilarning o'qishga bo'lgan past motivatsiyasi, turli mamlakatlar ta'lim tizimlarida farqlarning mavjudligi, ko'pgina OOOKlar ingliz tilida ishlab chiqilganligi, OOOKni oliy ta'lim dasturlariga kiritib qo'yish mexanizmlarining yo'qligi; ish beruvchilar va boshqa o'quv muassasalari uchun ahamiyatga ega ta'lim olganlikni tasdiqlovchi hujjatning yo'qligida, va h.k.

Ommaviy ochiq onlayn kurslarda o'qitish o'qituvchi bilan o'quvchi ma'lum bir masofada joylashgan holda ta'lim berish tizimidir. Bunda o'qituvchini dars jarayonida kompyuterlar, sun'iy yo'ldosh aloqasi, kabelli televideniye kabi vositalar asosida tashkil qilishini talab qiladi.

Foydalanilga adabiyotlar:

1. Otaqoziyeva Z., Hamidov V. Oliy ta'lim muassasalarida ommaviy onlayn ochiq kurslardan foydalanish imkoniyatlari. 2015 y.
2. Xamdamov R., Begimqulov U., Taylaqov N. Ta'limda axborot texnologiyalari. 1-qism. – T.: 2010y 11,22,38,44-b.
3. "The pedagogy of the Massive Open Online Course: the UK view. Sian Bayne and Jen Ross, the University of Edinburgh".



ELEKTRON TA'LIMNING ASOSIY RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

Sh.B.O'ROQOVA,

TDPU o'qituvchisi

Abdug'aniyeva M.TDPU talabasi

Elektron ta'lim resurslari zamonaviy o'quv mashg'ulotinig ajralmas qismidir. Elektron ta'lim tez o'zgaruvchan dunyoda, bugungi kunda o'rganilayotgan kursni yangi va qiziqarli qilish, kurs mazmunini doimo o'zgartirish, shuningdek talabalarga eng oxirgi axborotni olish imkonini berishi uchun tez yangilash imkonini beradigan texnologiyalar qulaydir.

Kalit so'zlar: elektron ta'lim, elektron ta'lim resurslari, pedagogik texnologiyalar, o'quv jarayoni, multimedia.

Ресурсы электронного обучения являются неотъемлемой частью современного обучения. Электронное обучение – это быстрый и меняющийся мир, который делает курс новым и захватывающим в наши дни, постоянно меняет содержание курса, а также предоставляет студентам самую последнюю информацию. Технология, которая позволяет быстро обновлять

Ключевые слова: электронные образования, электронные образовательные ресурсы, педагогическая технология, образовательный процесс, мультимедийность.

E-learning resources are an integral part of modern learning. E-learning is a fast and changing world, making the course new and exciting nowadays, continually changing course content, and also providing students with the latest information. The technology that lets you quickly update

Key words: electronic educational, electronic educational resources, pedagogical technology, educational process, multimedia.

Bugungi jamiyat ilm-fan jadal taraqqiy etayotgan, axborot oqimlari shiddat bilan ko'payib borayotgan, zamonaviy axborot-kommunikatsiya vositalari keng tarqalgan jamiyat bo'lib, bu jamiyatda turli fan sohalarida bilimlarning tez yangilanib borishi, ta'lim oluvchilar oldiga ularni jadal egallash bilan bir qatorda, muntazam va mustaqil ravishda bilim olish vazifasini qo'yimoqda.

Elektron ta'lim – bu tez rivojlanuvchi soha hisoblanadi, uning rivojlanishi 1980 yillardan keyingi yillardan (masofadan o'qitish va televidion kurslar shaklida) boshlangan [2].

Texnologiya shunchalik tez rivojlandiki, geografik farqini o'zingizni auditoriya



ichida his qiladigan darajada namoyon qiladigan instrumentlar yordamida ko'rish mumkin. Elektron ta'lim video, slayd-shou, Word va PDF hujjatlari ko'rinishidagi turli formatdagi materiallar bilan tanishish imkonini beradi. Webinarlarni o'tkazish va o'qituvchilar bilan muloqotda bo'lish foydalanuvchilarning o'zaro hamkorlikda faoliyat olib borish imkoniyatlaridan biri bo'lgan chat va forumlar orqali amalga oshiriladi.

Ko'plab turli E-Learning tizimlar (bugungi kunda ma'lum bo'lgan o'qitishni boshqarish tizimi yoki LMS sifatida) va online kurslar etkaza olish imkoniga ega bo'lgan metodlari mavjud.

Instrumentlar yordamida on line kurslarni va avtomatik adaptiv testlarni yaratish uchun materiallar to'plami kabi turli jarayonlar avtomatlashtirilgan bo'lishi mumkin. Elektron ta'lim o'quvchilarga ta'limning hayot tarziga aylantirish imkonini beradigan qulay (ko'p hollarda bepul) echim hisoblanadi. Bunda xattoki band bo'lganlar ham keyingi ishlash faoliyatini rivojlantirish va yangi malakalarni olish imkonini beradi.

Ta'lim sohasidagi muhim hodisalardan ayrimlari internet paydo bo'lgandan keyin sodir bo'ldi. Bugungi kunda o'quvchilar smartfonlardan foydalanishni, matnli xabarlarni jo'natishni va internetdan foydalanishni yaxshi bilishadi, shuning uchun on line kurslar bilan ishtirok etish va ishlash oddiy ish hisoblanadi. E'lonlar taxtasi, ijtimoiy tarmoq va kommunikatsiya internetining boshqa turli vositalari o'quvchilarga online kurslarda bo'lishi va o'rganilayotgan kursga bog'liq bo'lgan masalalarni umumiylik hissini ta'minlagan holda, muhokama qilish imkonini beradi.

Elektron ta'limning tez o'zgaruvchan dunyoda, bugungi kunda o'rganilayotgan kursni yangi va qiziqarli qilish, kurs mazmunini doimo o'zgartirish, shuningdek talabalarga eng oxirgi axborotni olish imkonini berishi uchun tez yangilash imkonini beradigan texnologiyalar qulaydir.

Umuman, an'anaviy o'qitish juda qimmat bo'ladi, ko'p vaqt talab etadi va natijasi farqlanadi. Elektron o'qitish tez bo'ladi, anchagina arzon va potensial tarzda yaxshi bo'lgan alternativani taklif etadi.

«Elektron ta'lim» atamasi 1999 yildan beri mavjud. Ushbu atama bilan birga «onlayn-ta'lim» hamda «virtual ta'lim» atamalari paydo bo'lgan. Shu bilan birga elektron ta'lim asosidagi prinsiplar butun tarix davomida yaxshi hujjatlashtirilgan va elektron ta'lim XIX asrda beri mavjudligi to'g'risida dalillar mavjud [3].

Internet ishga tushishidan ancha oldin talabalarga ayrim fanlar yoki ko'nikmalar bo'yicha ta'limni taqdim etish uchun masofadan o'qitish tashkil etilgan.

Kompyuter va Internet paydo bo'lishi bilan XX asrning oxirida, elektron



ta'lim instrumentlar va etkazib berish usullari kengaytirilgan. 1980 yillarda birinchi MAS jismoniy shaxslarga uylarida shaxsiy kompyuterga ega bo'lish imkonini berdi, o'z navbatida alohida predmetlar to'g'risida bilish va alohida ko'nikmalarni rivojlantirish imkonini beradi. Keyin keyingi o'n yillikda onlayn-axborotning ko'p miqdoridan foydalana olish va elektron ta'lim uchun katta imkoniyatlarga ega bo'lish imkonini beradigan o'qitishning virtual muhiti rivojlana boshlandi [4].

Axborot-ta'lim muhiti bu yangi darajadagi pedagogik tizimdir. ATM tushunchasining bir qator ta'riflari mavjud. Ushbu yondashuvning bitta varianti deb «Axborot-ta'lim muhiti bu pedagogik tizim plyus uning ta'minoti, ya'ni moddiy-texnik, moliyaviy-iqtisodiy, normativ-huquqiy, boshqaruv va marketing quyi tizimi» deb qarash mumkin.

Barcha ATM nazariy yadrosi bo'lib pedagogik tizim hisoblanadi. ATM deb ataladigan yangi tashkil qilingan pedagogik jarayonlar tadqiq qilinadigan pedagogik fanning yangi yo'nalishi to'g'risida gapirish mumkin. Bunga «Elektron pedagogika» deb nomlanadigan yangi yo'nalish kiradi.

Elektron ta'limdan maksimal tarzda umumli foydalanish uchun o'qituvchi va talaba internetdan olinadigan ko'plab resurslardan foydalanishi kerak. Axborotdan foydalana olish imkonini beradigan yuzlab onlayn servislar mavjud, masalan, Vikipediya. Instruktorlar onlayn materiallarining mazmuni va tarkibini oshirish uchun imkoniyatlardan foydalanishlari yoki talabalarni qo'shimcha web-resurslarga yo'naltirishlari kerak.

Elektron ta'lim talabalarga istalgan joyda va istalgan vaqtda o'qish imkonini beradi. Istalgan joydan, kompyuter yoki mobil qurilma bo'lgan va internetga ulangan joydan, ya'ni uyda, dam olishda yoki ish o'rtasidagi tanaffusda o'qish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev "2017-2021 yillarda O'zbekiston rivojlanish bo'yicha Xarakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmoni// O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlatlari to'plami-T.2017-B.39

2. Захарова, И. Г. Информационные технологии в образовании: учеб. пособие / И. Г. Захарова. - 2-е изд., стереотип. - М.: Академия, 2005. - 192 с.



БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

У.Б.БАХОДИРОВА,
НавДПИ ўқитувчиси

Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида биология фани ўқитишдан виртуал таълим технологияларини қўллаш муаммолари ва уларнинг имкониятлар ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: биология, ахборот-коммуникацион технология, виртуал таълим технология, интерактив дастурий восита.

В данной статье рассматриваются проблемы использования технологий виртуального обучения и их возможности в преподавании и обучении.

Ключевые слова: биология, информационно-коммуникационные технологии, технологии виртуального обучения, инструмент интерактивного программирования.

This article discusses the problems of using virtual teaching technologies and their opportunities in teaching biology subjects in the system of continuous education.

Key words: biology, information and communication technology, virtual learning technology, interactive programming tool.

Узлуксиз таълим тизимини ислоҳат қилиниши, электрон дарсликлар, интерактив ўқув-услубий мажмуалар, электрон таълим ресурслари, виртуал таълим технологиялари, компьютер дастурлари, телевизион ва радио ўқув курсларининг жадал ривожланиш шароитида юзага келиб, у АҚШ, Европа ва Осиёнинг ривожланган давлатларида ананавий таълимнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган.

Электрон ўқитиш воситаси, жумладан, виртуал таълим технологиялари интерактив ахборот бошқарувини таъминлайди. Бунда, турли хил гиперматнли, овозли, маърузалар, виртуал лабораториялар, электрон назорат қилиш тизимлардан фойдаланиш орқали мустақил таълимни ташкил этиш ва фанга бўлган қизиқишини ҳамда бўш вақтини унумли ўтказиши учун муҳим восита ҳисобланади.

Биология туркумига кирувчи фанларнинг ўқитишда виртуал таълим технологиялари асносида ўқитувчи, ўқувчи ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳурмат қислари шаклланади. Анъанавий таълим турида кўпинча ўқитувчи асосий билимлар манбаи сифатида қабул қилинади ва берилаётган билимнинг тўғрилигига ҳеч ким шубҳа қилмайди, бу эса ўқувчи ва талабалар томонидан фақат ўқитувчи берган маълум-



мотлар билан чекланиб қолиб, пасив ўзлаштирилишига олиб келади (маълум миқдордаги маълумотнигина эсда сақлаб қолиш). Биология таълими жараёнида ўқувчи ва талабалар томонидан фақат тайёр маълумотларни ўзлаштириб олиши, уларда мустақил фикрлайдиган, ўз ҳатти-ҳаракатларини англаб ва уларга жавоб бера оладиган шахсни эмас, балки итоаткор шахсни ривожлантиради. Ушбу муаммоларни бартараф этишнинг асосий усулларида бири, бу ўқувчи ва талабаларнинг замонавий АКТларидан, виртуал таълим технологияларидан ҳамда глобал Интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини ривожлантиришдан иборат.

Е.В.Титов [2; 11-6.] биология таълимида ахборотлаштириш муаммоларини ҳал этиш учун қуйидаги техник ва педагогик дастурий воситалари бўлиш кераклиги ҳақида фикр юритган:

- компьютер, рақамли овоз ёзиш, рақамли камера, рақамли видео камера, телевизор тунер, сканер, прожектор экрани, телевизор, мультимедиа проектор, интерфаол карта, принтер, модем;

- биология фанини мустақил ўрганиш учун автоматлаштирилган таълим тизими – бутунликни қамраб олган электрон дарсликлар, шу жумладан, дидактик равишда тузилган контент мос ёзувлар модули (маълумотлар баъзаси), автоматик бошқарув ва ўқув модуллари;

- аудио, видео ва график учун мультимедиа тақдимотлар;

- виртуал лаборатория ишларига мўлжалланган компьютер синфлари;

- яқка тартибда ўрганиш жараёнида барча турдаги ўқув фаолиятини таъминлаш учун компьютерлаштирилган ўқув-услубий мажмуалар;

- катта қисмни ўзлаштириш учун компьютер курслари;

- ўқув жараёнидан ташқари ўқув машғулотларини қўллаб-қувватлаш учун масофавий таълим воситалари.

Г.Эргашева интерактив дастурий воситалардан биология таълими амалиётида самарали фойдаланиш учун қуйидагиларга эътибор қараши зарурлиги ҳақида фикр юритган [1; 164-6.]:

- талабаларни биологиядан интерактив дастурий воситалар тайёрлаш кўникмаларини босқичма-босқич шакллантириб бориш;

- дастлаб, тайёр интерактив воситалар билан ишлаш, сўнгра тақдимотлар тайёрлаш, интерактив тестлар, топшириқлар устида ишлаш дидактик воситалар кўламини кенгайтириш;

- мураккаб таркибли интерактив дастурий воситалар билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- интерактив технологияларга асосланган дарс ишланмалари лойи-



ҳалаш малакасини эгаллаш;

- интерактив дастурий воситалардан ижодий ёндашув асосида самарали фойдаланиш.

Биология фанидан виртуал таълим технологияларининг афзалликларидан бири мустақил таълим олишни, ижодий фикрлашни, малака ва кўникмаларни шакллантириш орқали ўқув материаллари ва илмий маълумотларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштирилишига мўлжалланганлигидадир. Шунингдек, ушбу турдаги адабиётлар, илмий маълумотларнинг жамланганлиги, кўргазмаларга бойлиги, яъни, турли хил анимациялардан фойдаланганлиги, таълим олувчиларнинг ёши ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олганлиги билан анъанавий ўқув адабиётларидан афзалроқдир.

Илмий изланишларимизнинг таҳлил натижаларига кўра бугунги кунда биология таълими жараёнини ўқитиш бўйича педагогик муаммоларнинг ечими қуйидаги асосий вазифаларни бажарилишига боғлиқ эканлиги маълум бўлди:

- фаннинг мақсади ва вазифаларини эътиборга олган таълим мазмунини танлаш;

- талабаларнинг ёши, психологик ва эргономик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фандаги асосий ғоя, назария, тушунча, қонуниятларни ажратиш;

- биология фани ўқитувчиларда АКТ соҳасида етарли даражада малакасини шакллантириш;

- биология фанини ўқитишда анъанавий усуллардан воз кечиб, янги замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш (электрон таълим ресурслари, виртуал таълим технологиялари, интерактив ўқув-услубий мажмуалар, электрон дарсликлар, булутли технологиялар, электрон тренажёрлар);

- айрим мураккаб жараёнларни ва кимёвий ҳодисаларни намойиш этишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш;

- талабаларда фанга нисбатан мотивацияни ривожлантириш;

- талабалар мустақил равишда лаборатория ишларини олиб бориши учун виртуал лабораторияларни яратиш;

- талабаларни Интернет технологиялари ҳамда тармоқда жойлаштирилган таълим порталлари, виртуал таълим платформаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш.

Биология фанидан виртуал таълим жараёни ўқитувчи, ўқувчи ва талабалар ўрганилаётган объектларни одатий ўзаро муносабатларида



юзага келиши мумкин бўлган таълим шаклларида бири бўлиб, унинг афзалликлари шундан иборатки, бунда профессионал мулоқотни ўрганиш, таълим жараёнини жадаллаштириш, ўқитишни такомиллаштириш, моделлаштирилган жараёнларни визуаллаштириш, ҳар бир ўқувчи ва талабани фаол вақтини кўпайтириш, фанга оид мураккаб жараёнларни, ходисаларни кўринишни таъминлаш имкониятига эга бўлади. Натижада қуйидагиларга эришиш мумкин [3; 10-б.]:

- моделлаштириш орқали билиш фаолиятини ташкил этиш;
- мультимедиа иловалари билан оддий ҳолатини таққослаш;
- таълим натижаларнинг автоматлаштирилган мониторинги;
- маълумотларни тақдим этиш имконияти;
- ижодий фикрлашни ривожлантириш;
- визуал ва овозли ўқув дастурларни бирлаштириш.

Узлуксиз таълим тизимида биология таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида замонавий виртуал таълим технологияларини кенг жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин [4; 39-б.]. Бунда ҳақиқий объектларни ўзаро таъсир натижасида ифодаланиш имконига эга бўлади.

Биология фанидан дарслар олиб бориладиган ўқув хоналарида барча керакли кўргазмали қуруллар, компьютер технологиялари билан жиҳозланиши, фанга оид манбаларни техника воситаларидан, ўқув фильмларини, кўрсатиш учун телевизор, видео кўзгу, табиий жараёнларни кўрсатувчи ҳар хил воситалар бўлиши зарур. Тадқиқот давомида, юқорида қайд этиб ўтилган кўргазмали қурулларнинг асосий қисми йўқлиги, бори ҳам давр талабига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бу муаммонинг ижобий ечими, ўқув жараёнида глобал Интернет тармоғига мўлжалланган виртуал таълим технологияларни татбиқ этиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ушбу технологияни қуйидаги имкониятларга эга:

- ўқувчи ва талабанинг мотивациясини шакллантиради, диққатини жалб қилади, унинг қизиқишини уйғотади;
- ўқувчи ва талабанинг Интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини ривожлантиради;
- олинган билимларни интерактив усулда назорат қилиш имкони мавжудлиги, ушбу усулда ўқувчи ва талабанинг билимини объектив баҳолаш;
- ахборотларни замонавий усулда мультимедиа ва анимация воситалари ёрдамида тўлақонли ёритиш;
- ўқитувчи, ўқувчи ва талабалар билан виртуал таълим муҳитда, булутли хизматлар орқали мулоқот қилиш;



- ўқитувчи, ўқувчи ва талабалар ўртасидаги маълумотларни узатиш тезлиги, ўрганиш фаолятининг турли жиҳатлари бўйича фикр алмашиш имконини берадиган виртуал гуруҳларни ташкил қилиш;
- кўргазмали материаллардан фойдаланиш;
- табиий жараёнларни ва ҳодисаларни чиройли тартибда намоиш қилиш;
- янги мавзуни кенг ҳажмда ўрганилиши билан бирга ўрганилаётган мавзунинг ўзлаштириш даражасини ошириш;
- фойдаланишдан келиб чиққан ҳолда виртуал таълим муҳити, узлуксиз таълимни ташкил этади, шунингдек, ўқитувчилар, ўқувчилар ва талабалар ўртасида ахборот олиш имконияти кенгайди;
- ўқувчи ва талабалар билимини баҳолашни автоматик равишда бажаради, бу эса биринчидан, вақтни тежаш, иккинчидан, ўқувчи ва талабанинг бажарган ишига объектив баҳолайди.

Хулоса қилиб айтганда, узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ва талабаларнинг биология туркумига кирувчи фанларни ўқитишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш, фанга бўлган қизиқишини, ижодий фаоллигини ва тафакқурини ривожлантиришга ҳамда бўш вақтини унумли ўтказишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эргашева Г. Биология таълимида интерактив дастурий воситалардан фойдаланишнинг амалий самарадорлиги // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. – Тошкент, 2017– № 1. – Б. 162-167.
2. Титов Е.В. Методика применения информационных технологий в обучении биологии // учеб, пособие для студ. учреждений высш. проф. образования – М.: Издательский центр «Академия», 2010. – 176 с.
3. Кравченя Э.М. Информационные и компьютерные технологии в образовании // Учебно-методическое пособие. – Минск, 2017. – 172 с.
4. Sorgo A. Information and Communication Technologies (ICT) in Biology Teaching in Slovenian Secondary Schools // Eurasia Journal of Mathematics, Science & Technology Education, 2010, 6(1), – с. 37-46.



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРГА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”ГА ҚАРШИ МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ БЕРИШ ҲАҚИДА

Р.Х.ДЖУРАЕВ,

педагогика фанлари доктори, ЎзРФА академиги,

М.Э.ИНОЯТОВА,

педагогика фанлари номзоди, к.и.х.

Оммавий маданият кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шавкат Мирзиёев

Мақолада узлуксиз таълим тизимида ўзбек халқи маънавий-педагогик меросидан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: Шарқ алломалари, шахс, маънавий-педагогик мерос, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб.

In article use problems in educational process of spiritual and moral heritage of great scientists-teachers are covered, and also methodical recommendations about this question are made.

Keywords: *heritage, moral, spirituality, education, development, self-education.*

В статье раскрыто значение использования духовно-педагогического наследия узбекского народа в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: *мыслители Востока, личность, духовно-педагогическое наследие, обучение, воспитание, нравственность.*

Ёшлар маънавиятига хавф солаётган шундай мафкувий тақдидлар мавжудки, ёшларда шундай иллатларга қарши иммунитетни таркиб топтиришга таълим тизимининг барча босқичларида етарлича эътибор қаратиш зарур. Аввало, таълимнинг бирламчи воситаси ҳисобланган дарсликларда, хусусан, ижтимоий фанларга оид “Одобнома” (бошланғич синфлар), “Конституция алифбоси” (бошланғич синфлар), “Ватан туйғуси” (5-6-синфлар), “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” (7-9-синфлар) ҳамда коллеж ва лицейларда ўқитиладиган ижтимоий цикл ўқув предметлари бўйича дарсликлар учун зарур ўқув материалларини танлашда бунга аҳамият бериш ло-



зим. Шу ўринда ёшлар мафкураси оўқор тақдид солаётган “Оммавий маданият” тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиздир

“Оммавий маданият” номи билан ҳаётимизга кириб келган, ёш авлод таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган факторнинг илдизи бирмунча чуқур бўлиб, баъзи ёшлар “оммавий маданият”ни замонавийлик, эркинлик ва ўзликни намоён этиш деб ҳисоблаб адашадилар.

“Оммавий маданият” ташқаридан кўрингандек, жўшқинлик, шўхлик, қувноқ ҳаёт тарзи, бир сўз билан айтганда, ёшликнинг ўзига хос тарзда намоён бўлиши эмас, балки “ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли тақдидлар”дир (Ислом Каримов).

“Оммавий маданият” ёшларни ҳаётга енгил-елпи қараш, бойлик ортидан қувиш ва усти ялтироқ, негизи пуч нарсаларга ружу қўйиш, ота-онанинг топганини турли гою-ҳаваслар йўлида аямай сарфлаш, исрофгарчилик, ўзгалар ҳисобига яшашдан ор қилмаслик, ўз “эго”сини барча нарсадан устун қўйишга ўргатувчи ўзига хос кучли саноат ва мафкура машинасига айланиб улгурди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами ни юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” маърузасида адабиёт, санъат, маданият вакиллари ҳамда таълим-тарбия олдида турган долзарб вазифаларни таъкидлар экан: *“Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Фарбдан кириб келади, десак қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган кўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.*

Энг ёмони, бадий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда.

Биз “жаҳолат” деганда одатда диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётий жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта



оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда...

Айни вақтда маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди’, - деб уқтиради [1].

Оммавий маданиятни тарғиб этишда интернет сайтлари алоҳида ўрин тутати. Сабаби маълумот тарқатишнинг осон ва назоратсиз йўли интернетдир. Ундан савияси ва мафкураси турлича бўлган кўплаб кишилар фойдаланадилар.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирда Интернет тармоғида болалар порнографиясини тарғиб қилаётган сайтларнинг сони 4 миллиондан ортиқ экан. Ким учундир эрмак, ким учундир даромадли бизнесга айланган бу жиноят, афсуски, бизнинг мамлакатимизга ҳам кириб келмоқда. Хоҳлаган одам уйда ёки Интернет кафеда ўтириб, бундай сайтларни истаганча томоша қилиши, «завқ» олиши мумкин.

Қонунчилигимизда нафақат порнографик фильмлар, балки ижтимоий хавфли ҳар қандай кўринишдаги материалларнинг тарқатилишига қарши жазо чоралари тайинланган. Жумладан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 167-моддасига асосан «Порнографик мазмундаги асарлар, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари, кино-видеофильмлар, телерадио дастурлар, видео ва овоз ёзувли материаллар, кино-фото материаллар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, мазкур материалларни, шунингдек уларни тайёрлаш ва тарқатиш воситаларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади». Жиноят кодексининг 129-моддасига кўра, шахснинг ўн олти ёшга тўлмагани айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Мазкур кодекснинг 130-моддасига асосан намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек, уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз



бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади[2].

Бир қарашда кўзга чиройли кўринган, лекин ортида бузуқ мафкура, нотўғри тарбия яширинган тадбирлар, сайилгоҳлар, дискотекалар, нафақат ёшларни, баъзан ҳатто катталарни ҳам ўз домига тортиб кетишга қодирдек туюлади. Чунки кундалик газета ва журналлар, ёшлар учун мўлжалланган телекўрсатувлар, эстрада жанрида яратилаётган ва ёшлар севиб тинглайдиган кўшиқларга ҳам унинг ўзига хос таъсири соя солмоқда. Энг ёмони, у мана шундай “чиройли” ва “беозор” қиёфда ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мактаб ўқувчисига хавф солаётган оммавий маданият кўринишлари қандай ва у нималарни қамраб олади? Бизнингча, унинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- кийиниш маданиятига зид супер модадаги кийимлар: улар қаддан зиёд тор, калта ёки аксинча жуда узун бўлса-да, энги йўқ, умуман олганда, миллий менталитетимизга ёт кийиниш тарзидир;

- ён томони қирилган, ҳўрознинг тожиги ўхшатиб бир тутами қизил рангга бўялган соч турмаклари; аксарият ўз ғайратлари ва саъй-ҳаракатлари, одоб-ахлоқлари орқасидан ҳеч нарсига эриша олмаган ёшлар мана шундай арзон “ҳашам” билан бошқалардан ажралиб, диққат марказида туришга интиладилар;

- қимматбаҳо қўл телефони, телефонда болалар ёшига мос келмайдиган ўйинларни ўйнаш, томошаларни кўриш, хабарларни ўқиш имкониятининг юзага келиши ва ҳ.к. Ушбу телефонни тутиш орқали ҳосил бўлаётган манманлик ёки унга эриша олмаётгани сабабли юзага келаётган низо, жанжал ва аразлашлар ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев оммавий маданиятга қарши курашнинг таъсирчан воситаси – ёшларда китобхонликни тарбиялаш эканини қайта-қайта таъкидлаётганлари бежизга эмас. Муҳтарам давлат раҳбаримизнинг бу борада куйиниб айтган фикрларига эътибор берайлик: “Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин, кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаятгани – бу ҳам юбор гап. Биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давоида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз



асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарвао қараб туrolмаймиз”[3]. “Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ”, - дея уқтирмакда Ўзбекистон Президенти[3].

Албатта, “Энг яхши китобхон” кўрик-танловининг республика даражасида ўтказилаётгани жуда яхши. Лекин нега бу хайрли тадбирни мактаб, лицей ва коллежларга татбиқ этиб бўлмайди?! Уларда ҳам шундай тадбирлар ўтказилиши, бошланғич синф, ўрта синфлар ва юқори синфлар ўз ораларидаги “Энг яхши китобхон” мактабдошини, лицей ва коллеж ўқувчилари “Энг яхши китобхон” тенгдошини билиши, ҳурмат қилиш, уларга ҳавас билан қараши ва ибрат олиши зарур.

Мактабларда, коллеж ва лицейларда “Китоб – бизнинг дўстимиз”, “Китоб – маърифат, маданият ва билимга элтувчи маёқ”, «Интернет – билим олишга хизмат қилсин», «Сайтлар фақат яхшиликка хизмат қиладими?», «Интернет ва уяли телефондан фойдаланиш маданиятини юксалтирайлик», «Телефон тутиш одоби» каби мавзуларда суҳбат уюштириш, мунозара кечалари ташкил этиш, тренинг машғулотлари ўтказиш лозим.

Биз оммавий маданиятга қарши юксак халқ миллий маданияти нима эканини ёшлар онгига сингдиришимиз лозим. Бунда дарслик, қўшимча ўқув материаллари, дарс ишланмалари муҳим ўрин тутати. Биринчи навбатда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда “оммавий маданият”га қарши ғоявий тарбияни кенг авж олдириш зарур.

Юксак халқ миллий маданияти ёшларда ўзбек халқига хос камтарлик, меҳмондўстлик, меҳнаткашлик, ҳаёлилик, андишалилик фазилатларини тарбиялаш; амалдаги давлат таълим сиёсати негизида ёшларда ватанпарварлик, Ватан манфаати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатиш фазилатларини таркиб топтириш кабиларда ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий бақодир. 2-том. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018 й. –508 б. – 195-бет.

2. Азиз Норқулов. Телефон тажовуз қуролига айланмасин./ huquqburch.uz/uz/view

3. Ёшларга донолар ўғити. – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи. Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуқбек жамғармаси.- Т.: Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодлий уйи.- 2018. —21-б.



UZLUKSIZ TA'LIMDA QATTIQ JISMLAR FIZIKASINI MODULLI O'QITISH TEXNOLOGIYASI

E.Q.QALANDAROV,

f-m.f.n., O'zPFITI doktoranti (DSc)

Ushbu maqolada uzluksiz ta'lim tizimida qattiq jismlar fizikasini modulli o'qitish va uning afzalliklari bayon qilingan.

Tayanch iboralar: fizika, ta'lim, qattiq jismlar, fizikani modulli o'qitish, o'quv qo'llanma, kristallar, amorf jismlar, molekulalar.

This article describes modular training in solid state physics in the system of continuous education and its advantages.

Key words: physics, education, solids, modular training, tutorial, crystals, amorphous bodies, molecules.

В этой статье описывается модульное обучение физики твердого тела в системе непрерывного образования и его преимущества.

Ключевые слова: физика, образование, твердые тела, модульное обучение, учебное пособие, кристаллы, аморфные тела, молекулы

Yurtboshimiz Sh.Mirziyoyevning ta'lim va ilm-fan, davlatning yoshlarga doir siyosatini amalga oshirish, ta'limning yangi, zamonaviy usullarini, jumladan, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish sohasidagi ishlar ahvoli tanqidiy nuqtai nazardan qaralib, ta'lim muassasalarida ilm-fanni yanada rivojlantirish borasida asosiy vazifani bajarish lozimligini ta'kidadi [1,46 b.].

Ma'lumki, fizika va matematika yo'nalishidagi pedagogika oliy o'quv yurtlarida, aniq fanlarga ixtisoslashgan akademik litseylarda hamda fizikani chuqurlashtirib o'rgatadigan o'rta umumta'lim sinflarida taxsil olayotgan o'quvchi va talabalarga dars berishda modulli o'qitish texnologiyalarini qo'llash ta'lim sifatini yanada oshiradi. Modulli o'qitish ancha yillardan beri qo'llanib kelishiga qaramasdan texnik yo'nalishdagi fanlar ya'ni fizika va uning bo'limlari uchun kam qo'llanilgan. Modul fanning fundamental tushunchalarini ma'lum hodisa yoki qonun, bo'lim, ma'lum bir yirik mavzu hamda o'zaro bog'liq tushunchalar guruhini o'z ichiga olib o'rganadi. Fizika fanining asosiy bo'limlaridan biri bo'lgan "Qattiq jismlar fizikasi" dan dars berishda modulli o'qitish texnologiyasini qo'llash, fanni o'rganayotgan



o'quvchi va talabalar uchun yanada qulayliklar tug'diradi.

Fizika va matematika fanlariga modulli o'qitish texnologiyasini qo'llash fan o'qituvchisiga talabalarni texnik bilimlarni egallashlarida keng imkoniyatlar yaratish, ularga individual yondoshish asosida pedagogik jarayonni tashkil etish imkonini berish bilan birgalikda, o'quvchilarda o'z shaxsi va bilimiga tanqidiy qarash, axborotlarni taxlil qilish, ulardan keraklisini ajratib olish, mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish imkonini beradi.

Modullilik tamoyilini qattiq jismlar fizikasini o'rgatishda qo'llash – bu tamoyil o'qitishni individuallashtirish asosi bo'lib, xizmat qiladi. [2, 204 b.].

Birinchidan, modulning dinamik tuzilmasi fan mazmunini uch xil: to'la, qisqartirilgan va chuqurlashtirilgan ko'rinishda namoyon etish imkoniyatini beradi. Masalan, “Qattiq jismlar va ularning turlari”, “Qattiq jismlarning tuzilishi”, “Qattiq jismlarning fizik xossalari”, “Qattiq jismlarning kvant xossalari”, “Yarim o'tkazgichlar fizikasi” va boshqalar. O'qitishning u yoki bu turini tanlash o'quvchi va talabalarning o'ziga havola qilinadi.

Ikkinchidan, qattiq jismlar fizikasi modulining mazmunini o'zlashtirishda, o'qitish usul va shakllarning turliligida ham modullilik namoyon bo'ladi. Bularga o'qitishni faollashtirish shakl va usullari (dialog, mustaqil o'qish, o'quv va imitatsion o'yinlar va hokazo) hamda muammoli ma'ruzalar, amaliy mashg'ulotlar, laboratoriya mashg'ulotlari (virtual laboratoriya), seminarlar, kiradi. Bunday mashg'ulotlarni tashkillashtirishda albatta komp'yuter texnologiyalar imkoniyatlaridan kengroq foydalanish katta samara beradi.

Uchinchidan, modullilik, yangi materialni pog'onama - pog'ona o'zlashtirishni ta'minlaydi, ya'ni har bir fan va har bir modulda o'qitish oddiydan murakkabga qarab yo'nalgan bo'ladi. Masalan, qattiq jismlar turlarini o'rganishda kristallar – amorf jismlar – shishasimon qattiq jismlar – keramik qattiq jismlar – polimer qattiq jismlar.

To'rtinchidan, modulga kiruvchi o'quv elementlarining moslanuvchanligi tufayli o'quv materialini muntazam ravishda yangilab turish imkoniyati tug'iladi. Chunki fan va texnikaning jadal rivojlanishida qattiq jismlarning yangi xossalari yoki turlari har doim dunyo olimlari e'tirofida bo'lib kelgan. Bunday o'quv materiallarini yangilab turishda yaxshi o'zlashtiradigan o'quvchi va talabalarni mas'ul qilib qo'yilsa maqsadga



muvofiq bo'ladi.

Uzluksiz ta'lim tizimining asosiy bo'g'ini bo'lgan umumiy o'rta ta'lim maktablarida qattiq jismlar fizikasini o'rganilish holatini taxlil qilganimizda, qattiq jismlarga oid mavzular tarqoq holda berilganligining guvohi bo'lamiz. Qattiq jismlar fizikasi, qattiq jismlar turlari, qattiq jismlarning yonishi, erishi va qotishi, qattiq jismlarning elektr o'tkazuvchanligi va elektr qarshiligi, yarim o'tkazgichlar, yarim o'tkazgichlarning texnikadagi o'rni va hokazolar fizikaning bo'limlarida o'qitilsa, qattiq jismlarning molekulyar tuzilishi va ularning molekulyar birikmalari, qattiq jismlarning kimyoviy xossalari kimyo kursining bo'limlarida o'rganiladi. Bulardan tashqari maktabning o'rta sinflarida texnologiya kursida qattiq jismlarga ishlov berish mavzulari xam o'rin olgan. Shularni e'tiborga olib, umumiy o'rta ta'lim maktablarida qattiq jismlarga oid asosiy tushunchalarni shakllantirishda yaxlit o'quv majmua yaratib, ularni modulli o'qitish katta axamiyatga ega bo'ladi. Buni faqat tabiiy fanlarni chuqurlashtirib o'rganiladigan sinflarda, darsdan tashqari mashg'ulotlarda tashkil etish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablari *o'quvchilari uchun "Qattiq jismlar fizikasi" modulidan dars REJAsi*

№	Ma'ruzalar mavzulari	Dars soatlari hajmi
1.	Kirish. Qattiq jismlarning tabiatda tarqalishi. Qattiq jismlarning umumiy xarakteristikalar.	1
2.	Moddaning kristall tuzilishi. Kristallardagi simmetriyalar turlari. Kristallardagi nuqsonlar va ularni aniqlash metodlari.	1
3.	Moddaning amorf holati. Amorf jismlarning fizik xossalari va ularning turmushda qo'llanilishi.	1
4.	Shishasimon qattiq jismlar. Shishasimon jismlarning hosil bo'lishi va ularning qo'llanilishi	1
5.	Polimer qattiq jismlar. Polimerlarning xossalari va ularning turmushda va texnikada qo'llanilishi.	1
6.	Keramik qattiq jismlar. Kompozitlar. Qurilmalar va asboblarda qo'llaniladigan keramika.	1
7.	Qattiq jismlarning mexanik va termodinamik xususiyatlari.	1
8.	Qattiq jismlarning elektr xususiyatlari. Qattiq jismlarning elektr xususiyatlariga ko'ra klassifikatsiyasi.	1
9.	Qattiq jismlarning magnit va optik xususiyatlari	1
10.	Yarim o'tkazgichlar. Yarim o'tkazgichli qurilmalar. Yarimo'tkazgichlarning fanda, texnikada va turmushda qo'llanilishi.	1
11.	Qattiq jismlarda o'ta o'tkazuvchanlik hodisasi. O'ta o'tkazgichlar	1
12.	Hozirgi zamon fanida qattiq jismlar fizikasining muammolari	1
JAMI		12

Modulli o'qitish texnologiyasi sirasiga kiradigan texnologiyalardan yana biri muammoli o'qitish texnologiyasidir. [3,12-b.]. Mazkur



texnologiyani qo'llashdan ko'zlanadigan asosiy maqsad: o'qituvchilar va o'quvchilarning bilish va ijodiy layoqatlarini rivojlantirish; o'quvchilarning tafakkurni faollashtirish; o'quvchilarning muloqot ko'nikmalarini shakllantirish; o'quvchilar hamda o'qituvchilarda mustaqil bilim olish mayllarini rivojlantirishdan iborat. Masalan; *xrustall yoki shisha idishlar bir necha yillardan keyin o'z shaffofligini yo'qota boshlaydi buning sababi nimada?*) Bunday savol va masalalar o'quvchilarni o'ylashga hamda mushoxada qilishga undaydi, chunki, shisha amorf jismlar vaqt o'tishi bilan kristallga aylana boshlaydi ya'ni ularning zarrachalari ichki kuchlar tufayli tartibsiz holatdan tartibli holatga yoki kristall holatga o'ta boshlaydi. Bu yerda kuyidagicha savol tug'iladi: Shishalar qanday hosil bo'ladi? Javobi – erigan kristallar juda tez sovitilganda ushbu jarayon yuz beradi. Javobdan yana savol tug'iladi, Uzoq muddat saqlanadigan shaffof jismlarni qanday yaratish mumkin? va xokoza.

Pedagogika oliy o'quv yurtlarida “Qattiq jismlar fizikasi”, umumiy fizika va nazariy fizika kurslarining bo'limlarida tarqoq holda o'rganilar edi. Bu xolatda o'qitish qattiq jismlar fizikasiga oid tushunchalarni talabalar to'laonli anglab olish mushkuldir. *Chunki tarqoq holatda o'qitishda qattiq jismlar fizikasiga tegishli ma'lumotlar oddiydan murakkabga yoki ketma ketlilik hamda izchillik prinsipiga asoslanib o'qitish murakkab xisoblanadi.* Masalan, qattiq jismlarning issiqlik o'tkazuvchanligini umumiy fizikaning “Molekulyar fizika va termodinamika” bo'limida o'qitilsa, jismlarning elektr o'tkazuvchanligi esa “Elektromagnitizm” bo'limlarida o'rgatiladi, ularning kvant xususiyatlari nazariy fizika kurslarida o'rganiladi. SHuning uchun “Qattiq jismlar fizikasi”ni aloxida bo'lim sifatida hamda modul tamoyili asosida o'qitish maqsadga muvofiq bo'lar edi. Izlanishlar natijasida pedagogika oliy o'quv yurtlarining fizika va astronomiya o'qitish metodikasi ta'lim yo'nalish talabalari uchun “Qattiq jismlar fizikasi” fanidan modulli dastur, o'quv modullarining mazmuni, tarkibi va strukturasi ishlab chiqildi hamda amaliyotga tadbiq etilmoqda.

Fizika va astronomiya o'qitish metodikasi ta'lim yo'nalishi 4-kurs talabalari uchun “Qattiq jismlar fizikasi” modulidan ma'ruzalar REJasi:



№	Ma'ruzalar mavzulari	Dars soatlari hajmi
1.	Kirish. Qattiq jismlarning tabiatda tarqalishi. Qattiq jism fizikasi fanining maqsadi va vazifalari. Qattiq jismlarning umumiy xarakteristikalari.	2
2.	Moddaning kristall tuzilishi. Kristallardagi simmetriyalar turlari. Kristallardagi nuqsonlar va ularni aniqlash metodlari. Moddaning amorf holati.	2
3.	Qattiq jismlarning mexanik xususiyatlari. Elastik kuchlar. Ichki mexanik kuchlar va kuchlanishlar. Qattiq jismlarning deformatsiyasi. Plastik va elastik deformatsiya. Mexanik mustaxkamlik va qattiq jismlarning yemirilishi.	2
4.	Qattiq jismlarning termodinamik xususiyatlari Qattiq jismlardagi issiqlik xarakati. Fononlar. Qattiq jismlarning issiqlikdan kengayishi. Qattiq jismlarning issiqlik sig'imi.	2
5.	Qattiq jismlarning elektr xususiyatlari. Qattiq jismlarning elektr xususiyatlariga ko'ra klassifikatsiyasi. Qattiq jismlarning zonaviy strukturasi. Elektr o'tkazuvchanlik. Qattiq jismlarning dielektrik xususiyatlari	2
6.	Qattiq jismlarning magnit xususiyatlari. Qattiq jismlardagi magnit hodisalarning tabiati. Diamagnetizm. Para va ferromagnetizm. Magnit domenlar.	2
7.	Qattiq jismlarning optik xususiyatlari Qattiq jismda elektromagnit to'lqinlarning tarqalishi. Yorug'likning yutilishi va sinishi. Optik konstantalar. Lazerlar.	2
8.	Yarim o'tkazgichlar va ularning asosiy fizik parametrlari hamda ularni aniqlash metodlari. Yarim o'tkazgichli qurilmalar. Yarimo'tkazgichlarning fanda, texnikada va turmushda qo'llanilishi	2
9.	Keramik qattiq jismlar. Kompozitlar. Qurilmalar va asboblarda qo'llaniladigan keramika. O'ta o'tkazuvchi keramika.	2
	JAMI	18

Bundan tashqari amaliy – seminar mashg'ulotlariga ham 22 soat vaqt ajratilgan. Amaliy seminar mashg'ulotlari multimedia qurilmalari bilan jihozlangan auditoriyada har bir akadem. guruha alohida o'tiladi. Mashg'ulotlar faol va interfaol usullar yordamida o'tiladi, "Keys-stadi" texnologiyasi ishlatiladi, keyslar mazmuni o'qituvchi va iqtidorli talabalar tomonidan belgilanadi. Ko'rgazmali materiallar va axborotlar multimedia qurilmalari yordamida uzatiladi.

Uzluksiz ta'lim tizimining so'ngi bosqichlaridan biri bo'lgan "Qayta tayyorlash va malaka oshirish" kurslarida barcha fanlar qatori qattiq jismlar fizikasi ham modul asosida o'qitilmoqda. Bunda faqat fanning eng so'ngi yutuqlari va ularni o'qitishda innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanishlarni tinglovchilarga tushuntirib o'qitish maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib – intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent: O'zbekiston, 2017 y. - 104 b.

2. Беднарчик Х. «Модульная система непрерывного профессионального образования» Санкт-Петербург: 1999 г. 274 с.

3. R.G.Safarova "Modulli texnologiyalardan o'quvchilarning kreativ qobiliyatlari va ma'naviy-axloqiy sifatlarini rivojlantirishda foydalanish imkoniyatlari" Uzluksiz ta'lim tizimida modulli o'qitish texnologiyalarini qo'llash istiqbollari: muammo va yechimlar Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya – 2018 y. 11 - 13 b.



ШАХСНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

С.А.АБИДОВА,
ТДПУ ўқитувчиси

Мазкур мақола ёш авлодда соғлом турмуш тарзи тушунчасини шакллантиришга бағишланган. Мақолада узлуксиз таълим тизимида соғлом турмуш тарзини босқичма босқич, мактабгача таълим муассасаларидан то олий таълим муассасаларигача шакллантириш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: саломатлик, соғлом турмуш тарзи, узлуксиз таълим, соғлом турмуш тарзи компонентлари, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, олий таълим муассасалари.

Данная статья посвящена вопросам формирования понятия здоровый образ жизни у подрастающего поколения. В ней освещены вопросы поэтапного формирования здорового образа жизни в системе непрерывного образования начиная с учреждений дошкольного образования и заканчивая учреждениями высшего образования.

Ключевые слова: здоровье, здоровый образ жизни, непрерывное образование, компоненты здорового образа жизни, учреждения дошкольного образования, школа, учреждения высшего образования.

This article is devoted to the issues of formation of the concept of a healthy lifestyle among the younger generation. It highlights the issues the gradual formation of a healthy lifestyle in continuing education since pre-school education to higher education institutions.

Key words: health, healthy lifestyles, lifelong learning, the components of a healthy lifestyle, preschool education, school, institution of higher education.

Соғлом авлод – миллат келажагининг пойдевори. Азал азалдан ота-боболаримиз соғлом авлод тарбиясига қатъий эътибор бериб келганлар. Шу аснода халқ ижодига мурожаат қилсак ҳам бунинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, халқ ўйинлари, чавондозлик, отда юриш, сузиш ва бошқаларга ижобий муносабат тарбияланган ва булар ҳалиям ўз кучини йўқотмаган. А.Авлонийнинг «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир» деган қарашлари инсоннинг соғлом турмуш кечиришида асосий омил эканлигини асословчи далилдир.

Мустақилликка эришилгандан сўнг соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан бир қатор



давлат дастурлари, қарорлар ишлаб чиқарилган. Шу жумладан, соғломавлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган, маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йуналтирилган “Соғлом авлод” дастури яратилган.

Ушбу дастурда катта аҳамият ёш авлоднинг саломатлигига қаратилган булиб, оилада, жамиятда ва таълим муассасаларида жисмонан ривожланган, соғлом ва маънавий етук шахсни тарбиялашда барча шароитларни яратиш талаб этилади. Маълумки, инсон саломатлиги ва ҳаёт давомийлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг 50%дан ортиги айнан турмуш тарзигага боғлиқ, экологияга - 20%га яқин, наслий омилларга - 20%, тиббий омилларга эса атиги – 10%. Яъни, инсон соғлом булиши учун унинг турмуш тарзи соғлом булиши шарт ва соғлом инсонни вояга етказиш учун унда соғлом турмуштарзи тушунчасини шакллантириш керак. Соғлом турмуш тарзи деганда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур: фаол жисмоний ҳаракат қилиш, чиниқиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш; кун тартибини оқилона режалаштириш ва унга доимо амал қилиш; жисмонан ва руҳан толиқишга йўл қўймаслик; ақлий ва жисмоний меҳнатни гигиеник талаблар асосида тўғри режалаштириш; тўғри ва сифатли овқатланиш; шахсий ва умумий гигиена талабларига риоя қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик маданиятга эришиш; юқумли касалликлар, жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг рўй беришини олдини олиш; тўғри жинсий тарбия олиш; психогигиена талаблари (ҳаддан ташқари асабийлашиш ва ҳаёжонланишнинг олдини олиш)га амал қилиш; зарарли одатларга берилмаслик (тамаки маҳсулотларини истеъмол қилмаслик, ичкилик-бозлик ва гиёҳвандликка йўл қўймаслик ва ҳ.к.).

Боланинг тарбиясида, бола туғилиб то вояга етгунича, ушбу компонентлар босқичма босқич узлуксиз равишда ривожлантириш лозим. - Соғлом турмуш тарзини шакллантириш оиладан бошланади ва боланинг шахсини шакллантиришда оиланинг турмуш тарзи, оилада мавжуд бўлган урф – одат ва анъаналари, оиланинг психологик шароити, зарарли одатларни мавжудлиги ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Оила шароитида бола кун тартибига ва шахсий гигиенага риоя қилишни, вақтни тўғри тақсимлашни, катталар ва тенгдошлари билан муомала қилишни ва яна бошқа кўп нарсаларни ўрганади. Жисмоний фаоллик ҳам соғлом турмуш тарзининг асосий компонентларидан бири бўлиб, унга амал қилишни бола оила муҳитида бадантарбия билан шуғулланиш, ҳар қил турдаги жисмоний ишларни бажариш орқали ўрга-



нади. Оила шароитида бола кучадан уйга қайтгач, овқатдан олдин ва кейин қўл ювишни, кийимларини, буюмларини, хонасини озода сақлашни ўрганади ва гигиеник кўникмаларни узида шакллантириб боради. Ўз вақтида туриш, овқатланиш, кунини тўғри тақсимлашни ўрганиш орқали кун тартибига тегишли кўникмаларни шакллантиради. Зарарли одатларга муносабати ҳам оиладаги шароитга қараб шаклланади. Оиладаги тарбия бола вояга етгунига ҳадар давом этаверади ва соғлом турмуш тарзига оид малака ва кўникмалар шаклланади.

Оиладаги тарбия билан бирга соғлом турмуш тарзини шакллантиришда мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва олий ўқув муассасаларининг хиссаси катта. Бу ерда бола, ўқувчи, талаба нафақат амалий кўникма ва малакаларга эга бўлади, балки шу билан бирга назарий билимларни ҳам эгаллайди. Соғлом турмуш тарзининг шаклланиши тарбия ва ўқув муассасаларида узлуксиз босқичма-босқич амалга оширилади.

Маълумки, узлуксиз таълим жараёнида мактабгача таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзининг пойдевори шаклланади. Мактабгача таълим муассасаларида бола кун тартибига риоя қилишни, ўз вақтида тўғри овқатланишни, шахсий гигиена қоидаларига амал қилишни ўрганади ва оила шароитида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди. Шахсий гигиена қоидаларини уйда шакллантирган бола мактабгача таълим муассасаларида умумий ва жамоат гигиенаси билан танишиб кўникмаларни шакллантиради. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний машғулотлар ўтказилади, чиниқтириш, массаж муолажалари олиб борилади ва шу билан бирга болаларни жисмоний фаолликка ўргатилади. Бу эса соғлом турмуш тарзининг шакллантирувчи яна бир компоненти ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасаларида кун тартибига қатъий риоя қилиниши боис бола кунини тўғри тақсимлашни ўрганади. Болалар амалий кўникмалар билан биргаликда бошланғич назарий билимларни ҳам эгаллаб бошлайди. Машғулотлар ўйин шаклида олиб борилади ва болаларга соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунчалар бериб борилади.

Кейинги босқичда, яъни мактабда, соғлом турмуш тарзи тушунчаси болаларда янада чуқурроқ шаклланади. Амалий кўникма ва малакалар назарий билимлар билан мустаҳкамланади. Шу жумладан бошланғич синфларда ўқувчилар “Атрофимиздаги олам” фанида умумий биологик тушунчаларга эга бўлишади. Инсон организми тузилиши, атроф муҳитнинг экологияси, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида умумий тушунчалар шаклланади. Мактабда ўқувчилар экологик тушунчалар-



га эга бўлишади ва атроф мухитни муҳофаза қилиш, озодаликни сақлаш соғлиқ учун муҳимлиги ўқувчиларнинг тафаккурига сингдириб борилади. Ўрта ва катта синфларда биология фани дарсларида бу билимлар янада чуқур ўрганилади, зарарли одатларни организмга қанчалик зарарлиги назарий билимлар билан асосланиб борилади ва юқори синфларда жинсий саломатлик ва жинсий тарбияга оид билимлар ҳам шаклланади. Юқори синфларда одам саломатлигини ўрганишга жуда катта аҳамият берилади ва одам организмни ўрганиш билан биргаликда ўқувчилар тиббий билимларга эга бўлиб, биринчи ёрдам кўрса-тиш қоидалари билан танишиб боришади.

Олий таълим муассасалари узлуксиз таълимнинг кейинги босқичи бўлиб, назарий билимларга алоҳида аҳамият берилади. Барча олий таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи “Валеология асослари” фани ўтилади. Бу фанни ўрганиш жараёнида талабалар назарий билим ва тушунчаларга, кўникма ва малакаларга эга бўладилар. Бу фан талабаларни соғлом турмуш тарзини кечиришга ундаб, унинг инсон саломатлигини сақлашда муҳим омил бўлиб қолишини таъминлайди, ёшларни репродуктив саломатлигини сақлашга, соғлом оилани шакллантиришга ва соғлом фарзандларни вояга етказишга ёрдам беради.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳам асосий мақсади кўникма ва малакаларни узлуксиз равишда амалга ошириш. Зеро бизнинг мақсадимиз жамиятга жисмонан соғлом, маънавий етук, руҳан соғлом инсонларни тарбиялашдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лечебная физкультура и массаж. Методики оздоровления детей дошкольного и младшего школьного возраста: Практическое пособие/ Г.В.Каштанова, Е.Г.Мамаева.-2-е изд.,испр. И доп.-М.:АРКТИ,2007
2. Валеология в вопросах и ответах Учебно- методическое пособие под ред. Московченко О.Н. Красноярск: ИПЦ ПИ СФУ,2007.
3. Интернет маълумотлари қуйидаги сайтлардан олинди:
www.tma.uz, <http://www.ziyounet.uz>, <http://stolica.uz>, <http://ziyounet1.zn.uz>,
<http://www.moymir.ru>, <http://www.book.ru/>, <http://www.nanya.ru>, <http://medinfo.ru>



ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИЛАРИ

А.АБДУРАШИДОВ,
Қўқон ДПИ ўқитувчиси

Ушбу мақолада тадбиркорликнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва муҳим белгилари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, тадбиркорликнинг амал қилиш принциплари ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: тадбиркорлик, бозор муносабатлари, бизнес, ташкилий-ҳуқуқий шакллар, принцип, ҳалол иш юритиш, рақобат.

The article is informed about business content, organizational forms and the essential features of business. Also, the principles of entrepreneurial observance are illuminated.

Key words: business undertakings, market relations, business, form of organizational and legal, principle, work honestly, competition.

В данной статье представлены информации о содержании, организационной форме и важных признаках предпринимательства. А также, принципы предпринимательства.

Ключевые слова: предпринимательство, рыночные отношения, бизнес, организационно-правовые формы, принцип, действовать добросовестно, конкуренция.

Узлуксиз таълим тизимида ёшларни ҳар томонлама камол топиши учун унинг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ иқтисодиётнинг барча соҳалари учун юқори малакали матахассис кадрлар тайёрлаш амалга оширилмоқда. Таълим республика иқтисодий салоҳиятининг ўсиши билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Президенти бу ҳақда гапирар экан, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини ечиш, бу соҳага ёшларни, касб-хунар коллежлар ва олий ўқув юртлари битирувчиларини кенг жалб қилиш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ҳам алоҳида ўрин эгаллаши таъкидланади. Айнан тадбиркорликни ривожлантиришида узлуксиз таълим тизимининг бир қатор вазифалари мавжудки, уларни амалга оширишда назарий маълумотлар билан бир қаторда унинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ўрганиш зарур.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун етарли даражада қулай имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган бўлсада, лекин иқтисодиётда ҳали ҳам унинг улуши дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражаси миқдоридан паст бўлиб, бу соҳада ечимини



кутаётган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар талайгина. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда 2017 йил 17 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3225-сонли қарорида келтирилганидек “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси...”[1].

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, шу жумладан, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг ҳамда ўрта мулкдорлар синфини истиқболли ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида нафақат жамиятнинг миллий ва маънавий салоҳиятини оширишга қўмаклашади, балки миллий бойликни кўпайтириш, иқтисодиётни жаҳон тизимига уйғунлашувини ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди.

Соқибқирон Амир Темур тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаб ва тадбиркорларни улуғлаб, уларнинг нафақат ўзи балки жамият учун ҳам катта нафи тегишини, инсон доимо фаол бўлишини таъкидлаб, ўз тузукларида “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб, тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”, деб кўрсатади[2].

А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар “бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир... Тадбиркорлик –кишилар (мулкчилик субъектлари)нинг моддий ва пул маблағларини (капитални) амалда ҳўжалик оборотига тушириб, даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик умуман пул топиш эмас, балки яратувчилик фаолияти орқали даромад олишни билдиради”, - деб таъриф берадилар[3]. Бу ерда муаллифлар бизнес ва тадбиркорликни фақат қонуний иқтисодий фаолият деб эътироф этадилар. Аммо амалиётда бизнес ва тадбиркорлик ҳам қонуний, ҳам ноқонуний тарзда амалга оширилиши мумкин. Ш.Ш.Шодмонов ва У.В.Фофуровлар қам бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларини маъно жиҳатидан фарқлайдилар. Улар бизнесни даромад келтирувчи фаолият сифатида таърифлайдилар. Тадбиркорлик эса маҳсулот



ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш асосида даромад олишга қаратилган фаолият, деб тавсифланади. Ф.Ф.Маматов ҳам “бизнес” тушунчасини “тадбиркорлик” тушунчасидананча кенг маънога эга, деб қарайди.

Тадбиркорликнинг муҳим белгилари ёки амал қилиш принциплари ўқувчи-ёшларга тушунтириш қуйидагича:

1. Мулкий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш, ишлаб чиқариш омилларининг барчасига ёки баъзи бирига ва яратилган товарларга эгалик қилиш.

2. Иқтисодий ҳатти-ҳаракатлар учун маъсулиятни ўз зиммасига олиш, иш натижасига жавоб бериш, таваккаллик қилиб иш юрита олиш иқтисодий хатарли ишга қўл уриш.

3. Фойда олишга интилиш; фойдага эришиш чора-тадбирларини кўриш, олган фойдасини ўз билганича ишлатиш.

4. Ҳалоллик билан иш юритиш, қаллоблик, фирромлик ва алдамчиликка мойил бўлмаслик обрў (илинж)га эга бўлиш, бошқаларга ишонил.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўтган тарихий даврда ушбу йўналишда анчагина салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, ривожлантирилди. Ўқувчида изланиш, интилиш ва ташаббус уйғотиш манбаига айланиб улгурган хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлашнинг самарали механизмлари яратилди. Мазкур тушунчаларни ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажакдаги фаровон ҳаётда яшашини таъминлаш ва уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор кучайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрь ПФ-4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

2. Темур тузуклари. //Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Т.: Нашриёт - матбаа бирлашмаси, 1991.

3. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси Дарслик. - Т.:Меҳнат, 1995.

4. Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т., 2007.



АНАЛИТИЧЕСКИЙ РИСУНОК – КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ ПРОСТРАНСТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ПРОЦЕССЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Р.Ш.ХАЛИЛОВ,
доцент ТГПУ имени Низами

Мазкур мақола қаламтасвир ўқитиш методикасида нафақат тасвирий санъат балки психология, педагогика ва инновацион технологиялар соҳасидаги замонавий тадқиқотларни қўлланилишига қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: академик бадий таълим, таҳлилий қаламтасвир, таҳлил, тасаввур, морфология, қурилма, шакл, фазо, моделлаштириш.

The article is devoted to the method of teaching drawing using modern research in the field of the theory and methodology of teaching fine arts, as well as in the field of psychology, pedagogy and innovative educational technologies.

Key words: academic art education, analytical drawing, analysis, imagination, morphology, structure, form, space, modeling.

Статья посвящена методике преподавания рисунка с использованием современных исследований как в области теории и методики обучения изобразительному искусству, так и в области психологии, педагогики и инновационных педагогических технологий.

Ключевые слова: академическое художественное образование, аналитический рисунок, анализ, воображение, морфология, структура, форма, пространство, моделирование.

Формирование академического художественного образования, как правило, имеет долгую историю развития и становления традиций. В этом смысле художественное образование в Узбекистане не является исключением. В национальной программе по подготовке кадров в соответствии с государственными стандартами в области дошкольного образования на занятия эстетического направления запланировано всего около 250 часов и весь образовательно-воспитательный процесс в дошкольных учреждениях ведется по программе “Ребенок третьего тысячелетия”. Следующий этап, являющийся основой национальной модели в сфере непрерывного образования, входит в систему всеобщего обязательного бесплатного 12 - летнего цикла (10-ти летнее обучение в среднем общеобразовательном учреждении и 2 летнее образование в академических лицеях)[2].



Создание изображения представляет собой сложный процесс: он складывается из процесса познания, изучения и процесса творчества. Процессы познания и творчества всегда находятся в тесной взаимосвязи. При этом степень их участия в создании изображения может быть различной. В одном случае преобладает процесс творчества, в другом - основным является процесс изучения, штудирования и анализ.

Будучи емкой и сложной многоуровневой системой графического отражения действительности, рисунок пока не раскрыт в достаточной степени в теоретических научных трудах. Одним из важных звеньев обучения рисунку в процессе современного непрерывного образования должна стать **морфология рисунка** или **аналитический рисунок** - его невидимое конструктивное построение, как наука о закономерностях и процессах формообразования внутри данного объекта. Здесь уместно привести определение понятию **анализ** (разложение, расчленение, разбор) - это метод научного исследования путем разложения предмета на составные части или мысленного расчленения объекта путем логической абстракции. Рисунок относится к художественному виду деятельности, но выполняется в основе конструктивного процесса. В настоящее время термин «рисунок» рассматривается как структурная основа любого из пластических искусств, предполагающая представление трехмерной конструкции предмета. Художественный образ рисунка складывается до изобразительного процесса и несет в себе рациональное и интеллектуальное начало[3].

Ведущим принципом аналитического рисунка следует считать объективность отображения действительности. Данный принцип реализуется через ориентированные на него категории научного метода и натурной адекватности использования графических средств. Аналитический рисунок призван дать наиболее полную информацию об устройстве формы. Он изображает не только видимую часть формы, но и ту ее часть, которая невидима с позиции рисующего. В таком виде рисунка применяются различные условные приемы, позволяющие представить устройство изучаемой формы. С помощью логики, знаний необходимо представить себе и изобразить конструктивное строение формы, словно она прозрачна. Сквозная прорисовка позволяет не только понять строение формы предметов, но и точно определить расположение предметов в пространстве. Например, по основаниям («следам») предметов, прорисованных насквозь, можно определить рас-



стояния между ними. Аналитический рисунок — это не только порядок действий, связанных с формированием аналитического воображения, но и существенная категория рисунка, которая дает концентрированное выражение метода исследования формы. Алгоритм аналитического рисунка носит шаговый характер. Точками фиксируются опорные координаты (опорные точки) формы, которые затем соединяются линией. Линия выявляет абрис формы, границу между двумя плоскостями, характеристику формы, траекторию и другое. Графически в академическом аналитическом рисунке линия выглядит не как один раз проведенная черта, а как пучок линий, который согласно моделировке пространства (третье измерение) может утолщаться, утончаться, менять насыщенность тона и т. д.

Еще одним понятием аналитического рисунка является модель. Под моделью надо понимать не сам объект, предмет изображения (натуры), а специфическую графическую форму, в той или иной мере адекватно передающую форму реального объекта, его существенные признаки (конструкцию, структуру, структурно-тональное состояние)

Как заключение можно добавить, что у обучающихся рисунку, опыта либо нет, либо он непрофессиональный. Поэтому, с нашей точки зрения, для обучения рисунку больше подходит второй способ активности, анализирующей и синтезирующей работы мышления, основанного на знаниях закономерностей взаимосвязи аналитического воображения и конструктивного рисунка.

Использованная литература:

1. Т. М. Степанова. Методологические основы рисунка: учебное пособие Екатеринбург: УрФУ, 2016.
2. Dilnoza J. Tulanova. Current Art Education Problems in Uzbekistan Eastern European Scientific Journal. www.auris-verlag.de. (ISSN 2199-7977). Ausgabe 5-2018 стр.74.
3. Н.Д.Калина. Конструктивный рисунок. От понимания пространственных отношений к художественным интерпретациям. Учебное пособие. Издательство Владивостокского государственного университета экономики и сервиса. 2014.



O'QUVCHI YOSHLARNING KASBIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHDA KITOBXONLIK MADANIYATINING A'XAMIYATI

M.E.AXMEDOVA,
TDTU dotsenti,
L.S.MO'MINOVA,
TDTU katta o'qituvchisi,
M.MULLAJONOVA,
TDTU katta o'qituvchisi

Davlat va jamiyatning taraqqiy etishi zamirida inson ma'naviyati, aqliy va ijodiy tafakkurining boy, ruhiyatning tetik bo'lishi, buning uchun esa jamiyatimizning har bir a'zosi mutolaa madaniyatiga ega bo'lmog'i g'oyat darajada muhimdir. Inson manfaatlari munosib qadrlanayotgan, kitob o'qish uchun har doimgidan ham yuksak sharoit va imkoniyatlarga ega buyuk davlatimizda avvalo, Vatan ravnaqi, xalqimiz farovonligi va o'z hayot yo'limizda o'zimiz xohlagan marralarni zabt etish uchun har birimiz albatta kitobxon bo'lishimiz lozim.

Kalit so'zlar: ma'naviy-ma'rifiy, badiiy-estetik talablar; aqliy va ijodiy tafakkur; ilmiy va adabiy meros, axborot manbai, axborotlar girdobi, mutolaa, kitobga ixlos, kitobxonlik madaniyati.

Для человека важно иметь культуру, богатую духовным, интеллектуальным и творческим мышлением, и иметь культуру готовности для каждого члена нашего общества. В нашей великой стране, где человеческое достоинство высоко ценится и читается больше, чем когда-либо, мы, безусловно, являемся одним из наших читателей, чтобы добиться процветания на Родине, благосостояния наших людей и того, как мы хотим жить.

Ключевые слова: духовные, воспитательные, художественно-эстетические требования; интеллектуальное и творческое мышление, научное и литературное наследие, источник информации, антураж информации, чтение, искреннее чтение книг, культура чтения.

It is important for a person to have a culture rich in spiritual, intellectual and creative thinking, and to have a culture of readiness for each member of our society. In our great country, where human dignity is highly valued and read more than ever, we are certainly one of our readers to achieve prosperity at Motherland, the well-being of our people and the way we want to live.

Key words: spiritual, educational, art and esthetic requirements; intellectual and creative thinking, scientific and literary heritage, information source, surroundings of information, reading, sincere reading books, culture of reading.

Inson ma'naviyatini kamolotga yetkazish tez sur'atlar bilan yangilanib borayotgan bugungi hayotimizning eng dolzarb vazifalaridan biri sanaladi. Qadim va boy tarixga, yuksak ilmiy va adabiy merosga ega bo'lgan yurtimizda bu borada



ijtimoiy islohatlar olib borilayotganligi hech kimga sir emas. Birinchi navbatda, ta'lim sohasida faoliyat yuritayotgan xodimlarga yaratilayotgan sharoitlar, uzluksiz ta'lim muassasalaridagi ro'y berayotgan tub o'zgarish va yangilanishlar, o'quvchi yoshlar o'rtasida muntazam o'tkazib kelinayotgan, ularni ilmiy va yuksak fikr egasi bo'lishga undayotgan turli tadbir va bellashuvlar, bularni barchasining tag zamirida yagona maqsad, yurtimizda sog'lom fikrli va yuksak ma'naviyatli shaxslarni tarbiyalash va kamolga yetkazish maqsadi turadi.

Bu kabi yuksak maqsadlarni amalga oshirish borasida yurtboshimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning chora-tadbirlariga, kitobxonlik madaniyatini oshirish to'g'risidagi fikrlari muhim ahamiyatga ega.

“... xalqimiz, avvalo, yoshlarning ma'naviy-ma'rifiy, badiiy-estetik talablariga javob beradigan kitoblarni yuksak sifat bilan chop etish, joylarga, ta'lim muassasalariga vaqtida va maqbul narxlarda yetkazish, milliy va jahon adabiyotining eng sara namunalarini tarjima qilish, farzandlarimizda bolalikdan boshlab kitob, jumladan elektron kitob o'qish ko'nikmasini shakllantirish, jamiyatimizda mutolaa madaniyatini yuksaltirish bilan bog'liq muhim masalalarni hal etish dolzarb vazifa bo'lib qolmoqda”[1].

“Mutolaa madaniyati”ning o'zi nima? “Mutolaa”- bu o'qish demakdir. “Mutolaa madaniyati” esa insonning o'z qiziqishlaridan, ruhiy ehtiyojlaridan kelib chiqib o'ziga mos va xos bo'lgan kitobni tanlay olishi, uni qanday mutolaa qilishni, kitobning qaysi jihatlariga e'tibor berib, qaysi qismlarini xotirada saqlab qolishi zarurligini bilishi, nihoyat, o'qilgan kitob to'g'risida o'zi mustaqil fikr va xulosaga kela olish ko'nikmasi hisoblanadi.

Ayniqsa, kitobni to'g'ri tanlay bilish juda muhim sanaladi. Chunki, bugungi yoshlar texnika asrining insonlaridir. Bir kunda jahon miqyosida millionlab, hattoki undan ham ziyod kitoblar dunyo yuzini ko'rmoqda. Bundan tashqari, har kuni qanchadan qancha gazeta, jurnal, turli to'plamlar chop etilmoqda. Kino, teatr, radio, televideniya orqali uzatilayotgan axborotlar, ayniqsa, kundan kunga hayotimizning ajralmas qismiga aylanib borayotgan internet olami yoshlarni chegarasiz darajada axborotlar oqimiga tashlaydi. Mana shunday murakkab vaziyatda yoshlarning o'zi uchun kerak bo'lgan axborot manbaini, kitoblarni qanchalik darajada to'g'ri tanlay bilishi uning naqadar mutolaa madaniyatiga ega shaxs ekanligidan dalolat beradi.

Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 2017 yil 12 yanvardagi “Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida” gi farmoni va mazkur farmon asosida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar talaba yoshlarning kitobga bo'lgan e'tiborini yanada oshirishga



xizmat qilib kelmoqda.

Yurtimizda yetishib chiqqan buyuk olim va mutafakkirlar, ijodkorlar tomonidan yaratilgan nodir asarlarni o'qish millatning kelajak mahsulidir. Tarbiya sohasida buyuk asarlar yaratgan bobolarimizdan Muhammad Jabalduriyning kitob haqidagi quyidagi fikrlari bu borada juda ahamiyatlidir:

“Ey aziz! Kishi uchun kitobdan azizroq va yoqimliroq suhbatdosh yo'qdir. Kitob fasohat, balog'atda, latofatda tengi yo'q, munofiqlikdan holi hamrohdir. Yolg'izlikda va g'amli ayyomlarda munis ulfatdir. Unda na firoq bor-u, na gina. U shunday hamdamki, so'zlarida yolg'on va xato bo'lmaydi. Suhbatidan esa kishiga malollik yetmaydi. U o'z do'stining dilini og'ritmaydi. Yuragini esa siqmaydi. U shunday rafiqdirki, kishi orqasidan g'iybat qilib yurmaydi. Uning suhbatidan senga shunday fayzli foydalar yetadiki, bunday foydani odamlardan topa olmaysan. Aksincha, aksar odamlar suhbatidan kishiga zarar yetadi. Kitobdek do'st ichida ilm-u hilm mujassamdurki, u kishilarni o'tmishdan va kelajakdan ogoh qilib turadi. Shuning uchun ham “kitob – aql qal'asidir” deganlar”[2].

Shiddat bilan axborotlar yangilanib borayotgan bugungi kunda yoshlarning kitobxonlik madaniyatiga ehtiyojini shakllantirishga e'tibor qaratish muhim masaladir. Barcha yaratilayotgan sharoit va tadbirlar nechog'lik o'z egalarini topmoqda?

Zamondoshlarimiz orasida kitobga ixlos qo'ygan, muntazam ilm olishga, tafakkur olamini boyitishga intiluvchi kitobxonlar bilan bir qatorda, o'z hayot yo'lini aniq tanlab ololmagan, behuda va keraksiz axborotlar girdobiga g'arq bo'lgan, atrofida ro'y berayotgan voqea-hodisalarga nisbatan loqayd bo'lgan yoshlar ham yo'qemas.

Oily ta'lim muassasalarida qunt bilan o'qib, yurtimizni dunyoga tanitayotgan yoshlar ko'pchilikni tashkil etadi. Ular kutubxona, elektron darsliklar, audio asarlardan foydalanib, zamon bilan hamnafas bo'lishga intiladilar. Bu borada pedagoglar zimmasiga ham og'ir mas'uliyat yuklanadi. Har yili fan doktori, magistr, bakalavr unvonlariga ko'plab ilm-fan fidoyilari sazovor bo'lishadi. Ular izlanuvchan talabalarga yetarli bilim berish, ulardagi fikr tarbiyasini takomillishtirish maqsadida biror kunni ham mutolaasiz o'tkazishmaydi. Bu to'g'risida milliy istiqbolimiz qahramonlaridan biri sanalgan ustoz Abdulla Avloniy o'zining “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida shunday deydi:

“Fikr tarbiyasi eng kerakli, ko'p zamonlardan beri taqdir qilinib kelgan, muallimlarning diqqatlariga suyalgan, vijdonlariga yuklangan muqaddas bir



vazifadir. Fikr insonning sharofatlik, g'ayratlik bo'lishiga sabab bo'ladir. Bu tarbiya muallimlarning yordamiga so'ng darajada muhtojdurki, fikrning quvvati, ziynati, kengligi muallimning tarbiyasiga bog'liqdur. Dars ila tarbiya orasida bir oz farq bor bo'lsa ham, ikkisi bir-biridan ayrilmaydurgan, birining vujudi biriga boylangan jon ila tan kabidir..."[3].

Demak, fikrni tarbiyalash bevosita pedagoglarning sa'yi harakatiga, ularning bilimi, mehnati, iqtidoriga bog'liq bo'lgan uzviy jarayondir. Avloniy yuqoridagi fikrlarini dalillash maqsadida quyidagi to'rtlikni ham keltirib o'tadi:

“Fikr agar yaxshi tarbiyat topsa,
Xanjar, olmosdan bo'lur o'tkir.
Fikring ovinasi olursa zang,
Ruhi ravshan zamir o'lur benur”[4]

Bundan ko'rinib turibdiki, masalaning mohiyati yana mutolaa madaniyatiga borib taqalmoqda.

Xulosa qilib aytganda, davlat va jamiyatning taraqqiy etishi zahirida talaba yoshlar ma'naviyati, aqliy va ijodiy tafakkurining boy, ruhiyatning tetik bo'lishi, buning uchun esa jamiyatning faol a'zosi bo'lgan yoshlar mutolaa madaniyatiga ega bo'lmog'i g'oyat darajada muhimdir. Inson manfaatlari munosib qadrlanayotgan, kitob o'qish uchun har doimgidan ham yuksak sharoit va imkoniyatlarga ega bo'lgan buyuk davlatimizda avvalo, Vatan ravnaqi, xalqning farovonligi va o'z hayot yo'lida o'zi xohlagan marallarni zabt etish uchun har bir talaba yoshga kelajakda kitobxonlik madaniyatiga rioya etish yo'lchi yulduz bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 14 sentabrdagi “Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ib qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to'g'risida”gi PQ-3271-sonli qarori. “Xalq so'zi”, 184 (6878)-son.
2. Mashriq zamin “Hikmat bo'stoni”, T.; 1997yil, 39-bet.
3. Abdulla Avloniy “Tanlangan asarlar” 2-jild, T.; Ma'naviyat. 2006 yil. 39-40-betlar.



ФОРМИРОВАНИЕ ТВОРЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА НА НОВЫЙ УРОВЕНЬ ОБРАЗОВАНИЯ

И.В.МОРХОВА,

старший преподаватель
кафедры «Общая педагогика» ТГПУ

Мақола педагогик олий таълим юртарининг талабаларида ижодий компетентликни шакллантиришга бағишланган.

Таянч сўзлар: таълим, ижод, талаба, ўқитувчи, олий таълим муассасаси, компетентлик.

The article is devoted to the disclosure of issues related to the formation of creative competence of students of pedagogical universities.

Key words: education, creativity, student, teacher, university, competence.

Статья посвящена раскрытию вопросов, связанных с формированием творческой компетентности студентов педагогических вузов.

Ключевые слова: образование, творчество, студент, преподаватель, вуз, компетентность.

В XXI веке будут побеждать те страны, которые отдают приоритет интеллектуальным и духовным ценностям. На сегодняшний день гуманитарные, социокультурные аспекты этой проблемы получили довольно подробную разработку. Это необходимость освоения культурно-исторического наследия, знакомство с мировой культурой, гуманистическая ориентированность сознания, духовность как необходимое качество специалиста. Однако аспекты подготовки профессиональных качеств и навыков специалистов требуют дальнейшего совершенствования. Поэтому непрерывное образование должно предусматривать, во-первых, адресную подготовку специалистов, то есть их подготовку по конкретным, востребованным на сегодняшний день специальностям с учётом специфики реальных производств (учреждений), притом, что это должно делаться в опережающем режиме. Во-вторых, необходимо чтобы слаженно работала триада – «наука-образование-производство». У каждого из субъектов этой группы есть свои задачи в нынешнем веке, решение которых имеет принципиальное значение для её эффективного функционирования.

В XXI веке накопление информации происходит особо быстрыми темпами, ее передача осуществляется с активным использованием цифровых технологий. Наступила эпоха цифрового общества, когда основным видом деятельности человека становится производство и потребление информации.



В этих условиях обязательной компетентностью для специалиста любой сферы профессиональной деятельности выступает информационная компетентность. Информационная компетентность педагога есть важная составляющая его профессионализма интегральную характеристику личности, предполагающую решение задач в учебной и профессиональной деятельности с помощью компьютерной техники и владение приемами компьютерного мышления. Значимость информационной компетентности педагога в исполнении им профессионального предназначения объясняется не только технологизацией учебно-воспитательного процесса, активным внедрением в образование информационно-коммуникационных технологий, но и тем, что современный студент – это представитель поколения цифрового общества.

Ценностно-мотивационный компонент компетентности будущего педагога должен включать проявление интереса к прогрессирующему взаимодействию с современными технологиями. Стремление к прогрессирующей активности в освоении нового будет способствовать повышению деятельности составляющей компетентности педагога. Ее проявление – в активном использовании педагогом информационных технологий в организации обучения, в профессиональном самосовершенствовании. Эффект прогрессирующего взаимодействия проявится в использовании будущим учителем цифровых технологий в бытовых и коммуникативных целях. Согласно требованиям стандартов, образование как объединяющий обучение и воспитание процесс выстраивается на основе партнерских отношений младшего и старшего. Для построения таких отношений современный педагог не только должен освоить новые образовательные технологии, но и глубоко постигнуть в те перемены, которые произошли с обучающимися, поскольку глобальная сеть оказывает влияние на поведение, способ мышления и мозг. Эти изменения определенным образом сказываются на взаимодействии студентов с учебным материалом, меняется и сама учебная деятельность. Современный педагог должен уметь адаптироваться к происходящим изменениям, чтобы сделать обучающихся активными участниками образовательного процесса.

Адаптивная направленность современного образования – еще одно требование к организации учебно-воспитательного процесса, зафиксированное в нормативно-правовых актах. Продвинутость педагога в информационных технологиях позволит ему адаптировать учебный процесс к особенностям потребностей и возможностей обучающихся.

Когнитивный компонент компетентности педагога – процесс анализа, получения и применения информации о технических новинках в области



ИКТ. Уровень развитости когнитивной составляющей компетентности педагога – залог успешности его деятельности в решении задач обучения.

Когнитивная составляющая компетентности педагога включает в себя знание о методах и формах корректного применения электронно-цифрового ресурса в образовательной деятельности. Владение этими знаниями позволяет педагогу индивидуализировать обучение, которое осуществляется на основе выбора способов, приемов и темпов обучения.

В Послании Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года определены приоритетные направления развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, где в сфере социального развития определено «развитие науки и непрерывного образования». Для жизни и деятельности любого человека важно не наличие у него накоплений впрок, запаса какого-то внутреннего багажа всего усвоенного, а проявление и возможность использовать то, что есть, то есть не структурные, морфологические, а функциональные, деятельностные качества. Поэтому для фиксации образовательного результата возникло понятие «компетентность».

Как психологическая характеристика понятие компетентности значительно шире понятия знания, умения и навыка и включает в себя не только когнитивную (знания) и операционально-технологическую (умения) составляющие, но и мотивационную, этическую (ценностные ориентации), социальную и поведенческую. Поскольку по определению основу компетентности составляют способности, то каждой из способностей должна соответствовать своя компетентность. Эффективность использования выявленных, современных образовательных технологий в целях формирования компетентности студентов в образовательном процессе вуза обеспечивает современное качество образования на основе сохранения его фундаментальности в условиях перехода на новый уровень образования.

Литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активного инвестиций и социального развития» // Учитель Узбекистана. – Т., 2019. – № 3 (2554). – 18 января. – С. 1-3.
2. Елисеев К.В., Загвязинский В.И. Анализ, оценка и способы сти-мулирования педагогических нововведений. – Тюмень, 2005.
3. Колеченко А.К. Энциклопедия педагогических технологий: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2006. – 298 с.
4. Педагогика: Учебное пособие для вузов / Сластенин В.А и др. – М.: Академия, 2005. – 224 с.



КЛАССИФИКАЦИИ ТЕОРИЙ ВОЛИ И НАПРАВЛЕНИЯ ВОЛЕВОЙ РЕГУЛЯЦИИ В НЕПРЕРЫВНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Н. МАМАТХАНОВА,
преподаватель НамГУ

В данной статье рассмотрены теории воли и волевой регуляции представителями различных психологических школ, авторские основания классификаций подходов и взглядов на функции и природу произвольных и волевых процессов с целью объединения и систематизации накопленных знаний разными исследователями.

Ключевые слова: волевая регуляция, воля, активность, мотивация, целенаправленность, волевые процессы, свойства личности, произвольная регуляция воли, волевые качества личности, собственное поведение

This article examines the theory of will and volitional regulation by representatives of various psychological schools, the author's foundations of classifications of approaches and views on the functions and nature of arbitrary and volitional processes in order to unite and systematize the accumulated knowledge by different researchers.

Key words: volitional regulation, will, activity, motivation, purposefulness, volitional processes, personality traits, arbitrary regulation of volition, volitional qualities of an individual, own behavior.

Волевая регуляция признается значимой исследовательской областью для решения теоретических и практических задач психологии. Воля зачастую описывалась как самостоятельная сила, на сегодняшний день психология воли приобретает самостоятельность, успех которой во многом зависит от согласованности содержания.

Волевая регуляция является осознанной, произвольной, преднамеренной по своему характеру осуществления. Представители различных психологических школ решали эту проблему по-своему, что послужило появлению отдельных направлений понимания воли на разных исторических этапах ее исследования: длительное время воля отождествилась с вниманием (У.Джемс, М.Я.Басов), с особенностями мышления и рациональной функцией человеческой психики (Аристотель, Р. Декарт, Э. Мейман), с аффектом (В. Вундт, Т.А. Рибо), с мотивацией в целом и мотивацией достижения в частности (Т. Гоббс, В. Виндельбандт, К. Левин и др.), с характером или отдельными свойствами личности (Ю. Куль, Г.С. Никифоров, В.И. Селиванов).

Л.С. Выготский разделил теории воли на *гетерономные теории воли* - теоретические и экспериментальные исследования, *автономные теории*



(*волюнтаристические*)- выведение законов из самого волевого поведения. В.И. Селиванов предложил условно поделить все теории воли на эмоциональные, интеллектуалистические и волюнтаристские (Селиванов,1974). Автор принимает обособленность воли от других функций психики.

Е.П. Ильин сформулировал более дробную классификацию, опираясь на этапы исторической смены взглядов (Ильин, 2009):

«воля как волюнтаризм», где воля признаётся причиной поведения, источником воли может служить божественные или космические силы, высший разум (Аристотель, Р.Декарт, И.Кант, А.Шопенгауэр);

«воля как «свободный выбор»»-проблема воли рассматривается в различных жизненных ситуациях, пытаясь в большей степени дать ответ в рамках философии, нежели выявить психологические механизмы воли (В. Виндельбанд, У. Джемс, Б. Спиноза, В. Франкл);

«воля как произвольная мотивация» - теории воли склонны связывать волю с особенностями мотивационной сферы личности, уделяя особое внимание роли потребностей, целей и ценностей, как сущностных характеристик произвольности и воли (Л.С. Выготский, Т. Гоббс, В.А. Иванников, К.Н. Корнилов, С.Л. Рубинштйн);

«воля как долженствование»-воля понимается как особая побудительная функция, отличная от переживания актуальной потребности и не сводимая к мотивам поведения (Д.Н. Узнадзе, Ш.Н. Чхартишвили);

«воля как особая форма психической регуляции», отвечающая за управление собственным поведением, регуляцию психических функций и деятельности человека в целом (М.Я. Басов, Л.С. Выготский, В.К. Калин и др.);

«воля как механизм преодоления внешних и внутренних препятствий и трудностей», как способность преодолевать возникающие на пути к достижению цели затруднения (П.А. Рудик, П.В. Симонов).

Выделенные направления во многом пересекаются между собой. По мнению, самого автора, описанные *«...подходы к пониманию сущности воли отражают различные её стороны, обозначают различные её функции и вовсе не противоречат друг другу»* (Ильин, 2009, с. 49). Они должны быть интегрированы и проанализированы как единое целое одного феномена (Быков, 2003).

В.А.Иванниковым, который выделил четыре «реальности», подлежащие изучению в рамках проблемы воли:



- Порождение и осуществление волевых действий;
- Осуществление волевого выбора;
- Особая регуляция поведения и психических процессов в особых обстоятельствах;

– Проявления в поведении человека волевых качеств личности.

В подходе «свободного выбора» воля наделяется функцией выбора между равнопривлекательными мотивами, целями, действиями. Существует два варианта понимания воли в этом подходе: в одном случае воля рассматривается как самостоятельная сила, в другом, понимание воли сближается с функционированием познавательных процессов (Аристотель, У. Джемс, И. Кант, Э. Мейман, Б. Спиноза и др.).

Воля понимается как психологический механизм, где личность регулирует свои психические функции, поставленные перед человеком задачей в *регуляционном подходе*. Итак, воля-это форма регуляции поведения и психических процессов.

Выделение двух основных направлений анализа волевой регуляции было предложено А.Э. Пасниченко. Это *формально-динамический подход*, исследующий сознательную регуляцию силы, скорости и других динамических параметров действия, и *ценностно-смысловой подход* (Пасниченко, 2007).

Barry J. Zimmerman (Zimmerman, Schunk, 2001) предложил рассматривать теории саморегулирующегося обучения с точки зрения ответов на исследовательские вопросы:

– Что заставляет студентов прибегать к саморегулированию во время изучения?

– Через какой процесс или процедуру студенты становятся способными к сознательной саморегуляции своих действий и деятельности в учебном процессе?

– Какие процессы являются ключевым при саморегулировании, используемые студентами при достижении их академических целей?

– Какова роль социального окружения и организации среды учащихся в реализации саморегуляции?

– Каковы особенности развития и становления способности саморегуляции в учебном процессе?

Эти вопросы, по мнению B.J. Zimmerman, в свою очередь можно объединить в три фундаментальные категории:



«Почему?» («Why?») - научные вопросы, адресованные анализу мотивации саморегуляции, способность выбирать и ограждать намерение, анализ и исследование мотивации к саморегуляции.

«Как?» («How?») - в эту категорию входят исследования, направленные на изучение стратегий, способов и методов саморегуляции обучения (анализ способов и стратегий);

«Что и Где?» («What & Where?») - обнаружение специфики саморегуляции связанной с её предметом, с тем на что она направлена, анализ регуляции с точки зрения её целевого объекта и регулирование сопутствующих параметров деятельности - окружение, собственное функциональное состояние и др.

В.Н. Шляпников, сформулировал три группы исследовательских вопросов (Шляпников, 2009):

- исследования принятия решения и процесса формирования намерения, где воля рассматривается как процесс, определяющий активность и целенаправленность при принятии решения;

- исследовательская область, изучающая инициацию реализации намерения в действии. Воля понимается как психический процесс, обуславливающий этот переход и иницирующую деятельность, основанную на принятом решении.

- воля как контроль за реализацией иницированного в действии намерения. Это является наиболее признанным большинством современных зарубежных исследователей.

Анализ классификаций теорий воли и исследовательских направлений волевой регуляции позволил нам предположить, что личностный уровень произвольной регуляции осуществляется на разных уровнях деятельности, что и обуславливает различия взглядов на природу и место «воли» в современной психологии.

Литература:

1. Выготский Л.С. Собрание в 6-томах. Т. 3. М.: Педагогика. 1982.
2. Иванников В.А. Психологические механизмы волевой регуляции. СПб.: Питер. 2006.
3. Ильин Е.П. Психология воли. СПб.: Питер. 2006.
4. Шляпников В.Н. Исследование волевой регуляции в современной зарубежной психологии// Вопросы психологии. 2009. № 2.



UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA INGLIZ TILI MASHG'ULOTLARIDA AUTENTIK MATERIALLARDAN FOYDALANISH

H.F. MAKSUDOVA,

*Toshkent farmasevtika instituti
Ingliz tili o'qituvchisi*

Chet tillarini o'qitishda necha yillardan beri turli metodlar, yondashuvlardan foydalanib kelinmoqda, shu o'rinda chet tilini o'qitishda autentik materiallardan foydalanishni ham kiritishimiz mumkin. Ushbu maqolada biz uzluksiz ta'lim tizimida ingliz tili mashg'ulotlarida autentik materiallardan foydalanishning afzalliklari haqida fikr bildirmoqchimiz.

Kalit so'zlar: kommunikativ kompetensiya, autentik material, ijtimoiy –madaniy kompetensiya, kasbiy muloqot, CEFR.

На протяжении многих лет мы используем разные методы и подходы к преподаванию иностранных языков, а также можем использовать аутентичность в обучении иностранным языкам. В этой статье мы обсудим о преимуществах использования аутентичных материалов в изучении английского языка в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: коммуникативная компетенция, аутентичный материал, социокультурная компетенция, профессиональное общение, CEFR.

Over the years, we have used different methods and approaches in teaching foreign languages, and we can also use authentic materials in teaching foreign languages. In this article we would like to give an idea of the benefits of using authentic materials in learning English in the system of continuous education.

Key words: communicative competence, authentic material, social and cultural competence, professional communication, CEFR.

Hozirgi global axborot asrida axborot-ma'lumotlardan o'z ehtiyoji va sohasi doirasida keng miqyosda foydalana olish xorijiy tillarni mustahkam egallashni taqazo etmoqda. Respublikamiz birinchi Prezidenti I.A. Karimovning "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi 1875-sonli qarori [1,1], so'ngi yillarda ta'lim sohasini tubdan isloh qilishga qaratilgan O'zbekiston Respublikasi prezidenti SH.M.Mirziyoyevning "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida" gi 2909-sonli qarori [2,18-20] va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 11 avgustda 610-sonli "Ta'lim muassasalarida chet tillarini o'qitishning sifatini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi qarori aynan shu maqsad ko'zda tutilgan bo'lib, ushbu qarorlarning ijrosining samarasi sifatida respublikamizda turli yo'nalishlarda ta'lim olayotgan yoshlarning xorijiy tillar, xususan, ingliz tilidagi nutqiy



kompetensiyalarini shakllantirish va rivojlantirishga jiddiy e'tibor qaratila boshlandi.

Xorijiy tillarni boshlang'ich sinflardan boshlab uzluksiz o'qitilishining yo'lga qo'yilishi davlat ta'lim standartlarini hamda xalqaro talablar asosida takomillashtirish, ta'lim tizimining barcha bosqichlari uchun o'quv dasturlari mazmunini yangilash, ta'lim jarayoniga yangicha yondashuvlar va zamonaviy texnologiyalarni joriy etishni talab etadi. Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 8 maydagi 124-son qarori O'zbekiston Respublikasi uzluksiz ta'lim tizimining davlat ta'lim standarti ta'limning barcha bosqichlari: umumiy o'rta ta'lim, o'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi hamda oliy ta'lim bitiruvchilarining chet tillari bo'yicha tayyorgarlik darajasining standartlari belgilangan. Davlat ta'lim standartiga binoan Oliy ta'lim muassasalariing ixtisosligi chet tili bo'lmagan yo'nalishdagi bakalavriat va magistratura bosqichi bitiruvchilari chet tilini B2 mustaqil muloqot darajada egallashlari aytilgan. [2,3]

Demak, umumiy o'rta ta'limdan boshlab chet tillarini o'qitishning samarali tizimi yo'lga qo'yish belgilangan maqsadga olib boradi. Shuni ham aytishimiz mumkinki, so'ngi uch-to'rt yil davomida ingliz tili darslari uchun darsliklar, o'quv qo'llanmalar chop etildi, ammo faqatgina darsliklar bilan chegaralanish kommunikativ kompetensiyaning prinsiplarini barini qamrab oladigan mashg'ulotlarni tashkil etish uchun etarli emas deb hisoblaymiz.

Chet tilini o'qitishda autentik materiallardan foydalanish hozirda til o'qituvchilari uchun yangilik emas, 1970 yillarda chet tillarini o'qitishda kommunikativ til o'rgatish yondashuvi kirib kelgandanoq autentik materialdan foydalanish yo'lga qo'yila boshlandi [4, 282-287]. Ammo hozirga qadar ingliz tili mashg'ulotlarida autentik materiallar qo'llanilayotganini kamdan-kam guvohi bo'lamiz. *"Autetik"* - so'zi grekchadan olingan bo'lib, *to'g'ri, haqiqiy va real* degan ma'nolarni anglatadi. Dastlabki autentik materialdan foydalanish haqidagi fikrlar, ularning afzalliklari va kamchiliklari Henry Swit tomonidan (1899) keltirilgan. Keyinchalik, Martinez (2002), Kilickaya (2004), Bacon and Finnemann (1990), Nuttall (1996), Widdowson (1990), Harmer (2001) lar tomonidan hayotiy materiallardan foydalanish ingliz tilini samarali o'rganishga yordam berishi, real kommunikatsiyaga o'rgatishi haqida fikrlar bildiriladi. Ammo shunday qarashlar ham mavjudki, Freeman (2000), Jordan (1997) va Carter (2001) autentik materiallar ta'lim maqsadida foydalanilmasligi, ular til egalari uchun yaratilgan ma'lumot deb hisoblaydilar va material til o'rganuvchilari uchun murakkab yoki chet tilini bilish darajasiga mos kelmasligi mumkinligini ta'kidlaydilar. Bizningcha, hayotiy video materiallar, matnlar bilan o'qitish tilni real hayotda qo'llashga, tilni o'rganishga bo'lgan motivatsiyani o'rtishga, chet tili mashg'ulotlarni qiziqarli va mazmunli



tashkil etilishiga yordam beradi. Shuningdek, Richards(2001) autentik materialdan foydalanishning afzalliklari va sabablarini ko'rsatadi; 1) Til o'rganuvchini haqiqiy hayotga tayyorlaydi; 2) Til o'rganuvchiga yangi ma'lumotni beradi; 3) Til o'rganuvchida tilni o'rganishga motivatsiya paydo bo'ladi; 4) O'qituvchilarning samarali o'qitish metodlardan foydalanishlariga turtki bo'ladi; 5) Til o'rganilayotgan mamlakatning madaniyati va ijtimoiy hayotini ham o'rgatishga yordam beradi [7, 470].

Konoplianyk Lesia ham Richardsning fikrlarini maqullaydi va ingliz tilini ma'lum maqsadlarda o'qitishda hayotiy video materiallardan foydalanishni tavsiya etadi, u nafaqat gapirish balki, tinglab tushinish ko'nikmalarini rivojlantiradi deb hisoblaydi. Konoplianyk Lesia ham autentik video materialdan foydalanishning bir qancha afzaliklarini sanab o'tadi:

- Til muhitini yaratadi;
- Tilni o'rganishda motivatsiyani uyg'otadi;
- Tildan foydalanishning hayotiy, aniq misolini ko'rish imkonini beradi;
- O'rganilayotgan so'z, terminlarning yoki materialning xotirada qolishi va o'rganilishini ta'minlaydi;
- Til o'rganilayotgan mamlakatning madaniyatidan habardor bo'lishga yordam beradi;[6,464-468]

Ko'rishimiz mumkinki, yuqoridagi tilshunoslar va ingliz tili metodistlarining fikrlari deyarli bir xil, ammo ba'zi tilshunoslar va ingliz tili metodistlari autentik materiallardan chet tilini bilish darajasi CEFR ga binoan B2 va C1 darajasiga ega til o'rganuvchilar uchun qo'llash mumkinligini takidlaydilar, ammo bizningcha, to'g'ri tanlangan autentik material uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida (umumiy o'rta maktab, akademik litsey, kasb-hunar kollejlari, OTM) qo'llanilishi mumkin. O'rta maktabning, boshlang'ich sinflarida, 1-4 sinf o'quvchilari uchun ingliz tili dastur va darsliklarida ijtimoiy hayotda qo'llaniladigan asosiy iboralar va so'zlarni o'rgatishga qaratilgan mavzular kiritilgan. Darsliklarda kiritilgan mavzular autentik materiallarni qo'llagan holda chet davlatining ijtimoiy hayotini haqiqiy misollar bilan o'qitishda qo'llanilishi mumkin. Misol qilib aytadigan bo'lsak, transport vositasining jadvali yoki ko'rsatuvlar dasturi. Til o'rganuvchi bunday materialga kelajakda albatta duch keladi va bunday autentik materiallardan maktab darslarida foydalanish uchun til o'rganuvchining B2 darajadagi bilim talab qilmaydi.

Demak, A1-A2 chet tilini bilish darajasiga ega o'rganuvchilar uchun ham autentik materialdan foydalanish mumkin. Biz uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida ingliz tili mashg'ulotlarida qo'llanilishi mumkin bo'lgan ba'zi autentik materiallar turlarini keltirishimiz mumkin:

- Xaritalar; – Telefon kitobchalari; – Menyu; – Multifilmlar; – E'lonlar; – Retseptlar; – Qo'shiqlar; – Jurnallar; – Ro'znomalar; – Televizion dasturlar; –



Internet veb saytlari; – Broshyuralar va shu kabilar.

Kasb-hunar kollejlari va oliy ta'lim muassalarida ingliz tili mashg'ulotlarida autentik materiallardan foydalanish esa zarur va juda muhim deb hisoblaymiz. Malakali kadrlarni jamiyatga tayyorlash uchun chet tilida ayniqsa ingliz tilida kommunikativ kompetensiyaga ega bo'lgan mutaxassislarni tayyorlash ta'lim tizimining asosiy maqsadi. Sohaga oid terminlarni, iboralarni samarali o'qitish, kasbiy faoliyat davomida ijtimoiy, madaniy kompetensiyaga ega bo'lishlarida autentik materiallardan foydalanish tilni ma'lum maqsadlarda o'qitishda muhim deb hisoblaymiz. Chikunova A.E. ijtimoiy-madaniy kompetensiyani shakillantirishda autentik video materiallardan foydalanish chet tilidagi madaniyatni o'rganish va muloqotga kirishishda samarali natijasini beradi deb hisoblaydi [7, 30-38]. Bizningcha ham, kommunikativ kompetensiyaning barcha komponentlari: lingvistik kompetensiya, pragmatik kompetensiya, ijtimoiy-madaniy kompetensiyani shakillantirishda va rivojlantirishda autentik materiallardan foydalanish hayotiy tilda foydalanilayotgan so'z, so'z birliklari va gaplarning qo'llanilishini aniq, hayotiy misollar bilan o'qitish imkoniyatini beradi. Autentik materiallardan foydalanish nutq turlarini: tinglab tushinish, gapirish, yozish va o'qib tushinish rivojlantirishga, so'z boyligining oshishi va fikrlash qobiliyatini rivojlantirishga ham yordam beradi deb hisoblaymiz. Albatta, autentik materialdan foydalanishning qiyinchiliklari ham mavjud ayniqsa til o'qituvchisidan o'z ustida ishlashni, materialni tanlash, izlanish va autentik materialdan mashq, topshiriqlar tizimini ishlab chiqishni talab etadi, ammo afzalliklari qiyinchiliklari va kamchiliklariga qaraganda anchayin ko'p.

Adabiyotlar ro'yhati:

1. «Xalq so'zi» gazetasi, 11.12.2012 y., 240 PQ-1875-son (5660)-son Toshkent sh., 2012 yil 10 dekabr,
2. «O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami», 2017 yil 10 may, 18-son, 313-modda
3. «O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami», 2017 yil, 32-son, 820-modda
4. Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 8 maydagi 124-son qarori O'zbekiston Respublikasi uzluksiz ta'lim tizimining davlat ta'lim standarti.3-bet
5. Chomsky, N. (1965) Aspects of theory of syntax. Boston: MIT Press,
6. Hymes, D. (1972) On communicative competence.
7. Richard, J.C. (2001) Curriculum development in language teaching. Cambridge. Cambridge University Press.
7. Konoplianyk Lesia Use of authentic video materials in teaching ESP for future civil engineers, 464-480 pages, dx.doi.org/10.30525/978-9934-571-523)



O'QUVCHI-YOSHLARGA CHET TILINI O'QITISHNING INNOVATSION YO'LLARI

G.B. YAXYOEVA,

Navoiy Davlat konchilik instituti
«O'zbek va chet tillar» kafedrası assistenti

Maqolada ta'lim-tarbiyada ushbu sharoitga mos ravishda ilg'orlik va tezkorlik bilan e'tibor qaratilishi zarur bo'lgan masalalar, o'quvchilarining chet tilida og'zaki nutq, yozma nutq, tinglab–eshitishini rivojlantirishda qo'llanishi kerak bo'lgan ayrim metodlar, ta'lim tarbiya jarayonlarida yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llash orqali chet tilini o'rgatishning yangicha uslublari ingliz tili misolida qo'rsatilgan.

Tayanch so'z va iboralar: sun'iy muhit, tinglab tushunish, leksik ko'nikma, motivatsiya, didaktik, psixologik, lingvistik.

В данной статье рассматриваются задачи направленные на ускорение и опережение в воспитательно-учебных условиях, некоторые методы по развитию устной, письменной, слушанию-говорению учеников, применение новейших педагогических технологий, показаны новые методы по изучению английского иностранного языка.

Ключевые слова: глобализация, искусственная среда, осознание услышанного, лексические методики, дидактическая, психологическая, лингвистическая мотивации.

This article deals with reforms in our country currently implemented in the field of education, points that should be paid immediate attention in education appropriately to the condition, some methods which should be used to improve pupils' speaking, writing, listening skills, employing new pedagogical techniques in the process of education, innovative methods of teaching a foreign language by standards of national-spiritual morals, elegance, humanitarian, national values.

Key words: fake environment, listening- understanding, lexic habit, motivation, didactic, psychological, linguistic.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim qonuniyatlariga asoslangan holda maktab o'quvchilarida chet tilida ham umumiy, milliy-ma'naviy, axloq, nafosat me'yorlari, umuminsoniy, milliy qadriyatlarni singdirishga, shuningdek, o'quvchilarning kommunikativ savodxonligi, nutqiy, mantiqiy, muomala madaniyati, iqtisodiy bilimdonligini rivojlantirishga xizmat qilishini ta'minlash ko'zda tutilishi kerak. Mustaqillik yillarida "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" qabul qilindi, Kadrlar tayyorlash milliy modeli ishlab chiqilib, yangicha dunyoqarash,



g'oya va mafkuralar hilma-xilligiga asoslangani shaxsning ta'lim darajasi va salohiyatini oshirishga, mustaqil fikrlaydigan, ijodiy yondoshuv madaniyatiga ega bo'lgan, yangi avlod kadrlarini tayyorlash ta'lim-tarbiya sohasida muhim o'rin tutadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda "CHet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda o'qitishning ilg'or uslublarini joriy etish yo'li bilan o'sib kelayotgan yosh avlodni chet tillarga o'rgatish, shu tillarda erkin so'zlasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish hamda buning negizida ularning jahon sivilizatsiyasi yutuqlari hamda dunyo axborot resurslaridan keng ko'lamda foydalanishlari, xalqaro hamkorlik va muloqotni rivojlantirishlari uchun shart-sharoit va imkoniyatlar yaratish maqsadida chet tillarni, asosan, ingliz tilini o'rganish uzluksizligini ta'minlashda umumiy o'rta ta'lim maktablarining 1-sinflaridan o'yin tarzidagi darslar va og'zaki nutq darslari shaklida, 2-sinfdan boshlab esa, alifbo, o'qish va 3-sinfdan boshlab grammatikani o'qitish bosqichma-bosqich boshlandi.

Chet tilni o'rgatish ob'ekti nutq faoliyatidir, uning predmeti esa fikr hisoblanadi. Aytish mumkinki, nutq faoliyatini o'rgatish muntazam mashq qilishni, o'z fikrini chet tilda og'zaki bayon qilish malakalarini egallashni talab qiladi. Chet til ta'limi jarayonida muloqot vositalari va nutq malakalarini egallash vazifasi asosiy o'rinni egallaydi. Har qanday ko'nikma amaliyot natijasida malakaga aylanadi, ya'ni o'quvchi o'qishni o'qish, gapirishni gapirish orqali o'rganganidek, muloqot qilishni muloqot qilish orqali o'rganadi. Nutq ko'nikma va malakalari nutqiy mashqlar, aniq kommunikativ vazifalar va topshiriqlarni bajarish orqali shakllanadi. Nutq mashqlari kundalik axborotni, aniq voqea-hodisalar va o'quvchilarning hayot tajribalarini o'zida mujassam etishi kerak. Mashqlar ijodiy faoliyatni rivojlantiradi, o'quvchilarni mustaqil ishlashga yo'naltiradi. Turli mavzulardagi nutqiy vaziyat va muloqotlarni tashkil etish o'quvchilarning faolligini oshiradi va o'z fikrlarini erkin aytishga undaydi.

Dars boshlanishidagi chet til sun'iy muhitini yaratishda tinglab tushunishga mo'ljallangan mashqlardan foydalaniladi. O'quvchiga tinglab tushunish jarayonida quyidagilar o'rgatiladi:



– soʻz va soʻz birikmalarining shaklini va grammatik strukturalarni farqlay olish;

– nutq namunasini tinglab, fahmlay olish;

– eshitish xotirasi hajmini oʻstirish;

– oʻrganilgan til materialini turli birikmalarda tushuna olish;

– texnik vositalarga yozilgan nutqni tushunish;

– bir karra aytilgan fikrni fahmlash;

– moʻʼtadil (oʻquv dasturida qabul qilingan) tezlikdagi nutqni tushunish;

– audiomatnda notanish leksik birliklar boʻlishiga qaramay, uning umumiy mazmun va mohiyatini ilgʻab olish.

Tinglab tushunishni oʻrgatishda alohida mashqlar bajarilishi va maxsus vaqt ajratilishi koʻzda tutiladi. Chet til oʻqitishning birinchi soatidan boshlab, to oʻquvchi maktabni tugatgunga qadar, tinglab tushunishni uzluksiz oʻrgatish davom etadi.

Nutq malakalarini shakllantirishda izchillik prinsipi alohida ahamiyatga ega va u didaktik, psixologik, lingvistik va sof metodik omillar koʻlamida amalga oshiriladi.

Tinglab tushunish mashqlari uzluksizligi quyidagi tartibda kechadi:

– avvalgi mavzuFmatnga asoslangan holda matn oldi mashqlari bajariladi;

– bevosita tinglash va tushunish mashqlari oʻtkaziladi;

– matndan keyingi bajariladigan lisoniy va nutqiy mashqlar beriladi.

Maʼlumki, gapirish va tinglab tushunish jarayoni ogʻzaki nutqning ikki uzviy bogʻlangan tomonlaridir. Ularda ishlatiladigan leksik va grammatik hodisalar umumiydir. Ogʻzaki nutqda izchillik masalasi juda muhim, chunki oliy maktabda talabalarning oʻrganilgan tematika boʻyicha savol-javob, tinglab tushunish, qisqa maʼlumot berish malakalarini egallashlari talab etiladi. Oʻqish va yozuvni mashq qilishda ham tinglab tushunish “ishtirok” etadi. Oʻqiyotgan yoki oʻz fikrini yozma bayon etayotgan kishi qoʻllanilgan til materialini tinglab tushuna oladi.

Gapirish – nutq faoliyatining turi sifatida ogʻzaki fikr bayon etish demakdir. Ceht tilda gapirish uch qismdan iborat nutqiy faoliyatdir. Dastavval gapirishga moyillik (motivatsiya) boʻlishi taqozo etiladi. Ushbu til vositasida fikr aytish ehtiyoji tugʻiladi. Undan keyin fikr izhor etiladi. Bunda xotirada tutish (assotsiativ bogʻlanish), interferensiya va transpozitsiya hodisalari paydo boʻladi. Gapirishning uchinchi qismi ijro etish, yaʼni tashqi



nutqda uni ifodalashdan iborat.

Fikrni ogʻzaki bayon etish (gapirish)ni oʻrgatish fikrni yozma bayon qilish, oʻzgalar nutqini idrok etib fahmlash (tinglab va oʻqib tushunish) kabi nutq faoliyati turlari bilan uzviy bogʻlangan holda tashkil etiladi. Masalan, darsda oʻquvchiga audiomatn eshittiriladi, ushbu audiomatn yuzasidan oʻquvchilarga muammoli savollar beriladi, yaʼni tinglab tushunish mashqi gapirishga moyillikni yuzaga keltiradi, oʻqituvchining savollari esa fikr aytishga turtki boʻladi.

Demak, tinglab tushunish bilan gapirish oʻrtasida izchillik oʻrnatiladi.

Fikrni ogʻzaki ikki shaklda: yakkanutq/monolog va suhbat tarzidagi juftnutqFdialogda ifodalash mumkin.

“*Monolog*”yoki yakkanutq – bir kishining nutqi boʻlib, unda jumlarlar mantiqan bogʻlangan holda izchillikda keladi. Monologda nutqqa tayyorlanish va fikrni mazmunan izchillikda bayon qilish imkoniyati mavjud boʻladi. Ifodalanadigan fikr va gʻoyalar tayanch jumlarlar vositasida asta-sekin rivojlantirib boriladi. Fikr-mulohazaning maʼlum darajada tugallanganligi nutq namunalarida ifodalanadi.

Muloqotlarda oʻquvchi avvalo milliy qadriyatlarga mos ravishda salomlashish odobi, muloyimlik, tinglayotganda avvalo kattani tinglash va keyin lozim boʻlsa javob qaytarish kerak ekanligini oʻrgangan holda, ona vatan, odob-axloq tushunchalarini chet tilida ifoda etishlari uchun soʻz boyliklarini turli matnlarni tarjima qilish orqali oshirish maqsadga muvofiqdir. Yuqorida aytib oʻtganimizdek, taʼlimning dastlabki bosqichi, yaʼni maktab oʻquvchilarida gapirish muhim taʼlimiy vazifa hisoblanadi.

Uzluksiz taʼlimda oʻquvchi-yoshlarga berilayotgan vazifalar ularning har taraflama rivojlantirish qaratilishi, oʻzini nazorat qilishga va tahlil qilishga imkon berishi kerak.

Foydanilgan adabiyotlar:

1. Jalolov J. “Chet tili oʻqitish metodikasi” Toshkent 1996 yil.
2. Satarov T “Boʻlajak ingliz tili oʻqituvchisini uslubiy texnologiyasi” – Toshkent 2003 yil.
3. Saydaliev S. Chet til oʻqitish metodikasidan ocherklar. – N. 2004.
4. Xoshimov Oʻ. Yoqubov I. Ingliz tili oʻqitish metodikasi. “Sharq” nashriyot–matbaa AK.



*Журналнинг ушбу сонини
тайёрлашда қатнашганлар:
Л.М.Қорахонова, С. Пирматов.*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан
03.01.2007 йилда № 0101 тартиб рақами билан
рўйхатдан ўтган.*

*«Узлуксиз таълим» журнали Ўзбекистон Республикаси ОАК
раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан
педагогика ва психология фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.*

*Журналга 1,5 интервалда 7-8 бет ҳажмдаги материал
Times New Roman шрифтида электрон версияси билан бирга
қабул қилинади.*

Босишга рухсат этилди: 6.06.2019 й. Қоғоз бичими 60x84¹/₁₆.

Офсет босма усулида босилди. 8 босма табоқ.

Адади нусха. Буюртма

“ADAD PLYUS” МЧЖ матбаа корхонаси.
Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй